

Муассислар:

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

**Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ**

Бош муҳаррир:

Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари в.б.:

Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:

Ориф ТОЛИБ

Масъул муҳаррир:

Элёр МУРОД

Таҳрир ҳайъати:

**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожиддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Бадий муҳаррирлар:

**Ақбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Саҳифаловчи:

Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Фотограф:

Рустам НАЗАРМАТ**Манзилмиз:**

Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон шоҳжўчаси, 16-“а” уй.

E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz

Тел/факс: (0371) 227-0-227,

245-5-793, 245-0-552

Навбатчи муҳаррир: Нурилла ЧОРИ

Босишга 4.11.2015 йилда рухсат берилди.

Қоғоз формати 60x84 1/8.

Наширёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.

ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги

томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда

“YOSHLIK”дан олинди”деб изоҳланиши шарт.

“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Буюртма № 57. Адади 2861 дона.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Омад сири

“Истеъдодли ёшлар – юрт таянчи” шиори остида ўтказилаётган тадбирлар давомида “Ёшлик” журнали ижодкорлари юртимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, ёшлар билан мулоқотга киришмоқда, уларнинг орзу-интилишлари, мақсадлари билан қизиқаётир. Учрашувлардан бирида: “Омад дегани бор гапми? Инсоннинг бахтли бўлишида унинг ўрни қандай?” деган савол берилди. Табиийки, катта ҳаёт оstonасида турган ҳар бир йигит-қизни ўйлантиради бу савол.

Аслида, бу дунёга келишимизнинг ўзи омадли эканимизга далил эмасми? Ҳикматли қонуният – ҳеч нарса тасодифий, шунчаки рўй бермайди. Ҳар бир гўдак аниқ вазифа билан бу оламга келади. Ҳамма гап – ана шу мақсадни, ҳаётнинг бош маъносини англаб етишда. Акс ҳолда, чалкаш йўлларда суринамиз, омад ҳам бизга бегона бўлиб қолаверади.

Муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёш авлод учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди: **“Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. Мен болаларимга айтмоқчиман: азиз фарзандларим, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан, изланишдан уялманглр. Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд қилмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди”**.

Мана, омаднинг бош сири!

Шу ўринда бир ривоят ёдга тушади. Айтишларича, устоз қошига бир шогирди келиб, ҳаётда омадим чоғиши учун нима қилмоғим керак, деб сўрабди. Устоз унга бошини сув тўла идишга солишни буюрибди, сўнг ўзи унинг сочидан чангаллаб, босиб турибди. Шогирд бор кучини ишга солиб, зўрға бошини сувдан чиқариб, енгил нафас олибди. “Менинг қаршилигимни енгаётган чоғингда қандай истакни ҳис қилдинг?” дея сўрабди устоз. “Нафас олишни...” дебди шогирд. “Яна нимани?” – қизиқибди устоз. “Бошқа ҳеч нарсани”, жавоб берибди шогирд. Устоз шогирдига жилмайиб: “Омадга эришишнинг ягона йўли шу – нимани ишташингни аниқ бил ва бошқа ҳеч нарсага чалғима”, деб жавоб берган экан.

Барча эзгу орзу-истаклари рўёби учун етарли шарт-шароит яратилган Ватанда яшаётган ёшларимизга қарата шу саволни бергимиз келди: сиз ҳаётдаги ўз вазифангизни, мақсадингизни аниқ тасаввур қила оляпсизми?

“Ҳа”, десангиз – демак, сиз омадлсиз! Манзилни тўғри белгилаган ва унга элтувчи йўлда собитқадам бўлган инсонга ҳамма нарса – тақдирнинг ўзи ҳам ёрдамга шошилади. Фақат яна ўша гап: интилишдан чарчамасангиз ва ўрганишдан уялмасангиз бас...



10



28




52



64



40



№ 10 (293), 2015 й.

3 САБОҚ

Ёшлар тарбияси – миллат келажаги пойдевори

7 НАЗМСирожиддин САЙИД.
Асрларга етар Сўз – бир нафасдир ё дамдир**52 МУҲИДДИН АБДУСАМАД.**
Кўзларингдан тошган меҳрингни туйсам**10 ИСТЕЪДОД МАКТАБИ**

Адабий чечаклар

14 УЧРАШУВ

Кўнглим бола эмасми энди?

17 ТАДҚИҚОТ

Шахло ОБЛОҚУЛОВА. Роберт Бёрнс шеърини ўзбек тилида

20 ҚЎЛЁЗМА

Тўра СУЛАЙМОН. Ҳикмат

21 ҲИКОЯ

Жасур КЕНГБҲОЙ. Тирик товон

28 ТАВСИЯ

Абдулла ҚАҲҲОР. Холис гап китобхоннинг кўнглида бўлади

33 НАСР

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Энатош

40 ЭССЕМатлуба ДЕҲҚОН қизи.
Гул сўқмоқлар**49 МУЛОҲАЗА**Абдуғани СУЛАЙМОН.
Муваффақиятнинг асосий шарты**54 ХОТИРА**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Шоир, тутгил одил йўлни...**58 ЖАҲОН ҲИКОЯСИ**

Хулио КОРТАСАР. Биз Глендани шундай яхши кўрардик

64 АНА ШУНАҚА!



Ёшлар тарбияси – миллат келажаги пойдевори

Инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб, энг машаққатли ва энг қийин вазифа – ёшлар тарбияси масаласи бўлиб келган. Барча аллома, мутафаккирлар, миллатнинг зиёлилари жамият ривожини, мамлакат фаровонлигини, тинчлигун хотиржамлигини ёшлар тарбияси билан боғлаганлар. Бу бежиз эмас. Қаерда тарбия масаласини таълим билан, миллий қадрият, анъаналар, менталитет билан узвий боғлиқликда ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт бўлган. Ёшлар таълим – тарбиясига эътиборсизлик қилинган жойда эса инқирозлар, миллий ўптирилишлар содир бўлаверган.

Истиқлол адабиётининг буюк вакилларида Абдурауф Фитрат шундай деган эди: “Агар динга, Ватанга, молга, жонга, авлодга муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожини, Ватан ободлигини, авлоднинг тинчлигини, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятлиларни таҳсил учун ўқишга юборинг”. Ушбу иқтибосда буюк алломанинг миллат ва Ватан келажаги,

ёшлар таълим-тарбияси учун қанчалар куюнчаклик билан ёндашганини кўришимиз мумкин.

Миллий мустақилликнинг ўтган қисқа даврида буюк мутафаккир, алломалар орзу қилган ниятларга етдик, мамлакатимиз ривожланишнинг мутлақо янги йўлига чиқиб олди. Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов мазкур масала хусусида тўхталиб, шундай дейди: **“Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ана шундай мардлар ўсиб, вояга етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадик, эй, сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлақо бошқача! Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди.**

Чунки биз бошқача даврда яшганмиз, бошқача мафкуранинг маҳсули бўлганмиз”.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг ёшларимиз бошқача тарбия олмақдалар. Шу ўринда, мустақиллик йилларида ёшлар тарбиясидаги эволюцион ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган айрим вазифалар тўғрисида баъзи фикрларни баён этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Жумладан, барчамизга маълумки, совет мустабид тузуми даврида миллий урф-одат, анъаналаримиз, қадриятларимиз, бошқача айтганда, тарбиядаги анъанавий – ўзбекона унсурлар катта талофат кўрди. Шакл жиҳатдан ўзбек, аммо мазмун жиҳатдан ўзбекчиликдан тобора узоқлаша бошлаган эдик. Бу нарса миллий маданиятимиз, тафаккур тарзимиз, онгу шууримизда, хатти-ҳаракатларимизда, айниқса, яққол кўрина бошлаганди.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ диний, миллий қадриятларни тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига қўшилди. Натижада мамлакат фуқаролари, айниқса, ёшларимиз миллий характеримизни акс эттирадиган қадриятлар билан бойий бошладилар. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, ёшлар дунёқараши, тафаккур тарзининг шаклланишида миллий тарихнинг ўрни ва аҳамияти катта. Аммо мустабид тузум шароитида ўзбек халқи ҳеч қандай давлатчилик тарихига эга эмас, унинг том маъ-

Тарихда сохтакорликка йўл қўйиш, аслида, миллатни ҳалок қилиш, жамиятни ва инсонни алдаш, ҳақиқатдан чекиниш билан баробар.



нодаги тарихи 1917 йилдан бошланган, деган мафкуравий сохта “назария”лар халқимиз онгига сингдирила бошлади. Мустақиллик ана шу сохтакорликларни бартараф этди. **“Мен, – дейди Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов, – ҳар доим мустабид совет тузуми, ўша замонда халқимиз бошидан кечирган кунлар ҳақида кўпроқ ёзинглар, деб тарихчи ва ёзувчиларимиздан илтимос қиламан. Ўша даврда яшаган, унинг барча кирдикорларини ич-ичдан билган зиёлиларимизнинг қанчаси отиб ташланди, қанчаси қамоқда ўлиб кетди. Аммо ўша замонни ёшларимиз билиши учун бизга кўпроқ китоблар, дарсликлар керак”.**

Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қуроллантиради.

Тарихни ёзишда ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни заҳарлайди, унинг дунёқара-

шини чалғитади.

Тарихда сохтакорликка йўл қўйиш, аслида, миллатни ҳалок қилиш, жамиятни ва инсонни алдаш, ҳақиқатдан чекиниш билан баробар. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бу масала мафкуравий жараёнлардаги устувор йўналишга айланди. Мамлакат раҳбарининг тарихчи олимлар, зиёлилар билан бўлган учрашувлари, нашр этилган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” каби асарларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тарих фани масалалари бўйича чиқарган қатор ҳужжатларида ёшлар дунёқарашининг шаклланишида тарих, жумладан, миллий тарихнинг ўрни маса-

лалари жуда ишонарли тарзда ўз аксини топган.

Учинчидан, мамлакат раҳбарияти ёшлар дунёқарашини шакллантиришда мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида белгиланган, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмайди, деган қоида муҳим ўринга эга бўлди. Ижтимоий ҳаёт соҳаларида сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигининг эътирофи этилиши, аслида, жамиятнинг янада ривожланиши, демократик ислохотларни амалга оширишга яратилган имконият эди.

Ҳозирги йигит-қизларимиз бундан 20-25 йиллар аввалги тенгдошларидан қатор сифатлари билан ажралиб турадилар. Агар ўша давр ёшларида ташаббуснинг сустиги, ғоявий-мафкуравий қарамлик, бировга кўр-кўрона эргашувчанлик, воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишда ўз мустақил фикрига эга эмаслик кабилар устунлик қилган бўлса, ҳозирги ёшларимизда ўз қатъий фикрига эгаллиги, ўз иқтидорини намойиш этиш имконияти мавжудлиги, ташаббускорлик, миллий-маданий, мафкуравий-сиёсий собитқадамлик, танлаган мақсад сари интилишдаги изчиллик сингари ҳолатларни кўриш мумкин.

Айни пайтда, айрим ёшларимизда замон талабларига жавоб бериш борасида муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Масалан, миллий-маданий меросимиздан фахрлана билишда, ундан руҳий қувват олишда баъзан сусткашликка

Бошқача сўз билан айтганда, мақсад фақатгина миллий-маданий меросдан фахрланишдан иборат эмас. Мақсад – XXI аср Ўзбекистон ёшларининг жаҳон тамаддунига қўшадиган ҳиссасини англашдир.

йўл қўйилмоқда. Шу ўринда Президент Ислон Каримовнинг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги қуйидаги сўзлари ўта муҳимлигини эслатиш лозим: **“Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама**

уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четга қолиб кетишга маҳкум эканини биз ўзимизга яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз”.

Фикримизча, Юртбошимизнинг ушбу мулоҳазалари барча ёшларимиз учун дастуриламал бўлиши лозим. Гап шундаки, мақсад фақат ўрта асрлар шарқ аллоmaları, мутафаккирларининг қачон ва қаерда туғилгани-ю, қайси асарни ёзганини қуруқ ёдлашдан иборат эмас.



Мақсад, биринчидан, аллома – мутафаккирларимизнинг жаҳон илму фанига қўшган ҳиссасини билиш, улардан фахрланиш кўникмасини ҳосил қилиш бўлса, иккинчидан, ҳозирги йигит-қизларимизда ўша алломаю мутафаккирлар олдидаги маънавий қарзини узиш, шунингдек, буюк аждодларимизга муносиб равишда миллат ва Ватан олдида масъулият сезиш ҳиссини шакллантиришдан иборатдир. Бошқача сўз билан айтганда, мақсад фақатгина миллий-маданий меросдан фахрланишдан иборат эмас. Мақсад – XXI аср Ўзбекистон ёшларининг жаҳон тамаддунига қўшадиган ҳиссасини англашдир.

Яна бир масала борки, албатта эътибор бериш лозим. У ҳам бўлса, барпо этилаётган жамият мазмун-моҳиятини англаш билан боғлиқ. Тўғри, биз инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик жамият қурмоқдамиз. Аммо шу мураккаб йўлни босиб ўтишда белгиланган босқичларни барча йигит-қизлар ҳам тўлалигича англаб етмайдилар. Масалан, бугун барчамиз мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида меҳнат қилмоқдамиз.

Ёшларимиз давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётини либераллаштиришни чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, сайлов ҳуқуқи, сўз эркинлиги каби масалалар бўйича муайян билим ва кўникмага эга бўлмас экан, уларнинг бу жараёнлардаги фаол иштироки тўғрисида фикр юритиш қийин. Қолаверса, гап юқорида санаб ўтилган йўналишларни билиш билан ҳам чегараланмайди. Энг асосийси – йигит-қизлар ўз мақсад-муддаоларини миллий истиқлол

Бошқача сўз билан айтганда, ёшларимиз ижтимоий фаол, сиёсий-ҳуқуқий маданиятли, маънавий олами юксак бўлмас экан, барча ҳаракатлари қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади.

ғояларига мутаносиб билишдир. Бошқача сўз билан айтганда, ёшларимиз ижтимоий фаол, сиёсий-ҳуқуқий маданиятли, маънавий олами юксак бўлмас экан, барча ҳаракатлари қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади.

Ана шу муаммоларни изчиллик билан, бир тану бир жон бўлиб ҳал қилиш, шубҳасиз, ижобий натижалар беради. Зеро, Юртбошимиз қайд этганидек, **“Мустақил фикрлайдиган, замонавий илмфан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”**.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
Тарих фанлари доктори, профессор



Асрларга етар Сўз – бир нафасдир ё дамдир

*Ўзбекистон тонглари
бедор кутган кўзларим*

Устоз Миртемир шеърига тазмин

*Асрларни киприклардай қатор этган кўзларим,
Асрлардай карвон-карвон қатор кетган кўзларим,
Асрий орзу-армонлардан маржон тутган кўзларим,
Асрий ранжу ситамларни ичга ютган кўзларим,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим.*

*Инсоният тамаддуни лой қорган илк паллалар,
Тарихнинг илк ҳарфларидай келган кўрган, қалъалар,
Мангуликдай чексиз бўлиб ётган дашту далалар,
Карвонларнинг изларидай мангу қолган изларим,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим.*

*Мовароуннаҳр, яъни икки дарё ораси,
Икки дарё орасида минг-минг кўнглим пораси,
Минг-минг асрлардай унинг минг-минг дарду яраси,
Асрлардай оғир кечган кеча ҳам кундузларим,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим.*

*Мен нур истаб асрлардан асрларга талпиндим,
Бўронларда тулпорларнинг ёлларини ёпиндим.
Не бўлса ҳам энг аввал ор-номусимга топиндим,
Менинг бирлан уйгоқ ўтган интизор юлдузларим,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим.*

*Жонажоним дейму сени, Ўзбекистон, жонга жон,
Жонга жоним дейму сени, Ўзбекистон, жонажон,
Ўзбекистон, онажоним, Ўзбекистон, онажон,
Ёруғ кунлар қуёшидай порлаб кетган юзларим,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим.*



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

1958 йили туғилган.
ЎзМУнинг журналистика факультетини тугатган.
Илк шеърлар тўплами – “Руҳим харитаси” (1985).
Шундан кейин “Салқин харсанглар кафтида”, “Севги мамлакати”, “Асрагил”, “Куйдим”, “Ватанни ўрганиш”, “Ватан абадий”, “Устимиздан ўтган ойлар” “Хайёмдан бир коса, Румийдан бир жом” каби шеърини тўпламлари нашр этилган.
А.Вознесенскийнинг “Мангу ризк” асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Аваз Ўтар

Умр ўтар, нафас ўтар,
Орзу ўтар, ҳавас ўтар.
Қаср ўтар, қафас ўтар,
Қанча бек, қанча кас ўтар.
Ҳаммаси басма-бас ўтар –
Абас ўтар, абас ўтар.
Қолар фақат, қолар абад
Аваз Ўтар, Аваз Ўтар.



Адабиёт

Биринчи китоби чиққан шоир укаларимга

Гарчи бўлмас оламда қари, ёш Адабиёт,
Ё бебош Адабиёт ёки Бош Адабиёт.
Кўкламдай гулталошу дилталош Адабиёт,
Илк китобингиз кўриб айтса бўлгай бемалол:
Адабиёт кексаймас, мангу ёш Адабиёт.

Илк китоб – умрингизда бу илк катта қадамдир,
Инсон умри агарчи бир чақин ё бир шамдир,
Асрларга етар Сўз – бир нафасдир ё дамдир,
Адабиёт – оламдир, Адабиёт – одамдир,
Бор олам аҳли билан қон-қардош Адабиёт.

“Наводир уш-шабоб” бу, яъни ёшлик айёми,
Навой боболарнинг Сиз хулихабар, пайғоми.
Сиз янги даврларнинг минг йилларга саломи,
Ҳазрати Бобурларнинг йигитлигин давоми,
Сиз ўшал кескир қилич – кўзу қош Адабиёт.

Ўсмирлик кунларимнинг тонглари эсласам,
Илк китоб деб қон ютиб, дилда алам, кўзда нам,
Қишлоқда кутар эди ул китобимни онам,
Нописанд ноширларга мўлтираб мисли шабнам,
Ўйлаганмиз: бунча ҳам бағритош Адабиёт.

“Адабиёт ўлмайди!” рост айтмишлар устозлар,
Чўлпон муаллим бунда Сизга тилар парвозлар,
Миллат яшар, то яшар миллатпарвар овозлар,
Дил торин юрт қаддига тор этиб чалинг созлар,
Токи эл айтсин: элдош ҳам дилдош Адабиёт.

Бир сўз гоҳ узун тунлар қўймай қасди жон айлар,
Бир шеър узра кечгай гоҳ йиллардан узун ойлар.
Бир сўз Сизни ҳам еру ҳам баланд осмон айлар,
Бир шеър Сизни бир тонгда соҳиби жаҳон айлар,
Офтоб мисол нурпошу меҳрош Адабиёт.

Дунё ҳали бут эмас – риёлик, ёлгонликдир,
Бир қўлида қуролу бир қўли Қуръонликдир,
Токи башар фарзанди кўзи ёш, армонликдир –
Адабиёт – фидолик. Шеъроят – қурбонликдир,
Жонингизни айлар гоҳ айирбош Адабиёт.

Янги қадду қоматда келгандайин йилларим,
Менинг тўрғай дилларим, булбулзабон тилларим,
Шеър ўқиса мавжланиб жимирлар кўнгиларим,
Зебуннисолардан кам эмас бу сингиларим,
Ўн саккизга кирган гул, қаламқош – Адабиёт.

Термизда байт айтсангиз – янграгай Фарғонада,
Акс садо бергай сўнг ҳар мактаб, синфхонада.
Шаҳру қишлоқлар бўлиб ҳар қуй, ҳар таронада,
Улғаяр Адабиёт ҳар уй, ҳар қошонада,
Урганч, Самарқанд, Нукус, Тошкент, Шош – Адабиёт.

Шу зангор китобингиз Сизга жону тан бўлгай,
Саҳфа-саҳфа, бетма-бет шараф бўлгай, шан бўлгай,
Зангори уфқларга узанган чаман бўлгай,
Яшнаган Ватан бўлгай, ястанган Ватан бўлгай –
Ўзбекистон мисоли серқўёш Адабиёт.



* * *

Сен адо қилгувчисан, мен-чи – адо,
Жон олурсан ҳамда қилгунг жон ато.

Холу зулфинг ўлдурур ҳукм этмайин,
Қошу кўзда қанчалар нозу адо.

Икки кўнгил икки биллур жомдир,
Иккисидин биллурий келгай садо.

Қўлга қўл тегса жаранглр икки дил,
Икки дилдан ҳам салому ҳам видо.

Ўқ урарлар бехато мижгонларинг,
Гарчи кўп қилдим ҳаётда мен хато.

Барча ишда Бир ато қилгувчи бор,
Ул ато қилгувчидан сенсан ато.

Сен билан девонаю ҳам мастман,
Маст билан девонанинг ёри Худо.

Онамнинг кулчалари

Келтирди тонг чоги бир
сабо ва бир қуш хабар:
Очилмиш баҳорнинг илк
бойчечак – гулчалари.
Лекин мен учун энг зўр,
энг қувончли хушxabар –
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Минг чақирим йўл босиб
келган совға-салом бу,
Меҳр билан бойланган
тўша-тугунчалари.
Ҳар бири қуёш янглиз
чарақлаган олам бу –
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Порлаб кетар рўзгорим,
ёришгай илиқ-илиқ
Кўнглимнинг музлаб ётган

энг тийра гўшалари.
Ҳар гал умид келтиргай,
келтиргайдир тириклик –
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Айрилиқ, ҳижронларга
тўлуғ умрим мактаби,
Равшан тортгай унинг энг
зим-зиё кўчалари.
Қирқ йилким таскин бергай
энг тансиқ дийдор каби –
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

– Онангдан хабар олгил,
Сирож, сен тез-тез бориб...
Фироқлардан кичрайган
жуссаси, қўлчалари,
Сизни кўзига суртгай
устоз Абдулла Ориф,

Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Қисматимдан шодман-у,
аммо Вақтдан хафаман,
Юзимга урилганда
кўкламнинг дўлчалари.
Сизнинг наздингизда лек
мен ҳамон талабаман,
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Умр бер ҳам соғлик бер,
нур бергил кўзларига,
Худойим, бир аёлга
дард, заҳмат шунчаларми?
Меҳру согинч бобида
ўхшайди ўзларига –
Онамнинг кулчалари,
Онамнинг кулчалари.

Адабий чечаклар

Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, иқтидор эгаларини излаб топиш ва уларни рағбатлантириш, интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, 19-22 октябрь кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Дўрмон” ижод уйида ўтказилган “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари ҳам ана шундай мақсадларни кўзлади.



Тадбир ёш ижодкорларнинг Миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди.



Назм, наср, бадиий публицистика, драматургия, бадиий таржима, адабий танқид ва болалар адабиёти йўналишлари бўйича машғулотлар ташкил этилди. Ижодкор ёшларнинг машқлари устозлар назаридан ўтказилди.



Самарқанд, Жиззах, Қарши, Урганч ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган минтақавий семинарларда 140 дан ортиқ ёш ижодкор иштирок этди. Улардан 40 нафари ижодий ишлари билан “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинарида қатнашиш бахтига муяссар бўлди.



Бу саррағи семинарға адабий танқид билан шугулланадиган ёшларнинг қатнашгани яқши бўлди. Ҳезаки, улар адабиётнинг юксак мезонларини яқши билшади. Ана шундай ёшлар саррида Аслиддин Норқинов, Севинтой Ёқубованинг адабий-таҳлилий мақолалари алоҳида эътиборға лойиқ.

Баҳодир КАРИМ,
адабий танқид йўналиши бўйича масъул

Семинар доирасида ёш қаламкашларнинг Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” ҳамда “Жаҳон адабиёти” журналлари жамоаси билан ижодий учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.



Бу йилги аннуман ўтган галгиларидан самаралироқ бўлди, назаримда. Чунки иштирокчиларнинг аксариятида иқтидор яққол сезилиб турибди, ҳар бири зотидекка лойиқ. Олдинги қатнашчиларнинг ёзганлари бир-бирига ўқшар, ҳатто шеър ўқишлари ҳам бир-бирини такрорларди. Бу гал бари бошқата. Дейлик, Висола Пардабоева ўйноқи, калқона оҳангларда ёзса, Мурувват Ғаффоржонова фалсафий фикрлашга, мушоҳада қилишга интилади.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири, назм йўналиши бўйича масъул



Семинар мобайнида Исомиддин Пўлатов, Акмал Нумамуродов каби ёшларнинг соҳага оид малакаси бориши, устоз кўргани, ўзига хос иншоқорлик поэзияси, мусаввирона қалами сезилиб турди. Улар ўз мақсад-муддасидан калжмай, мавзуга доир концепцияни тўғри белгилай олгани боис ёзганлари шунга яраша – пухта ва пишиқ.

Ўктам МИРЗАЁР,
публицистика йўналиши бўйича масъул



Мен "Устеъдод мактаби" республика ёш иншоқор семинарида қатнашишни ният қилиб юрардим. Аннумандан таассуротлар, ҳаяжонлар бир дунё! Ўйлаётганим эса "Устеъдод мактаби" қатнашиши деган эътирофга лойиқ асарлар ёзди.

Исомиддин ПЎЛАТОВ,
иштирокчи



Биз бугун кўлэмларини талабчанлик ва қаттиққўллик билан ўқиётган, катта-кичик ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам кўзга ташланиб қолаётган салоҳиятли ука-сингилларимиз, фарзандларимиз орасидан эртага Адабиёт осмонимизда юлдуз бўлиб парлайдиган Устеъдодлар бақиб чиқса, не тонг. Ахир, яратилаётган шароитлар, катта эътибор, раҳбатлар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Адабиётимизга, ҳусусан, насримизга кириб келаётган бир зуруқ ёшларнинг машқлари кўнглимизни равшан қилди, эртанги ютуқларимизга шонли уйғотди.

Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ,
наsr йўналиши бўйича масъул





Семинар якунига бағишланган йиғилишда адабий жанрлар бўйича шўба раҳбарлари машғулотлар давомида эришилган муваффақиятлар, кашф этилган янги номлар, бу йилги семинарнинг аввалги тадбирлардан фарқли томонлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг сертификати ва эсдалик совғалари топширилди.



Аннунман давомида устоз шоирнинг: "Дурмон ёзларида, кўклам нараси, кўнғил кўзга сураб елар атрини..." деган сатрлари ҳаёлимдан ҳет кетмади. Ёзда ишодкор дўстларимиз билан ишод ҳақида суҳбатлашиши, бир-биримизнинг ёзганларимизга муносабат билдириши, устозлар назаридан ўтказиб олиши кўнғилга завқ бағишлади.

Илҳом ШЕРАЛИЕВ,
иштирокчи



Нурилла ЧОРИ тайёрлади.

Кўнглим бола эмасми энди?



Раҳмиддин АБРАЕВ

1994 йили туғилган.
Қарши давлат университети талабаси.
“Истеъдод мактаби” VII республика ёш
ижодкорлар семинари иштирокчиси.

* * *

*Оқшом тушди,
Тун кийди тўнин.
Йитиб кетди сўқмоқлар, излар.
Яна ойсиз оқшомга кўниб,
Пайдо бўлди уч-тўрт юлдузлар.*

*Сен қайтмадинг,
Етиб келмадинг.
Ёнишимга бир баҳя қолди.
Қизгандингми ойни,
Бермадинг,
Юлдузларга ўрганиб қолдим.*

*Тун тўнини ечиб ташлади,
Тонг отганда фош бўлди излар.
Шарқ қизариб кела бошлади,
Фарбга қочиб кетди юлдузлар...*



Дилноза АБДУҲАМИДОВА

1992 йили туғилган.
Навой давлат педагогика институтини тугатган.
“Истеъдод мактаби” VII республика ёш
ижодкорлар семинари иштирокчиси.

Мендан кўнгил сўра...

*Дунёнинг дардини қайдан билибман,
Мендан дард сўрама, армон сўрама.
Қизқтирмас гийбат, ҳар хил гап-сўзлар,
Аламлар сўрама, ёлгон сўрама.*

*Ахир дилим фақат шодликни билар,
У қайдан билибди гамнинг таъмини.
Қандайин тўлдирса тўлдираверсин
Борига кўнмаган дунё камини.*

*Мендан қувонч сўра, муҳаббат сўра,
Ишқ сўра азобсиз, аламсиз, дардсиз.
Бир кўнгил сўрагин оппоқ қозоғдек,
Фамлардан ариган ғуборсиз, гардсиз.*

*Мендан кўнгил сўра, мендан дил сўра,
У ахир умидни улғайтган бешик.
Сенинг кулгучингдан, менинг кулгумдан
Токи бахтлар очсин бахтиёр эшик...*

**Анвар МИРЗО**

1987 йил туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган.
“Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси.

Бахт

Кимнингдир пойида фарёд чекар бахт,
Яна ким севги деб орттиради дард.
Майли, телба бўлсин ё, майли, гадо,
Ҳар кимнинг ҳаққи бор бахтли бўлишга!

Тилинган қалбида тирналган овоз,
Турмуш зарби сабаб этолмас парвоз...
Ҳеч қурса бир лаҳза, ҳеч қурса бироз
Ҳар кимнинг ҳаққи бор бахтли бўлишга!

Дийдорга дўнади бир куни фироқ,
Аммо дилдан меҳр кетмасин йироқ.
Ҳаттоки яшайдан сўнса иштиёқ,
Ҳар кимнинг ҳаққи бор бахтли бўлишга!

Дунёга келдинг-у, нени англадинг?
Бахтли қиламан деб кимни алдадинг,
Анвар Мирзо, нега шуни билмадинг?!
Ҳар кимнинг ҳаққи бор бахтли бўлишга!

**Азиза ЮСУФ қизи**

1995 йили туғилган. Гулистон давлат университети талабаси. “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси.

Болаликни соғиниб...

Ғура узиб, қўлга тушгандай,
Она, сирли тушлар фош бўлди.
Хоҳладингиз: бошларим тошдан,
Ўзим хоҳлаб бағритош бўлдим...

Ҳали-ҳамон хонамда яшар
Қўғирчоғим, эсдаликларим.
Бугун эриш туюлди ҳатто
Ўзимга ҳам эркаликларим...

Бола кўнглим хатолар қилса,
У пайт ҳамма қувонар эди.
Хато қилсам, нега йиғлайсиз,
Кўнглим бола эмасми энди?

Менга таниш эртақлар ўша,
Мунис оҳанг билан ёдимда:
Бир бору бир йўқ эди унда,
Яхшилар кўп эди қадимда...

У пайт тутиб қўлларингизни,
Қўрқмас эдим юрган йўлимдан.
Ҳеч бир чуқур қўрқита олмас,
Сиз тутсангиз яна қўлимдан...



Обид Қўлдош

1985 йили туғилган.
“Хаёлимни ўғирлаган қиз”,
“Чўққиларни кўзлаган
олим”, “Моҳиятга сайр”
номли китоблари чоп
қилинган. “Истеъдод
мактаби” VII республика
ёш ижодкорлар семинари
иштирокчиси.

– Ман ўлмайдиган бўлдим, – деди Содиқ бобо. – Энди яшайман, узр.

– Ўзийиз биласиз, бобой, – деди сангтарош бамайлихотир. – Ўзи, ёнимга келганлардан бирортаси: “Эртага ўламан, манга қабр тош тайёрлаб кўй”, демаган эди.

Содиқ сувчи олтмишга кирди, лекин шифокор ким, укол нима билмади. Раҳима биби уни пахтазорда туққан экан. Шунданми, Содиқнинг топгани ҳам, йўқотгани ҳам дала бўлди. Даласининг шўрини ювди, кўнгли ўсди, буғдой майсаларига шарбат берди, кўкси осмон бўлди.

Нима бўлса ҳам, Собит деҳқоннинг ўғли-да. Қоғоз-қалам билан эмас, тупроқ билан тиллашиб улғайди.

Йиллар сувчининг пешонасига жўяк тортиди. Ҳозир ҳам бундайроқ икки-уч бўз боланинг ишини бемалол эплайди. Бироқ бобонинг руҳи бирдан чўкди. Дунёдаги энг азизлари – қадрдон даласи ва шанғи кампирининг хотираси ҳам кўзига кўринмади.

Тул тунда захкаш лабидан гурсиллаб кетаётганда ўшанда. Бехосдан юлғунларга ёндош тиркама билан тўқнашиб, захкаш ичида кўрди ўзини. Ўнг қўли чидаб бўлмас даражада зирқи-

рарди. Умрида биринчи марта тан оғриғидан йиғлади. Лекин дардини дoston қилмай юраверди. Охири оғриқ суякдан ўтди.

Бобо кўзини очса, бир нозанин гирдикапалак. Ойжамол жилмайди. Азот туриб, паричеҳрага яхшироқ сўз айтмоққа уринди. Шона қурғур “жаз” этди. Шунда ўнг қўлидан ажраб қолганини сезди. “Оббо, бу касалхона-ку!”


Энди на ўроқ, на кетмон билан дардлашишга ҳоли бор. Бобонинг инжиқлиги кўзиди. Охирги уч ойда бўлари бўлди. Кўча-кўй нима билмади. Озиб-тўзиди. Теракнинг новдасига ўхшаб қолди. “Э бор-э!” деб нариги дунёга қараб йўл олганди-ю...

“Эртага кампирининг ёнига бораман”, деган куни телевизорда ногирон бўлса-да, тиниб тинчимас бир аёл ҳақида кўрсатув бўлди. Бобо мижжа қоқмай кузатди. Ўзидан нафратланиб, тиззасига шапатилаб томоша қилди. “Бир заифа шундай умидбахш суратларни чизаркан-у, мен бадфеъл битта кўлим кесилганига... Худого шуқр, кампирим кўрмади бу қаро кунларимни. Бўлмаса, зап устимдан куларкан-да”.

Содиқ бобо эртаси куни саҳар-мардонда туриб, Шоди етимнинг уйи томини ёпиш учун қишлоқдошларини ҳашарга йиққани жўнади.

“Ўлмайдиган бўлдим”

митти ҳикоя





Роберт Бёрнс

шеърляти ўзбек тилида

Жаҳон шеърляти хазинасига улкан ҳисса қўшган машҳур шотланд шоири Роберт Бёрнс (1759–1796) ижоди билан ўзбек ўқувчиси ҳам яхши таниш. Унинг шеър ва дostonлари ўзбек тилига турли даврларда таржима қилинган. Бу ишни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли шоир Муҳаммад Али бошлаган эди. Шоир ўтган асрнинг 60-йиллари, Москвадаги Адабиёт институтида таълим олиб юрган кезлари рус ва жаҳон классиклари ижодини чуқур ўрганади. Айниқса, Ж. Байрон, И. Гёте, Ф. Шиллер, Р. Бёрнс, А. Пушкин, М. Лермонтов шеърлятини мутолаа қилиб, улардан таржималар қилишга киришади¹.

Муҳаммад Алининг Роберт Бёрнсдан қилган таржималари 1971 йили китоб шаклида “Кўшиқ ва балладалар” номи билан 5000 нусхада босилиб чиқди². Китобчага илова қилинган “Таржимондан” деган мўъжазгина сўзбошида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: “Роберт Бёрнс оддий шотланд деҳқони эди. У ер бағридан чиққан, том маънода шу ғурбатли замин шоири бўлиб дунёга танилди.



Шахло ОБЛОҚУЛОВА

1993 йили туғилган. Жиззах давлат педагогика институти талабаси. “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси.

Шахло анчадан буён инглиз адаблари ижодини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Машҳур инглиз шоири Байрон ижодига бағишланган мақолалари марказий нашрларимизда эълон қилинган, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Австрияда чоп этилган илмий тўғламларга киритилган.

Ҳозир у машҳур шотланд шоири Роберт Бёрнс ижодини ўрганиш билан бирга, шоир шеърларидан таржималарни аслият билан солиштириб тадқиқ қилмоқда. Шу мавзудаги “Роберт Бёрнс шеърляти ўзбек тилида” рисоласи тугалланиш арафасида.

Синглимиз Шахлога илм ва ижод йўлида зафарлар тилаб қоламиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий алоқалар ва бадиий таржима бўлими котиби

1. А. Алимбеков. Юлдузнинг беш қирраси. – Тошкент: Muhatig нашриёти, 2012. – 272 б.

2. Р. Бёрнс. Кўшиқ ва балладалар. Русчадан Муҳаммад Али таржимаси. – Тошкент: Адабсанъатнашр, 1971. 128 бет.

Кундузи кўш хайдар, шеърлари ўз-ўзидан равон оқа бошлар, кечкурун эса уларни қоғозга туширар, баъзан қоғозга туширмаёқ, шеър халқ орасида машҳур бўлиб кетарди. Шу сабабдан унинг шеърларида Шотландия табиати, содда деҳқонларнинг мураккаб ички дунёси гоят ўткир дид, ёрқин образлар, чертиб-чертиб олинган сўзлар билан очиб берилади.

Роберт Бёрнс шеърлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Рус тилига таржима қилишга С. Маршак катта жонбозлик кўрсатган².

Дарвоқе, рус шоири ва таржимони Самуил Маршак (1887–1964) Роберт Бёрнс шеърларини жуда катта маҳорат билан ўгирганини таржима-шунослар ҳам қайд қилиб ўтган³. Шоир Муҳаммад Али аслият ўрнида С. Маршак таржималарини танлаб жуда тўғри иш тутган.

Масалан, Бёрнснинг “My heart’s in the Highlands” шеъри:

*My heart’s in the Highlands, my heart is not here,
My heart’s in the Highlands a-chasing the deer –
A-chasing the wild deer, and following the roe;
My heart’s in the Highlands, wherever I go.*

*Farewell to the Highlands, farewell to the North
The birth place of Valour, the country of Worth;
Wherever I wander, wherever I rove,
The hills of the Highlands for ever I love.*

*Farewell to the mountains high cover’d with snow;
Farewell to the straths and green valleys below;
Farewell to the forests and wild-hanging woods;
Farewell to the torrents and loud-pouring floods.*

*My heart’s in the Highlands, my heart is not here,
My heart’s in the Highlands a-chasing the deer
Chasing the wild deer, and following the roe;
My heart’s in the Highlands, wherever I go.*

С. Маршак таржимасида қуйидагича жаранглайди:

*В горах мое сердце... Дonyaне я там.
По следу оленя лечу по скалам.
Гoню я оленя, пугаю козу.
В горах мое сердце, а сам я внизу.*

*Прощай, моя родина! Север, прощай, –
Отечество славы и доблести край.
По белому свету судьбою гоним,
Навеки останусь я сыном твоим!*

*Прощайте, вершины под кровлей снегов,
Прощайте, долины и скаты лугов,
Прощайте, понижилие в бездну леса,
Прощайте, потоков лесных голоса.*

*В горах мое сердце... Donyaне я там.
По следу оленя лечу по скалам.
Гoню я оленя, пугаю козу.
В горах мое сердце, а сам я внизу!⁴*

Муҳаммад Али таржимаси:

*Қалбим менинг тоғларда... Қоялар бўйлаб
Елдай учиб бораман бугуни қувлаб.
Ўуркиб қочган оҳуда югурар кўзим..
Қалбим менинг тоғларда, ердаман ўзим.*

*Алвидо, эй ватаним! Довруқли Шимол,
Шон-шарафлар ўлкаси, энди яхши қол!
Қувгиндиман дунёда, аммо билурман:
Мен бир умр фарзандинг бўлиб қолурман!*

*Алвидо, эй қор босган залворли тоғлар,
Алвидо, эй ям-яшил водийлар, боғлар!
Алвидо, эй юзтубан кетган ўрмонлар,
Алвидо, ўрмонлардан оққан суронлар!*

*Қалбим менинг тоғларда... Қоялар бўйлаб
Елдай учиб бораман бугуни қувлаб.
Ўуркиб қочган оҳуда югурар кўзим..
Қалбим менинг тоғларда, ердаман ўзим!*

Роберт Бёрнснинг Муҳаммад Али таржимасида чиққан ва элик саккизта қўшиқ, баллада ва эпиграммаларни ўз ичига олган “Қўшиқ ва балладалар” китобидаги барча шеърлар машҳур таржимон Самуил Маршак ўғирмаларига мос келади, дея оламиз.

Шоир – таржимон шеърнинг русча матнини тўла англаб олган, мазмун ва ўйноқи мисралар оҳанги ўзбекча таржимага кўчгани очик-ойдин кўришиб турибди. Ҳатто шимол бугуси кетидан қувлаб бораётган қахрамон тўсатдан эчкини (“коза”) ҳуркитиб юборяпти. Аслиятдаги шимолнинг қорли тоғларида яшовчи ёввойи эчки образини ҳуркак оҳулар образи билан алмаштираркан, таржимон ўзбекчада шеърдаги эмоционалликни янада кучайтиришга эришган, десак муболаға бўлмайди. Хуллас, Роберт Бёрнснинг Муҳаммад Али таржимасида чиққан ва эллик саккизта кўшиқ, баллада ва эпиграммаларни ўз ичига олган “Кўшиқ ва балладалар” китобидаги барча шеърлар машҳур таржимон Самуил Маршак ўғирмаларига мос келади, дея оламиз. Китобга устоз шоиримиз Абдулла Орипов муҳаррирлик қилгани ҳам аҳамият касб этган.

Муҳаммад Али таржималари ўзбек шеърхонларининг Роберт Бёрнс ижоди билан танишишига имкон яратди. Ўзбек таржимашунослик илмида бу таржималарни мақтаганлар (М. Бақоева, М. Холбеков) ҳам, танқид қилганлар ҳам бўлди. Масалан, таржимашунос ёш олима Гулноза Одилова мақолаларининг бирида “Муҳаммад Али аслиятдан хабарсиз бўлгани учун ҳам, С. Маршак матнига суянишдан бошқа иложи бўлмаган ва чор-ночор унинг йўлини такрорлаган”³, деб ёзади. Олима “A Red, Red Rose” шеърининг С. Маршак ва М. Али таржималарини аслият билан қиёслаган ҳолда юқоридаги фикрни билдиради. Бизнингча, танқидчининг ушбу фикрига тўла қўшилиб бўлмайди. Шеърнинг биринчи тўртлигини аслиятда ўқиймиз:

*O my Love is like a red, red rose,
That's newly sprung in June;
O my Love is like the melody,
That's sweetly played in tune.*

С. Маршак таржимаси:

*Любовь, как роза, роза красная,
Цветет в моем саду.
Любовь моя – как песенка,
С которой в путь иду.*

М. Али таржимаси:

*Севги атиргул янглиз
Яшнар менинг қалбимда.
Севги – мен айтар кўшиқ,
Йўлга чиққан чоғимда.*

Бизнингча, ҳар иккала таржимада ҳам аслият мазмуни ва руҳи, ундаги ўйноқи мисралар ўрни сақлаб қолинган. Аслиятдаги бир-икки сўз ва иборанинг таржималарда акс этмагани уларнинг қадрини туширмайди.

Мустақиллик йилларида ёш шоирларимиз Роберт Бёрнс ижодидан таржима қилишга яна қайтдилар. Улардан бири Андижон давлат университети инглиз тили ва адабиёти ўқитувчиси, шоира Бегойим Холбековадир. Шоира Роберт Бёрнс шеърларидан йигирма саккизтасини бевосита аслиятдан ўзбекчалаштириб, уларни алоҳида нашрларда чоп эттирди⁴. Инглиз тили ўқитувчилари самарқандлик Динора Султонова ва жиззахлик Моҳинур Абдусаматова Бёрнсдан қилган таржималарини шеърини тўпламларда эълон қилишди.

Бу таржималарни қиёслайдиган бўлсак, ҳар бир таржимон ўз таржимон ўз билими, салоҳиятига таяниб иш тутганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто таржималарда шеърларнинг аслиятдаги номланиши ҳам ўзгариб кетган. Масалан, “A Red, Red Rose” М. Алида “Севги” тарзида берилса, аслиятдан таржима қилган Б. Холбековада “Қизил атиргул”, М. Абдусаматовада эса “Алвон атиргул” қабилида ўгирилмоқда. Назаримизда, ҳар учала ном ҳам асл нусхадаги номни ўзида тўла ифодаламайди. Бизнингча, шеърни “Қирмизи атиргул” деб таржима қилса маъқул бўларди.

Буюк шотланд шоири Роберт Бёрнс ижодидан ўзбек тилига ўгирилган таржималар алоҳида, кенг қамровли бир тадқиқотни талаб этади. Биз келгуси ишларимизда бу борада фикр-мулоҳаза юритишни давом эттирамиз.

3 М. Холбеков. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. 79-бетлар
4 Бёрнс Р. Стихотворения. Перевод С. Я. Маршака. – М.: ГИХЛ, 1957, с. 10

5 Г. Одилова, У. Маҳмудова. Ўзбек таржимонлари ва бадий таржималар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. 116-бет.

6 М. Холбеков. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. 81-бетлар



У

збекистон
халқ шоири
Тўра Сулай-
мон эл наза-
ридаги шоир

эди. Унинг битганлари ҳаётлигидаёқ кўп бор босилган, қуйланган, улар ҳақда ёзилган. Чоп қилинмай қолиб кетган асарлари кўп эмас. Тўра ака ўз битикларига асло бепарво эмасди. У жуда узоқ йиллар олдин ёзилган ва босилиб чиққан асарларини ҳам қайта-қайта кўздан кечириб, лозим ўринларини таҳрир қиларди...

Тўра Сулаймон тамомила ўзига хос шахс эди ва бу қайтарилмас шахсият унинг битганларида яққол кўзга ташланади. Шоир ижодининг бош белгиси унинг тўлиғича халқ оғзаки ижоди намуналари таъсирида эканидир. Унинг ўйи, туйғулари, хайрату хаяжонлари ҳамда уларнинг ифодаси халқона. Шоирнинг қайғуси, қувончи, ҳатто юморида ҳам халқчиллик яққол кўриниб туради.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
адабиётшунос.

Ҳикмаф

Созга бир-бир оқ тушмоқдадир,
Бундан кўнгли ёришмоқдадир.
Кор буларми насркам тоғларда,
Бошим кўкка турашмоқдадир.

Укан тоғда кор салғанафч,
Теграсида сор салғанафч.
Ойдин йўлга чиққан қарванси,
Булармиди кор салғанафч.

Ҳикмаф асли соғини оқлиги,
Эзгуликка эш, занқоқлиги.
Шукронаким, қолган улурман?
Туннае, талға ёвуқроқлиги.

Кор тамоми кўнмишдир бошга,
Қорамалдан кўнчилга, ёшга.
Буёқ тоғлар мисоли бошим
Ақин булар эгди кўнчилга.

Тўра Сулаймон



Тирик ТОВОН



Жасур КЕНЗБОЙ

1985 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетида
таҳсил олган.
Ҳикоялари турли тўғлам ва
марказий нашрларда чоп
этилган.
“Истеъдод мактаби” VII
республика ёш ижодкорлар
семинари иштирокчиси.

Тўқсонбосди маҳали эди. Тиловнинг байтал чопиб бўлса-да, пойга оламан, деб қариллаб юрган пайтлари.

Бўсағадаги ола пўстакнинг устида “хур-хур” ухлаб ётган мушук ёнига тушган чопоннинг шовурига уйғонди; кўзини эринибгина очди, чўзилиб керишди, олд оёғи билан юзини ювди.

– Пишт-ей! – деди хўжайин асабий. – Тур, йўқол, кўзимга кўринма...

Мушук мушук бўлиб, хўжайиндан дағал гап эшитди. Хуркиб турди-турди, хўжайинига олазarak қаради-ю, думини қисиб, чиқиб кетди.

Мушукнинг ҳеч қурса миёвламагани Тиловга ғалати туюлди. “Бекор қилдим-ов шуни. Худонинг жонзоти-да буюм. Нима айби бор эди унинг?”

Тиловга нима жин урди – ўзиям билмайди. Лекин дўхтирнинг сўнгги гаплари қулоғидан кетмаяпти. Энди нима қилади? Хотини ҳам бу ёқда тизиллаб йиғлагани-йиғлаган. Дардини эшитар қулоқ йўқ. Тилов у ёғидан ўтади, аврайди – бу ёғидан ўтади, овутади, фойдаси йўқ, илло, ўзининг ҳам кўнгли ғаш. Бу ғашлик тобора кучайиб борар, хотиннинг шишиб кетган кўзларига қараб, юраги ачишади; нима қилсин, куйгандан куйиб кетяпти. Хотини юкли бўлиб, кўйлагининг бурмаси кенгая бошлаган маҳали сувчечак тошди. Оғир тошди. Ундан сўнг боши хасталиқдан чиқмади. Буюм етмагандай, беморликдан зада хотини асабий бўлиб қолди-ю, тез-тез жанжал чиқа бошлади.



Дилсиёҳлик ортгандан ортиб бормоқда эди. Чироқ ёқса, ичи ёришмайди. У хонага ўтади – ўтиргани жой тополмайди, даҳлизга чиқади – туролмайди. Уйқусидаям ҳаловат йўқ. Дўхтирнинг гапларига ишонмай, хотинини синашта бошқасига кўрсатгани олиб борди ҳам. Уям ўша гапни айтди: юкли хотинга чечак чиқса, қорнидаги бола кўр бўлиб туғилиши мумкин экан... Аппаратга ҳам туширди, аломатлари бордай, дейишди... Билгич эл-халқ ҳам айтди, эшитгани бошини сарак-сарак қилди.

Уч кунки, иккиси ҳам ич-этини еб ётибди. Оғир – оғир, Тиловга оғир бўлди-да. Зурриёдини, унинг тақдирини ўйлаб бир эзилса, хотинининг ҳолига боқиб, икки куяди. Манави беозор мушукча ҳам кўзига офат, ажина бўлиб кўриняпти.

Тилов даҳлизга чиқиб, эски бир тайпоқ хонтахта ёнига узалди. Ўнг қўлини бошига тираб ётди-ётди, бўлмади. Хаёли минг бир халта кўчага кириб чиқди.

Нега бундай бўлди, Тилов? Ахир икки ўғлинг соппа-соғ туғилган эди-ку?! Дуркун бўлиб катта бўляпти-ку? Уруғ-аймоғингда кўр йўқ эди-ку? Ё хотинининг наслида бормикин? Йўғ-а... Уйланаётганинда ота-онанг етти пуштини суриштирган эди. Яхши эслайсан буни. Аёлининг биттагина камчилиги чиққан, Жўлли соқов деган узоқроқ бир амакиси бор экан. Суриштир-

са, уям туғма соқов эмас экан: бўзбола пайти Оқсув қишлоғидан тунда ёлғиз келаётганда олдидан туйқус бир шарпа чиқиб, отни ҳуркитган, байтал ўзини қирга уриб, уни ташлаб қочган экан. Амакиси қўрқув сабаб бир муддат буткул тилдан қолган, кейинчалик сал-пал дудуқланиб, гапира бошлаган, энди тузалай деганда одамлар масхаралаб, устидан кулавергани туфайли уятдан яна гапиролмай, баттар тилдан қолган экан. Соқовлик насл сурмайди.

Унда нега бундай бўлди, Тилов? Боланг ногирон туғилса, бир умр ўзингни айбдор ҳис қилмайсанми? Хотининг-чи? Болангнинг ўзи-чи? Кўзи очиқ туғилса экан, тик боқиб, ҳақиқатни айтсанг... Ўзингнинг айбдор эмаслигингни тушунтирсанг. Ахир у...

Эсла, нимадир хатонг бор сенинг. Хотинингдан ўчгандир. Ё тақдирга тан бериб яшайсанми? Йўқ, ундай қилолмайсан. Ногирон бола кўзига қарашга юрагинг дов бермайди. Ахир ўзинг кўзи ожизликнинг нима азоб-уқубат эканини яхши биласан-ку...

Ана, хотининг ёстиқни жиққа ҳўл қилиб, нариги хонада ётибди, болаларинг ташқарида қийқириб ўйнаб юрибди. Ҳеч бўлмаса, ҳозир, ёлғиз пайтингда йиғлаб ол. Ўқириб йиғласанг ҳам майли, ҳеч ким эшитмайди барибир. Шумхабар ҳаммани карахт қилиб қўйган, сени тушунишади.

Тиловга алам қилди. Кўзи йилтиллади. Нимадир ичидан қуйилиб келди. Бўғзи ачишди. Киприклари оҳиста уланди.

Э, воҳ! Кўзи юмилиши билан неча кундан бери ўйлаб ўйига етолмаётган одамнинг хаёлида яқин ўтмиши – талабалик йилларидаги бир манзара чақиндай чақнаб кетди.

... Етаклашиб келаётган икки йигитни ҳамма қиёматлик дўст дерди. Қурбонжон оқибати бўйидан баланд Тиловдек ошнаси борлигидан терисига сиғмай юрарди. Нима қилсин, Қурбонжон – ногирон. Кўзи ожиз ҳисоб. Дунёни нинанинг тешигидан мўралаганчалик ҳам кўролмайди. Унинг кўзи – Тилов.

Тилов деганлари бамаъни йигит эди. Новча, буғдойранг, кўзлари қисикқина сертавозе бу йигитни мисоли Ҳотамтой дейсиз. Ҳар ерда ҳар кимга пою патак бўлиб кетаверади. Бировнинг дилини оғритмайди. Сочини калта кузаб, доим мовий бўйинбоғ тақиб юради. Елкасига каттагина сумкани осволганча тиним билмайди. Ўқиш, иш деб оёғи олти. Бутун курс уни яхши кўради. Одамшаванда-да Тиловбой. Елкаси йўқ ай-

римлар: “Зарилга – зарил, Тиловга нима зарил буларни тақимига босиб юришнинг?” дея га-йирлиги келар, Тилов эса бундай гапларга парво ҳам қилмасди. Ота-онасининг бақбақа тўраси бўлиб юрган у арзандалар дўстлик нималигини қаердан билсин, ахир.

Мана, ҳозир ҳам у Қурбонжонни етаклаганча дарсга кириб келиши билан курснинг юзи ёришиб кетгандай бўлди. Фақат бурун-қулоғига тук босган фалсафа ўқитувчиси Махсумов домлагагина бу кечикиш хуш келмади. Қовоғини осиб, мингирлаганча ўтиришга изн берди.

Тилов Қурбонжонни ўрта қатордаги партасига ўтирғизиб, ўзи ёнига чўкди. Қурбонжон пайпаслаб сумкасидан брайл ёзувидаги китобини чиқариб, парта устига қўйган эди ҳамки, елкасига кимдир гурс этказиб урди. Қурбонжоннинг юраги қинидан чиқаёзди.

– Бугунги байрамнинг – Халқаро ногиронлар куни билан табриклайман, ошна! – деди қўл ташлаган шивирлаб.

Бу яна бир яқин дўсти Беҳзод эди. Уям ногирон, қисматдош. Бироқ иккиси ҳам илмталаб, беҳад қувноқ йигитлар. Шундай ҳазил-латифа-

*Унда нега бундай бўлди, Тилов?
Боланг ногирон туғилса,
бир умр ўзингни айбдор ҳис
қилмайсанми? Хотининг-
чи? Болангнинг ўзи-чи? Кўзи
очиқ туғилса экан, тик
боқиб, ҳақиқатни айтсанг...
Ўзингнинг айбдор эмаслигингни
тушунтирсанг. Ахир у...*

лари борки, эшитсангиз, этингиз жимирлаб, ҳайрон қоласиз. Ҳозиргина эшитганингиз табрикнинг оҳанги ўзгармайди ҳеч...

Қурбонжон ҳам бўш келмади:

– Сеням табриклайман, “Шахло”! – деди шивирлаб.

Улар илк бор танишуви чоғида бир-бирига: “Сизнинг ҳам кўзларингиз шахломи...” деганини кейинчалик эшитиб, курсдошлар роса кулган.

Ҳозир ҳам пиқ-пиқ кулги кўтарилгани бежиз эмас. Баъзан бу икковлон бир-бирининг оёғини атай босиб олиб, жўрттага қаттиқ чинқариб қолишарди. Тағин, кўнглига ҳазил ҳам сиғади буларнинг.

– Кўзинг кўрми? Нега оёғимни босасан? – дея бақирарди Қурбонжон ёлғондан.

– Ўзингнинг-чи? Филаймисан, мен босмадим-ку? – дерди “Шахло” ҳам пўтписа қилиб.

Иккови кўзининг пахтаси чиқиб, тергаб, туртиб-суртиниши тингунча ҳамма кулгидан қорнини ушлаб қоларди. Уларнинг феъли-хўйи ҳаммага маълум, ҳеч ким ажабланмайди, қайтанга, завқ билан қўшилиб куларди. Бундай чоғларда, айниқса, Тилов яйраб кетарди. Қурбонжоннинг елкасига қоқиб, яша, жўра, яша, дерди кўзларини ишқалаб. Сўнг қўлтиғидан олиб, шошилинич аллақаерларга кетиб қолишарди. Эртасига дарс маҳали Қурбонжон оғзи тўлиб мақтарди.

– Жон дўстим бу – Тилов. Ҳар куни институтга кўлимдан тутиб олиб келиб, олиб кетади. Кеча ҳатто бозорга тушиб чиқишим керак, дегандим, обориб, уйимга ташлаб кетди. Шундай оқибатли дўстларимиздан айирмасин-да, ишқилиб, – дея шукрона келтириб қўярди.

Қурбонжоннинг мақтанганича бор. Тилов қаерга борса, уни етаклаб кетади. Кино, театр, бозор, ҳатто кези келганда, ўз қариндошларининг тўйигаям, маъракаларигаям ҳамроҳ қилади. Бунга Тиловнинг таниш-билишлариям кўникиб кетган, етакласа, бир бечора ногиронни етаклабди-да, савоб ҳам керак, дея ундан мамнун бўлишарди. Гоҳ Қурбонжон, гоҳида “Шахло” билан етаклашиб, чақчақлашиб юрган Тилов кўча-кўйда ҳам одамларнинг раҳмати, олқишини олар, бундан кўнглида ўзгача завқ ҳам туярди.

Ана шундай кунларнинг бирида Тиловга кўнғироқ бўлди. Қишлоқдош-синфдоши туғилган кун қилаётган экан. Тилов ўйлади-ўйлади, охири Қурбонжонни кўнглига йўл олди. Унинг истиҳоласини эшитиб ҳам ўтирмади, бирга бора қол, ўзимнинг қишлоқдош жўрам бўлади, сеням таништириб қўяман, бир яйраб келасан, дея қўярда-қўймай етакламоқчи бўлди. Қурбонжон оёқ тираб олди, нотаниш бўлса, мен нима қиламан у ерда, ошна, ортиқча гап-сўзга қоласан ўзинг, менинг туришим бу бўлса, деди. Тилов Қурбонжоннинг истиҳоласини тушуниб турган эса-да, ёлғиз боришга унамади. Ранжиганнамо тутди ўзини. Йўл-йўлакай, “Шахло”ни ҳам ҳамроҳ қилишни айтгач, Қурбонжон рози бўлишдан ўзга чора тополмади.

Туғилган кун соҳиби кўримсиз, афтидан, талаба зоти яшаши мумкин бўлган хароб ҳужра эшигини очар экан, бир Тиловга, бир унинг ёнидаги ногирон йигитларга қаради, сўнг шошилинич ичкарига манзират қилди. Тилов ҳамроҳларини, кейин дастурхон атрофида ястаниб ўтирган мезбоннинг ўн чоғли дўстини бир-бир таништириб чиқди. Дастурхон одмигина тузалган бўлса-да, файзли эди.

Гурунг авжига чиққанда, Қурбонжонга, азбаройи даврага яқинлик ҳиссини уйғотиш учунми, харқалай, жон кирди. Тилов ҳақида жуда оҳорли таърифлар берди. Мақтовга “Шахло” ҳам ора-сира кўшилиб турди. Ҳожатбарор, шинаванда дўстини киши билмас мақташди. Эшитганлар ҳали-ҳамон оқибат, дўстлик деган нарсалар борлигини айтиб, шивир-шивир қила бошлашди.

Бир маҳал Тиловнинг уяли телефони жиринглаб қолди. Тиловбой, тоғлик эмасми, худди отасининг “Боғи Эрами”да юргандай, бутун маҳаллани бошига кўтариб, гаплашди:

– Ало? Нурмат? Сенмисан? Ҳа, нима гап? Нега кўчада қоласан? Қаерда? Ҳа, йўлқирага пулинг қолмадимми? Ие, узр, жўра, мендаям шу аҳвол, ҳемирим ҳам йўқ эди-я...

Кейин Тилов даврага бир кўз югуртирди-да, муҳим бир махфий гапни айтмоқчидай, туриб, нариги хонага чайқала-чайқала чиқди. Қўли билан телефон учини бекитиб, паст овозда шивирлади:

– Нурмат, жўра, манзилни айтаман, шу ерга келгин, бир иложини қиламиз. Пул чиқмаса, ана, ёнимда иккита ногирон курсдошим бор. Танийсан уларни. Шулардан биттасини етаклаб кетасан. Автобусга ҳам, метрога ҳам пул тўламайсан... Етакловчисиман дейсан, бўлди. Етакловчиларгаям “имтиёз” бор-да... Вой-бу, нега тирик товон бўларкансан? Ичингни оғритадимми текин улов? Кела қол энди, ошна...

Тилов кўзлари сузилиб, телефоннинг қизил тугмасини босди. Хаёлан доим пулга зориқиб, қарз сўраб юрадиган бечораҳол Нурматни кўз олдига келтирди. “Хайрият, – дея ўйлади. – Яхшиям, шу инвалид курсдошларим бор. Уч йилдан бери ўқишгаям, ишгаям, бозоргаям текин бориб юрибман... Ҳам савоб, ҳам текин улов, дегандай...”

Тилов бизга таниш базм дастурхонига қайтиб кирганида, Қурбонжон ҳалиям у ҳақида, одамгарчилиги тўғрисида мамнун бўлиб сўзлаб ўтирган эди...

...Мана, Тилов ўша оқшомдаги гапларни ҳозиргидай эслади. Икки ногирон ошнасининг

мақтовлари мойдай ёқиб тушгани, мезбон жўраларига кўзини қисиб, қара, қандай савоб ишлар қилиб юрибман, дегани, мастлик экан, камига, ногирон йигитларнинг ҳар бир гапини қўл ишоралари билан кўрсатиб, калака қилгани, кўчада пулсиз қолиб, ижара уйига етолмай қолган Нурматга “жонли текин йўл чиптаси” – “Шахло”ни қўшиб юборгани – барча-барчасини тип-тиниқ хотирлади.

“Эҳ, нодон! – деди хўрлиги келиб. – Аслида мен, ўзим кўр бўлган эканман... Савобим бир танга, гуноҳим минг танга бўлган экан-ку. Худо жазомни бердимми энди?”

Қурбонжон! Беҳзод! Билган, сезган бўлсанглар, нега мен аблаҳнинг бетимга тугтурмадинглар? Билмаган бўлсанглар, яхши, лекин нега мен бундай эдим? Энди, мана, ўзимнинг ҳам туғилажак боламнинг кўзи... йўқ, айтишга тилим бормаяпти. Э, воҳ, нега ахир? Сизларни яхши кўришим ҳақиқат эди. Лекин кўнглимнинг бир четида барибир устингиздан озгина кулгим келгани, сизларни етаклаб, одамлар кўзига яхши кўрингим, доим сизлардан фойдалангим келганини ҳеч кимга айтмаганман, айтолмаганман-ку?! Ие, нимасини айтай, жўралар! Ўтган

Елдим-югурдим. Бизнесмен танилдим. Қаранглар, бир умр бизнес қилибман. Ўйласам, сизларни ҳам бизнес қилибман-а... Ай, мен ўзимни одам санаб юрибман-а...

умр ҳам отилган ўқдай гап экан, ҳеч нарсани ортга қайтариб бўлмас экан...

Елдим-югурдим. Бизнесмен танилдим. Қаранглар, бир умр бизнес қилибман. Ўйласам, сизларни ҳам бизнес қилибман-а... Ай, мен ўзимни одам санаб юрибман-а...

Тиловнинг елкаси силкиниб-силкиниб, юзини болишга қўйди.

... Ойи-куни яқинлашиб, инграб, хотини белги берди. Тиловнинг ўпкаси тўлиб, онасини қўшиб, тоғ-тош оралатиб, Морсаройга олиб борди.

Кўк халат кийиб, хонага кириб келган ўша – боланинг тақдирини айтган дўхтирдан ҳам,

новча доядан ҳам кўзини олиб қочди...

Аёлини дўхтирларнинг қўлига топшириб, икки кўзи ерда, индамайгина чиқиб кетди. Туғуруқхона атрофида қуюқ дарахтзор тагидаги ўтирғичга чўкди. То тунга қадар жилмади. Кўнглидан ўтганини ёлғиз ўзи билди.

Бир маҳал тунги чироқ ёруғида шовқин солиб бир шарпа пайдо бўлди.

– Бўриеванинг эри сиз эмасми, ака? – дея сўради ҳамшира қиз.

Тилов жон ҳолатда ўрнидан туриб кетди.

– Менман!.. – деди қалтираб. – Нима бўлди? Тинчми?

– Тинч бўлганда-чи! Табриклаймиз! Ўғил-а! – деди жилмайиб. Унинг жилмайиши хирагина тунги чироқ ёғдусига қўшилиб, бутун борлиқни ёритиб юборгандай бўлди. Бироқ Тилов ҳамон жим турар, суюнчиталаб ҳамшира эса табассум

билан, ортиқ гап айтолмай, ундан жавоб кутарди.

Бир туки ўзгармаган Тилов хомуш, гўё аза тутаётгандай, ҳамширанинг қўлига озроқ пул тутқазди. Сўнг оғир қадам босиб, туғуруқхонага қараб юриб кетди.

Йўлакда бояги икки шифокорни – пешонасидан реза-реза тер чиқиб турган доя ва дўхтирни учратди.

– Дўхтир, аёлимиз яхши қутулиб олдимми? Чақалоқнинг... тўрт мучаси соғми? – деди зўрға бошини кўтариб.

Дўхтир жилмайди.

– Ука, – деди. – Ҳеч хавотир олманг! Она-бола соппа-соғлом! Баъзан дўхтир ҳам адашади... Аппаратни ҳам одам яратган...

Тиловнинг юраги дуккиллаб уриб кетди.

“Хайрият! – деди. – Ўзингга шукр, Худойим! Беадад шукр...”

ТААССУРОТ

Жасур Кенгбойнинг “Тирик товон” ҳикоясини ўқиб...



Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ,
ёзувчи

Баъзан адабий сукутимиз чўзилиб кетмасин деган хавотирдами, у-бу битигимизни чоп эттирамиз. Жасурбой укамиз ҳам “Мана, ажойиб, таъсирли бир воқеа топдим, энди уни ёзиб ташлаш ҳам иш бўлибди-ми”, деган кайфиятда – бу ўз

вақтида кўпчилигимизнинг бошимиздан ўтган ва ҳозирги кунларда ҳам ўтиб турибди – қўлига қалам олгандек.

Ваҳоланки, воқеанинг таъсирчанлиги бу ҳали яхлит асар дегани эмас. Аторларнинг бир-бирига ҳаяжонланиб сўзлаб берадиган “...ундоқ бўлибди!.. бундоқ бўлибди!..” тафсилотлари ҳикоянинг суратини безаши мумкин, сийратини эмас.

Назаримда, “Тирик товон” (дарвоқе, сарлавҳа асарга мос эмас) фақат ақл кучига таяниб ёзилган. Шунга қарамасдан, ғализликлар етарли. Дейлик, “Худонинг жонзоти-да буям”, дея ачинишга мушарраф бўлган мушук бир неча сатрдан сўнг

бошқача талқинга дучор бўлади: “мушукча ҳам кўзига офат, ажина бўлиб кўриняпти” ва шундан кейин бу жондор буткул унутилади (биринчи саҳнада осилиб турган милтиқ охириги саҳнадаям отилмайди). Қаҳрамоннинг негадир айнан “ўнг қўлини бошига тираб” ётгани ҳикматини, бунга адиб нега урғу бергани боисини англолмадим. Ва яна: “тизиллаб йиғлаётган хотин”, “ғайирлик қилгиси келар”, “ота-онасининг бақбақа тўраси бўлиб юрган у арзандалар”...

Яна бир мулоҳазаки, Тиловдай эркак, икки ўғилнинг отаси уйдаги дардини “билгич эл-халқ”қа ошкор қилавермаса кераг-ов...

Ҳикоя якунида, шифокорларнинг адашганию фарзанднинг соғлом туғилгани “алқиссаси” муаллифни энгил торттиради, ўқувчини эмас. Инчунин, озгина виждон азоби, ўтмиш хатосини англашга ҳаракат орадан йиллар ўтгандан сўнг босиб келган илоҳий интиқомни яна ортга сурди, эҳтимол, у сира қайтмас бўлиб изсиз йитди, деган хулосага келасиз-да. Ҳа, анча арзон индულгенция...

Албатта, Жасурнинг бу машқи журнал вариант. Зеро, пайдар-пай чиқиб турган ижод нумоналарига солиштирилганда ҳам “Тирик

товон”нинг чўғи баландроқ. Аммо (бировга ўргатишдан Худо сақласин-у) биргина тилагим бор эдики, муаллиф бу асарни қайтатдан, ҳис-туйғуларига буткул эрк бериб ёзса; ўзини қаҳрамони ўрнида кўрса...

Эҳтимол, ана шунда ҳикояга хунук ямоқдай ярашмай турган Нурматнинг телефон қилиши воқеаси, иккинчи сўқир Беҳзод персонажи олиб ташланиб, ҳақиқий юрак кўри билан қоғозга тушган, инсон қалбини ларзага солдиган Асар яратилармиди... Дарвоқе, кўзи ожизларнинг қулоғи жуда ўткир бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш

учун Г.Уэллснинг “Кўринмас одам”ини ўқиш кифоя (асарда кўринмас одамни фақат сўқиргина сезади). Муаллифда бу деталдан жуда ўрнида фойдаланиш имконияти бор. Дейлик, Тилов туғилган кун базмидан сўнг ёнида пули қолмаган ўртоғига “йўл карточкаси”ни секингина ошириб юборади. Буни Қурбонжон эшитиб-сезиб қолади... Қолганини тасаввур этиш унчалик қийин эмасдир...

Хуллас, бу хусусий мулоҳазаларимиз тавсия мақомида қоғозга туширилди. Инчунин, уларни қабул қилиш-қилмаслик муаллифнинг ихтиёридаги иш.



Гулноз САТТОРОВА,
адабиётшунос

Ҳикоя жанри бошқа жанрларга нисбатан ихчам ва содда ифода усули билан фарқ қилади. Ҳар бир ҳикоя ўзига хос ғоят мураккаб ва хилма-хил фикрларга бой бўлиб, турлича тасвир йўналишларини ўз ичига олгани каби, Жасур Кенгбойнинг “Тирик товон” ҳикояси ҳам ғоя, сюжет билан эътиборлидир. Қолаверса, жанр талабларига жавоб бера олади.

Муаллиф тили ва воқеаларнинг баёнидан “Тирик

товон” ҳикоясида воҳа одамлари ҳаётининг бир кўриниши тасвирлангани сезилади. Бу кўпроқ унинг сўз қўллашидан маълум. “Бекор қилдим-ов”, “худонинг жонзоти-да буям” каби жумлалар фикримизни далиллайди. Ҳикоя Тиловнинг кечинмалари асосига қурилган. Воқеалар кетма-кетлиги, сюжет яхлитлиги, чиройли бадий ечим ҳикоя муваффақиятини таъминлаган. Ҳикояни ўқиган ўқувчи Тилов билан бирга яшайди. Унинг фарзанди соғлом туғилишини истайди. Жасур асарига савоб ва гуноҳ, яхшиликнинг яхшилик билан қайтиши, дўстга садоқат каби эзгу ғояларни сингдиришга ҳаракат қилинган.

Аммо ана шу ғояларни кўзлаб қўлига қалам олган муаллиф бироз тажрибасизликка йўл қўяди. Бадий ижоддаги етакчи тамой-

иллардан бири бадий тил масаласидир. Жасур Кенгбой асарда шу муҳим хусусиятга эътиборни сусайтириб, баъзи бир ҳолатларни узоқ тасвирлайди. Масалан: “Мушукнинг чопоннинг шувурига ўйғониши...” каби. Баъзи ўринларда эса сўзларни ноўрин қўллайди. “Кўзи очиқ туғилса экан, тик боқиб, ҳақиқатни айтсанг... Ўзингнинг айбдор эмаслигингни тушунтирсанг”. Тилов томонидан айтилган бу монолог ҳам асардаги асосий фикрга зид. Ахир боласи кўзи очиқ туғилса, ота қайси айбини тушунтиради? Қолаверса, бола айтса эшитади-ку!

Ўйлайманки, муаллиф баъзи назардан қочирилган жиҳатларга эътиборлироқ бўлса, келгусида янада яхши асарлар ёзади. Унинг мазкур ҳикояси кишида шундай ишонч пайдо қилади.



Иброҳим САИДОВ,
тадқиқотчи

Адабиёт қалб ўлими туфайли юз берадиган инсоний фожеаларнинг олдини олишга, “маънавий туғилиш”га хизмат қилади. “Тирик товон”ни ана шу йўлдаги талпинишлардан бири дейиш мумкин.

Муаллиф асарга танлаган воқеа – дунёнинг аксадо эканлиги, ҳеч бир амал, ҳеч бир ҳаракатнинг жавобсиз қолмаслиги азалий ва абадий мавзулардан. Ҳикоя сюжети шу буюк ҳақиқат атрофида шаклланади.

“Баъзан дўхтир ҳам адашади”. Ўқувчида эса дўхтир адашмагандай, ташхис аппаратлари хато қилмагандай таассурот қолади. Она қорнидаги гўдак чиндан ҳам кўр бўлган-у, Тиловнинг тавбаси, қалб кўзи очилиши туфайли зурриёдининг ҳам сўнгги лаҳзаларда кўзлари очилиб кетгандек туюлади гўё. Бир сўз билан айтганда, ҳикоядаги воқеа – инсоннинг ўз қалбига ва босаётган қадамларига назар ташлашга ундайдиган кўзгу.

Бу гаплар муаллифнинг мақсад-муддаоси, ҳикоя ғоясига тегишли. Энди ижро борасида икки оғиз мулоҳаза.

Ҳикоя аввалидаги мушукнинг ҳаракатлари жуда табиий тасвирланган бўлса-да, Тиловнинг кайфияти билан таништирувчи бу воқеа

ортиқчадай тасаввур уйғотади. Назаримда, ҳикояни “Дилсиёҳлик ортгандан ортиб бормоқда эди”, деган жойдан бошласа ҳам, ҳеч қандай ютқизиқ бўлмайди.

Ҳикояда мантиқан пароканда айрим жумлалар ҳам йўқ эмас. Масалан мушук воқеасидан кейин “Тиловга нима жин урди – ўзиям билмайди”, деган жумла келади. Ҳозирча ўқувчи билмаслиги мумкин, аммо “нима жин урганини” Тиловнинг ўзи яхши билади-ку. Тилов ўзига ўзи савол бераётганда: “Кўзи очиқ туғилса экан, тик боқиб ҳақиқатни айтсанг... Ўзингни айбдор эмаслигингни тушунтирсанг”, дейди. Ҳали Тиловнинг ёдига ўз қилмишлари тушгани йўқ, қайси “ҳақиқат” ҳақида бу гап? Модомики, “кўзи очиқ туғилса”, Тилов қайси айбига иқрор бўлмоқчи? Шу ҳолат давомида Тилов ўзини йиғлашга даъват қилади: “Ҳеч бўлмаса, ҳозир, ёлғиз пайтингда йиғлаб ол”. Сўнгра “Нимадир ичидан куйилиб келди. Бўғзи ачишди” жумлаларини ўқиб, аввал одам ўзига буйруқ бериб, сўнгра йиғламайди-ку, деган фикрга борасан киши. Хуллас, ҳикояда муаллиф яна бир карра кўриб чиқиши лозим бўлган ўринлар бор.

Энди асосий масала. Тилов ким? Унинг “киптриклари оҳиста уланиши” билан кўз ўнгида намоён бўлган “бир манзара” бу саволга жавоб бўлади – яъни, бировнинг туғилган кунда ўтирганда кўчада пулсиз қолган дўсти Нурмат билан телефон орқали сўзлашувида айтган гаплари. Мана, Тиловнинг ҳақиқий қиёфаси, ички дунёси. У унча-мунча тубан ва

пасткаш одам ҳам ўзига эп кўрмайдиган йўлни тутган, ногиронларга “тирик товон”ликдан ор қилмайдиган, сурати бошқа, сийрати бошқа, майда манфаатга дўстлик ва инсонийликни моҳирлик билан ниқоб қилишга қодир, айёр кас. Бундай одамлар ўз қилмишларини яшаш усули деб биладилар, ўзларини тафтиш қилмайдилар ва ҳар қандай ҳаракатларини табиий деб ўйлайдилар, “Ичингни оғритадимми текин улов?” тарзида фикр юритадилар. Тилов ҳам “яқин ўтмиш”да шундай одам эди. Шундай экан, Тиловнинг хаёлида “бир манзара чақиндай чақнаб кетиши” ва дўстларидан хаёлан кечирим сўраши, афсус чекиши мумкинми, ишонарлими, деган савол келади. Кимдир “Кутилаётган фожеа-чи?” деб эътироз билдириши мумкин. Ҳаётда бундай одамлар ўз фожеаларининг сабабларини атрофидагилардан излайдилар. Менимча, Тиловнинг ўша воқеаларни эслаши ўз-ўзидан, “кўзи юмилиши” билан эмас, бирор бир туртки билан юз берса, балки табиийроқ бўларди. Масалан, ўша Қурбонжон ва Беҳзоднинг айни шу пайтда йўқлаб келишими, умуман, шунга ўхшаш. Бошқа одамга айланиш осон эмас. Чунки одамзод билан бирга пайдо бўлган энг мушкул муаммо – инсон қалбининг, табиатининг ўзгариши, тавба қилишидир.

Умуман олганда, насримизда Жасур Кенгбой деган номнинг пайдо бўлгани ва унинг ҳикоядан ҳикояга, асардан асарга ўсиб бораётгани қувонарлидир.

Холис гап китобхоннинг кўнглида бўлади



Бу кунги суҳбатимизнинг мавзуи гарчи ижодий тажрибалар бўлса ҳам, гап кўпроқ ижодий тажрибалар эмас, ижодий уринишлар тўғрисида бори-лар деб ўйлайман.

Бирон балоғатга етган ёзувчи ўзининг балоғатга қандоқ етганлиги, бир ёки бир неча машҳур, ҳамма тақдир этган асарини қандоқ ёзганлиги тўғрисида гапириб берса, суҳбат аҳли ундан таълим олса, у вақтда ижодий тажриба тўғрисида сўз, таълимий суҳбат бўлар эди. Мен бу ерда фақат дуруст асар ёзишга қандоқ ўрганганлигим, шу уринишлар орқасида нималарга дуч келганлигим тўғрисида гапиришим мумкин, холос. Демак, бу суҳбат ўзаро фикрлашиш тарзида ўтади.

Умид билан қўлига қалам олган, эл-юртга ёзиш-чизиш иши билан хизмат қилишни иста-

ган, шу йўл билан кўпроқ ва яхшироқ хизмат қила олишига кўзи етган ҳар бир кишининг омили яхши асарлар яратиш бўлади.

Биз бир асарни ёмон, иккинчисини яхши, учинчисини сўз санъатининг мўъжизаси деймиз. Шунда ҳаммадан бурун нимани кўзда тутамиз? Аввал шу саволга жавоб бериш керак.

Модомики, китоб кенг ўқувчилар оммаси учун ёзилар экан, бу саволга ўша омма нуқтаи назаридан қараб жавоб бериш зарур. Омма ўзини мафтун қиладиган, роҳат бағишлайдиган нарсани ўқийди. Ўшани яхши асар деб билади. Ўқувчи китобни “маданиятдан орқада қолмаслик” учунгина эмас, зўр роҳатдан маҳрум бўлмаслик учун ўқиса ҳисоб. Шундай асар яхши асар бўлади. Асар тўғрисида энг тўғри холис ёзилган тақриз кутубхонанинг дафтарида бўлди.

* Ёшлар семинарида сўзланган нутқдан



Энг яхши томоша бўлмаган драма, қўлга олиш билан жозибасига тортиб кетмайдиган адабий асар яхши нарса бўлмайди. Агар бирон ёзувчи асарнинг шу томонига эътибор қилгани эринса ёки эринмагани тақдирда ҳам уdda қилолмаса-ю, ўзининг ожизлигини, масъулиятсизлигини “мазмун”, “олижаноб мақсад” иборалари остига беркитса, санъатни, энг муҳим тарбия қуролини бебурд қилган бўлади.

Мақсад нақадар олижаноб бўлмасин, Чеховнинг тили билан айтганда, “қурбақага шакар сепиб берганинг билан барибир емайман”.

Адабий асар, адабиёт деган шундоқ бўлсин.

Ёзувчи бирор нарса ёзиш учун қўлга қалам олганда ҳаммадан бурун кўз олдига шу нарсани ўқиётган ўқувчини келтирсин, асарнинг ҳар бир сатри кўз олдидан ўтганида чехрасида бўладиган ўзгаришни кўриб турсин. Ёзувчи ўзини каттакон билимдон, юксак завқ эгаси бўлган киши олдида имтиҳон бераётгандай сезсин.

Китобхонни мафтун қиладиган нарса яхши нарса бўлса, қандоқ асар мафтун қилади? Унинг меҳригиёси қаерда, бу меҳригиё нимадан иборат?

Классиклардан ўрганиш деган сўз классик асарлардаги мана шу меҳригиёни топишга уриниш, топишдан иборат бўлса керак.

Албатта, ҳар бир яхши асар ўзича яхши. Ҳар бир яхши асарнинг меҳригиёси бошқа яхши асарнинг меҳригиёсига ўхшамаганлиги учун яхши. Гўзал деган сўз битта. Лекин унинг минг бир маъноси бор.

*Ҳис, ички дард
кишининг қалбини
тошириб юборади.
Бундай вақтда
киши ўзини
қаерга қўйишини
билмайди.
Ўзининг дардига
бошқаларни шерик
қилиш, юрагини
бўшатилиш кишига
азоб бериш
даражасига етади.*

Яхши асарларнинг яхшилиқ сирини қидирган вақтда ҳамма яхши асарларга муштарак бўлган бир нарса дарров кўзга кўриниб туради. Эҳтимолки, бу асарнинг мафтун қиладиган асар чиқиши учун асосий шартлардан бири бўлса.

Маълумки, санъат, шу жумладан, сўз санъати – адабиёт ҳам кишиларнинг онгига ҳис орқали – юрак орқали таъсир қилади. Адабиёт бирон ижтимоий ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканлигини фактлар, рақамлар билан исбот қилиб, хулоса чиқармайди; унинг яхши ёки ёмон эканлигини кўрсатиб, кишиларда шу ҳодисага нисбатан муҳаббат ёки нафрат ҳисси туғдиради. Бирон ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканлигини билдириш билан унга нисбатан нафрат ёки муҳаббат ҳисси туғдириш орасида жуда катта фарқ бор. Билган киши билиб қўя бериши мумкин, лекин ҳис қилган киши ҳис қилиб қўя берайди. Адабиётнинг зўр ташвиқий кучи ҳам мана шундан иборат.

Бундан маълум бўладигани, ёзувчи бирон ҳодисага ўқувчида муҳаббат ёки нафрат ҳисси қўзғатиши учун аввал ўша ҳис ўзида бўлиши керак.

Киши ҳеч қачон душманнинг гўри устида бошқаларнинг кўзидан ёш чиқарадиган таъсирли нутқ сўзловмайди.

Энг талантли, энг уста, хушовоз артист агар ўзига ёқмайдиган ашулани айтишга мажбур бўлиб қолса, таланти ҳам, усталлиги ҳам йўқолиб, қуруқ овози қолади.

Талант, билим, ҳунар жиҳатидан бир даражада бўлган икки ёзувчи муҳаббат тўғрисида ёзса, шу муҳаббат ҳиссини бошидан кечиргани яхшироқ ёзади.

Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч тегишлиги йўқ.

Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Бусиз бўлмайди. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди.

Ҳис, ички дард кишининг қалбини тошириб юборади. Бундай вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди. Ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради. Кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ёзиш учун ҳеч нарса халал бермайди. Фикр тўкила боради. Ёзиб улгуриб бўлмайди.

Кишидаги мана шундай ҳолатни одатда илҳом дейишади.

Айтилган гаплардан хулоса чиқарсак, яхши асар – ўқувчини мафтун қиладиган асар, фақат илҳом билан ёзилган асар, дейиш керак бўлади.

Ёзувчи илҳом келди деб тез-тез ёзади, илҳом келмаётир деб соатлаб қоғоз чизиб ўтиради. Бас, маълум бўладики, илҳом келгани ёзувчининг тўла ҳис қилгани, илҳом келмагани ёзувчининг ҳали ҳис қилмагани бўлади.

Илҳом келиши учун ёзувчининг ҳис қилиши шарт бўлса, ҳис қилиши учун нималар керак?

Ёзувчи ёзувчи бўлиш учун қандай катта меҳнатни бўйнига олганлиги мана шу ерда кўринади.



Умуман савияси бирон уй хизматчисининг савияси билан баробар бўлган киши ҳеч вақт ижтимоий ҳодисаларни тўғри таҳлил қилолмайди.

Демак, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, унинг яхши, ёмон эканини билиш учун ёзувчининг савияси жуда-жуда баланд бўлиши керак.

Ёзувчи турмуш ҳодисасини таҳлил қилганидан сўнг унга маълум бир муноса-

*Янглиш
маслаҳатларга
амал қилиб
асарнинг гоясини
қидираб эдим.
Бу ҳам бекорчи
уриниш экан.
Ҳақиқатан
шундай. Асарнинг
гоясини қидиришга
эҳтиёж борми? Асар
ўқувчида қандай
таъсир қолдирса, уни
қайси йўлга бошласа,
гояси ўша-да.*

батда бўлади. Бу муносабати унинг қаноати бўлади. Унинг бирон ҳодисани ҳис қилиши мана шу қаноати асосида бўлади.



Шулардан маълум бўладики, ёзувчи ҳеч вақт “Нима тўғрида ёзсам экан?” деб ўйлаб, кейин бирданига бирон мавзу тўғрисида ёзишни ихтиёр қилмайди. Аксинча, ҳодисага маълум муносабати, қаноатидан келиб чиққан розилик ёки норозилик уни ёзишга мажбур қилади, уни ўз ихтиёрига қўймайди.

Мана шундан кейин асарнинг ғояси тўғрисида гапириш мумкин.

Мен илгари вақтларда кўп кишилардан “Асар ёзишдан бурун унинг ғоясини белгилаб олиш керак”, деган маслаҳатни эшитганман. Ўша вақтлар шу маслаҳат асосида иш кўриб кўп гаранг ҳам бўлганман. Ўша вақтларда қўлимга қандай асар тушса, дарров унинг ғоясини ахтарар эдим. Кўпинча, унинг ғоясини тополмас эдим. Энди ўйлаб қарасам, ўша маслаҳатлар нотўғри, ўша уринишларим мутлақо самарасиз уринишлар экан.

Мен шу кунгача битта-икки-та дуруст нарса ёзган бўлсам, биронтасининг ҳам ғоясини олдин белгилаб олганим йўқ. Наинки, уруш замонидаги чолларни кўрсатиш мақсадида мен Асрор бобони ясаган бўлсам! Йўқ, чолларнинг уруш йилларида ёшлар билан бир сафда турганлиги менга қаттиқ таъсир қилган эди. Бу ҳикоя шу таъсирнинг натижаси. Адабиётчилар, танқидчилар тилида бу чол қандай деб аталишини кўзда тутган эмасман, шулар нима деб атаса, ҳикоянинг ғояси ўша бўлади.

Янглиш маслаҳатларга амал қилиб асарнинг ғоясини қидирар эдим. Бу ҳам бекорчи уриниш экан. Ҳақиқатан шундай. Асарнинг ғоясини қидиришга эҳтиёж борми? Асар ўқувчида



қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа, ғояси ўша-да.

Жек Лондоннинг “Жазира-ма” (“День пламенеет”) деган бир романи бор. Мен асарларнинг ғоясини қидириб юрган вақтимда шу романнинг ғоясини тополмаган эдим. Лекин шу китобни ўқиганимдан кейин шаҳарда тургим келмай қолди. Қолган умримни қишлоқда ўтказишни хоҳлаб қолдим. Демак, ёзувчининг мақсади шу экан, одамларни табиатга даъват қилган экан.

Илҳом билан, ички мажбурият орқасида ёзилган асарни

Ҳис қилмасдан асарни тузатиш дуторни икки киши чалгандай гап. Парда босган киши ҳам, зарб берган киши ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди.

тузатиш, қайта ишлаш мумкинми?

Ўша тузатиш, ўша қайта ишлаш хоҳишга айланмагунча, ёзувчининг қалбидан ўрин олмагунча мумкин эмас.

Кўпинча шундай ҳоллар бўлади; ёзувчи асарини битириб, одамларга ўқиб беради. Бу ерда асарнинг камчиликлари кўрсатилади. Ёзувчи кўпинча ўша камчиликларни ўзи камчилик ҳисобламагани ҳолда фақат билимдонларнинг сўзини иккита қилмаслик учун тузатишга киришади. Бундай вақтда ёзувчи ўз маъшуқасига бировнинг сўзи билан муҳаббат изҳор қилаётган ошиққа ўхшаб қолади. Ҳис қилмасдан асарни тузатиш дуторни икки киши чалгандай гап. Парда босган киши ҳам, зарб берган киши ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Бундай машқдан ҳеч ким лаззат олмайди.

Асарни қайта ишлаш деган гапга мен тушунмайман. Агар бирон асар қайта ишлашга муҳтож бўлса, шу материал асосида бошқа асар ёзиш керак экан, деб тушунаман.

Яхши асар илҳомнинг натижаси, илҳом ҳис қилишнинг натижаси дедик. Ҳис қилиш учун ёзувчи ўшани бошидан кечириши шартми? Агар шарт бўлса, Толстой ҳеч қачон “Анна Каренина”ни ёзолмас эди. Чунки, Толстой ҳеч вақт хотин киши бўлиб кўрган эмас.

Ҳис қилиш учун ёзувчига ўзининг шахсий кечинмалари билан бир қаторда мушоҳада ҳам ёрдам беради. Ёзувчи ўзи бошидан кечирмаган ёки кечириш мумкин бўлмаган ҳодисаларни зўр диққат билан мушоҳада қилади. Турмушни ўрганиш деган сўзнинг маъноси турмушни мушоҳада қилиш демакдир.

Энг зўр ёзувчилар энг зўр мушоҳада кучига эга бўлишган. Одамларнинг рафторида оид энг кичик нарсалардан тортиб, катта-катта ижтимоий ҳодисаларгача ғоят зўр диққат билан ўрганишган. Бошқа кишиларнинг диққатини жалб қилмаган ҳодисалар, бошқа кишилар эътибор қилмаган нарсалар буларнинг диққатини жалб қилган, эътиборини тортган.

Мана шунинг учун ҳар бир бадиий асарда ёзувчининг шахсий кечинмалари, таржимаи ҳоли унсурлари бўлади. Ёзувчи баъзан бирон типга асос қилиб ҳақиқатда мавжуд одамни ҳам олади. Бундай ҳолларда ўша мавжуд одам типнинг прототиби бўлади.

Ёзувчи прототипнинг ўзигагина хос сифатларини, хислатларини ташлаб, тип учун характерли бўлган бошқа сифатлар, хислатлар қўшади. Шундай бўладиги, прототип типнинг ўзи эканини билмайди.

Одатда мушоҳада фақат керак бўлганда, бирон асар ёзиш учун зарур бўлиб қолганда қилинмайди.

Буни мен бир вақтлар дафтарга шундай қайд қилиб қўйган эканман: “Эр хотинига жаннатнинг таърифини қилади. Хотиннинг кўзига ҳавзи кавсар ва унда юзиб юрган балиқдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Хотин балиққа бошқоронги”.

Масалан, бировнинг оёғини трамвай босди. Эҳтимол, менинг қаҳрамонларимдан, персонажларимдан ҳеч кимнинг оёғини трамвай босмас. Лекин оёғини трамвай босган одамнинг ўша дамдаги ҳолати, ҳаракати, қиёфаси эсимда қолиши керак. Чунки мабодо шундай

ҳолат керак бўлиб қолса, оёғини трамвай бостириб кўргани ҳеч ким рози бўлмайди.

Киши чучкирадиган вақтда афти қандоқ бўлишига ҳеч ким эътибор қилмайди. Лекин Чехов шунга эътибор қилган экан. “Чиновникнинг ўлими” да қўл келипти.

Мен “Анор” деган ҳикояни ёзганимда бошқоронги хотиннинг ҳолатини шу кунларда мушоҳада қилганим йўқ. Бошқоронги хотиннинг ҳолати менинг хотира дафтаримда бор эди. Буни мен бир вақтлар дафтарга шундай қайд қилиб қўйган эканман:

“Эр хотинига жаннатнинг таърифини қилади. Хотиннинг кўзига ҳавзи кавсар ва унда юзиб юрган балиқдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Хотин балиққа бошқоронги”.

Бундан олти йил бурун дафтарга шуни ёзиб қўйган эканман: “Ажойиб ит, ўғри кирганда олқишласанг, ётиб думини ялайди”.

Бу нарса олти йилдан бери керак бўлгани йўқ, эҳтимол, ҳеч қачон керак бўлмас. Шундай қилиб, ёзувчининг хотира дафтари – мушоҳадалар хазиnasi – турмуш қомуси вужудга келади.

Бу дафтарга фақат мушоҳадаларгина эмас, воқеалар, манзаралар, фикрлар, сўзлар, иборалар ҳам ёзилиши мумкин. Чехов ҳатто исмларни ҳам ёзган.

Мана шунинг учун ёзувчи ёзаётганда, ўйлаётгандагина эмас, ҳаммавақт меҳнат қилади. Шундоқ бўлиши керак.





**Нормурод
НОРҚОБИЛОВ**

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими.

1953 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультетини тугатган.

Дастлабки ҳикояси
– “Чорраҳа” (1982).
“Зангори кўл”, “Унутилган
кўшиқ”, “Юзма-юз”,
“Пахмоқ”, “Бекатдаги оқ
уйча”, “Жўшқин дарё”,
“Овул оралаган бўри”,
“Бўрон кўпкан кун” каби
қисса ва ҳикоялардан
иборат тўпламлари, “Дашту
далаларда” романи нашр
этилган.

Энатош

ҲИКОЯ

Э насининг еттиси ўтказилган куннинг эртаси юмушга чиққан Тоғай оқшом олди овули томон ўша-ўша ғамнок бир кайфиятда қайтаркан, кунчиқишдаги адирлик қўйнига шўнғиган кўйи, ғуборли олис уфқ қаърига сингиб, изсиз йўқолган кенг асфальт йўлнинг ўнг тарафидаги тоғолди кенглиги узра мисли бодрокдек сочилган пасту баланд тепаликлар орасида энг маҳобатлиси бўлмиш Чўнгтепа пойига етганида, ҳар сафаргидек, оёқ илиб, тепалик белига чирмашган ингичка сўқмоққа андак малолланиб боқди; аввалига тепалик ёнлаб бориб, сўнг наридаги дўнгликлар оралаб чуваланиб кетган энсиз тошйўлга ҳардамхаёл назар ташлаб қўйишни ҳам унутмади.

Бежизга эмас, негаки, катта йўл бўйлаб энлаб тушган Чўнгтепа ортидаги кичик водийда жойлашган мўъжазгина овулига ҳар иккиси ҳам олиб боради, фарқи – бири ҳаддан зиёд тик, юқорига ўрлагунингча тоза тинканг қурийди, бири эса айланишли, дўнгликлар оралаб хийла улоғиб юришингга тўғри келади.

Аслида тоши енгил, пойи-пиёда одамга ушбу тор сўқмоқдан сози йўқ, чунки Чўнгтепа деганлари бу томондан тик ва баланд эса-да, терс тарафи водий сатҳига туташ қиялик, қуйига ўйнаб-ўйнаб энасан. Бироқ қуйига ўйнаб-ўйнаб эниш учун эса аввало узук-юлук, ингичка, сирпанчиқ сўқмоқдан бир амаллаб тепанинг тошлоқ яғринига чиқиб олмоқ даркор. Шунинг учун, овул ёш-яланглари демаса, катталар сўқмоққа яқин йўлашмайди, андак айланишли бўлса-да, шу ўзимизнинг кўхна йўл дуруст, дейишади. Тоғайга келсак, Чўнгтепа елкасига оёқ қўйиши ҳамон кўзга ташланадиган оч жигарранг тусдаги баланд қоятош – Энатош бағрида ҳар шом йўлига кўз тикиб ўтирадиган энаси, Адолат кампир важдан сўқмоққа тирмашишни одат қилган. Бу гал ҳам ушбу кўникма бўйича, боясароқ салгина севалаб ўтган кўклам ёмғиридан намланган сўқмоқдан, тийғана-тийғана, аста юқорилай бошлади.

Тоғолди заминига хос, Чўнгтепа асоси қоятош, юзасидаги бир энлик соз тупроқ эса ёғин-сочинга бардошсиз. Шунинг учун юқорига тирмашган одам йўл-йўлакай қоятошларга манглай урмай, сўқмоқ бўйидаги сертиканак аччиқ бодом буталарига “таланмай” сира иложи йўқ. Аммо болалигидан тик сўқмоқларга ўрлашнинг обдон ҳадисини олган Тоғай каби йигитларга бу хил ноқулайликлар чўт эмас, манглайи терчиб, эгни тердан намиқиб, зумда юқорига чиқиб олади.

У базўр нафасини ростлаб, тепанинг кенг, унинг таъбирича, забардаст яғринига қадам қўяркан, одатига кўра, қаршисида юз очган манзара қошида бир зум тек қотди-да, сўнг яшил водий кунботишида, саноқли қўрғонлардан иборат жимитдек овул жойлашган дўнглик бетида кўкка бўйи ростлаб турган Энатош – бошида лачак, сўл қўли кўксига ёпишган, ўнг кафти тиззасида, тепалик сари хаёлчан термулиб ўтирган аёл тимсоли – улкан қоятош бағрига ғайриихтиёрий тарзда ошиғич кўз ташлади.

Во ажаб, Энатош бағри бўм-бўш эди.

– Ия, энам қани?!

Йигит кўксидан бехос кўчган бу нидо кечки шабада қанотига илашиб улгурмай, волидаси бир неча куннинг нарисиди бандаликни бажо келтиргани ва энди ҳеч қачон Энатош тиззасида – унинг ушоқ ва жонли нусхаси бўлиб – ҳар кеч йўлини пойлаб ўтирмаслиги дафъатан эсига тушиб, бўғзига йиғи тиқилди, мижжалари ёшланиб, аламдан муштумини тишлади. Сўнг гўё бу жудоликни кўтармоққа ортиқ ҳоли қолмагандек, ёнидаги кулранг харсанг четига ғамгин чўқди. Энатош бағридек, кўнгли бўм-бўшлиги боис, шу ондаёқ ўта файзсиз тус олган қоятошга ортиқ қарамасликка тиришиб, эндигина қизара бошлаган уфққа, водийни теварақлаган дўнгликларга, виқорли тоғлар пойига бош қўйган қирларга, наридаги қорли чўққиларга, яшил водий пучмоқларига ҳамда тебранаётган майсалару турфа митти чечакларга бирма-бир разм солган – ўзини алаҳситган бўлди.

Бироқ ўзини ҳар қанча чалғитишга уринмасин, назарида, кимдир шу томонга зимдан тикилиб тургандек туюлаверди. Бу хил ғайритабиий туйғуни ҳали уйланмаган, шўхликдан тийилмаган, яъни тепалик бошидаги харсанглар ортига атай биқиниб, шусиз ҳам ўзини илҳақ кутиб ўтирган энасини андак хавотирга солишга уринган кезларида ҳаминша юрак-юракдан ҳис этарди. Адолат кампир аллақачон унинг қорасини илғаган ва бундан кўнгли таскин топган эса-да, токи ўғли қошига келмагунча, ўрнидан жилай демасди, ўтираверарди қоядай тош қотиб, сўнг саломига алик олиш ўрнига айтган гапи шу бўларди: “Сен тийиқсизни тезроқ уйлаб қўймасам, ҳеч қуйиладиганга ўхшамайсан!”.

Охири бўлмади – ич-ичини тирнаётган соғинч ва қандайдир ундовга бўйсиниб, секин ўша тарафга бош бурди.

Энатош!

Худди энасидек ўзи томон хаёлчан термулиб турарди.

Бу қадар ўхшашликни кутмаган, аниқроғи, шу лаҳзагача буни илғашга ҳатто ҳаракат ҳам қилмаган йигитнинг юраги бир қалқиб тушди.

Ё алҳазар, нечун буни шу дамгача пайқамасди экан?!

Чиндан-да нечун?

Нечунлиги шундаки, аксарият кишилар каби ўзи униб-ўсган муҳитга нисбатан анчайин лоқайд бўлган Тоғайнинг бор диққати шу дамгача қоятош қучоғида суюкли ўғлининг йўлига кўз тикиб ўтирадиган энасига қаратил-

гани, бундан-да ночори, овулдошлари сингари, бу кўҳна заминда ким ёхуд нимагадир ўхшаш тошдан ками борми, деган ўта ланж кўникмага эгалиги туфайли орадаги бу ўхшашликка ҳеч қачон жиддий аҳамият бермаган, янада аниқроғи, худди бошқа жой қуриб қолгандай, овул ўртасида қўнқайган қандайдир кампир нусха жўнгина бир тош эди унинг учун. Бу хил ғалати шакл-шамойилга эга тошлар водийда қаҳат эмас, санасанг – ўндан ошади. Ана, улардан яна бири – улкан Айиқтош. Турибди, Эна-тош бўй ростлаган бетнинг жанубий қисмида овул томонга тумшуғи ҳамда сўл панжасини дўстона чўзиб. Қисқаси, водий ҳудудида эътиборга арзигулик ғаройибатлар етарли даражада эса-да, бироқ уларни илғайдиган нигоҳ, англай оладиган идрок ғоятда тақчил эди. Овул аҳлига уларнинг ҳеч бир қизиғи ва заррача қадр-қиммати йўқ эди.

Овул аҳлидан фарқли ўлароқ, мазкур “тошхайкал”ларга чет кишилар – айрим жўшқин феълли сайёҳларнинг эътибори ва муносабати бутунлай бўлакча эди. Қайсидир бир йили кичкина сарғиш чодирини кўтариб келган ана шундай сайёҳлардан бири Энатошни она тимсолига қиёслаб, суратини олган ва унга саккиз қатор шеър бағишлаб, газетага босиб чиқарганди. Ушбу воқеа сабаб қоятош Энатошга айланган эса-да, барибир овул кишиларининг айрича эъзозига сазовор бўлмаган, қайтамга, ўша “шоир” сайёҳ устидан анчагача кулиб юришган: “Бечора фирт етим экан-да, а, тошни энамлаб қопти!”.

Ўша кулганлар орасида Тоғай ҳам йўқ эмасди, ҳиринглаш борасида овулдошларидан ўзган бўлса ўзгандирки, асло ортда қолмаган. Мана энди жудолик туфайли юзага келган соғинч ҳисси мудроқ шуурига тўйқусдан кескин таъсир этиб, ҳайрат тўла нигоҳини қоятошга михлаб кўйганди.

У елкасидан тоғдек босиб турган ғам балосини, зумга бўлса-да, паққос унутганча, қоятошнинг келбати ва қиёфасидан энасига ўхшаш жиҳатларни қидиришда давом эди: бошидаги лачак... манглайи... бўртиқ яноқлари... чўзинчоқроқ юзи... ўнг елкаси сўлига қараганда бироз кенгроқ демаса... ўнг тиззаси устидаги кўли... хиёл олдинга эгилган қомати – о-о, бари жуда-жуда ўхшаш... Оқибат, кенжа ўғил сифатида ҳамшиша Адолат кампирнинг алоҳида меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, чунончи, энасини акалари ва бошқа хешларига нисбатан бўлакча суйган бу эркатоброқ ўғилнинг ним

очиқ лаблари орасидан бисотида бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам, бугунга қадар бирор марта тилига олмаган ибора беихтиёр сирғалиб чиқди:

– Мўъжиза!

Бу сўзни ярим овозда такрор ирод этаркан, вужудида тийиқсиз бир ҳисни – энасининг ҳар кеч пўстак ташлаб ўтираверишидан ойнадек силлиқ тортган қизғиш тош юзасига, Энатошнинг сўл тиззасига бир дамгина бош қўйиш истагини туйди. Бироқ бу истакни қондирмоқ учун аввалига куйига эниб, сўнг бетга ўрлаши лозим эди. Боз устига, хоҳласа-хоҳламаса, бу амални жигарлари кўз ўнгида адо этмоғи даркор эди. Агар шундай қилар бўлса, турган гап, бу қилиғидан бошда улар анқайишади, сўнг мияси суйлиб қопти бунинг, дея устидан кулишади.

– Қани, кулиб кўришсин-чи!

Тоғайнинг юраги тўйқусдан оловланиб, кишини англашдан кўра устидан кулишни хуш кўрадиган хешларига нисбатан адоватга ўхшаш оташли бир туйғуни ҳис этиб, аччиқ-тиззиқ гаплар билан барини боғлаб қамчилани кўнглига тугди: “Куйдирган калладай тиржайишни бас қилиб, аввал манову гапни эшитинглар! Бугун мен буни илкисдан билдим, баримиз кўр, Энатошни айнан энамга ўхшашини билмайдиган даражада басир эканмиз! Қаранглар! Ҳа-а, тузуклаб қаранглар, кимга ўхшайди бу?! Энамга ўхшайди! Энди гап шу, бундан сўгин ҳар куни Энатошни тавоф қиламиз! Бугун кеч, эртан пойига бир жонлиқ сўямиз, қон чиқарамиз! Нимага деганда, бу тош нафақат энамга ўхшайди, унга, ҳа, унга, эна-жонимнинг руҳ-рухсори сингган! Бугун менга бошқача қаради! Ҳа, худди энамдай қаради!”. Бу гап-сўзлари жигарларига нечоғлик жиддий таъсир этишини ўзича тасаввур этиб, юзига тунд табассум инди. Кейин эса табиатнинг бу қадар моҳир, бу қадар чеварлигини гўё энди теран идрок этаётгандек – аслида ҳам шундай – кўз ўнгида бутунлай ўзгача маъно ва мазмун касб этган теварак-атрофдаги бошқа шакл-шамойилдаги қоятошларга, жумладан, Айиқтошга айрича эътибор билан назар ташлади. Умрида илк бора феълдаги лоқайдлик сабабини қидириб, ўз таъбири билан айтганда, онгини чўкиб қолган лойқа-луйқа ва кўқимлардан тозалашга уринаркан, салдан сўнг ўзини оқламоққа топган баҳонаси шу бўлди: “Вақтида ёлчитиб ўқимаганмиз-да, агар ўз вақтида манову пишмаган хумкаллани тошларга уриб-уриб ўқиганимизда борми, бу қадар оми, бу қадар фикри суст танбал бўлмасдик..

Қаранг-а, ахир бунинг бари шунчаки тош эмас, мохир уста қўли билан ясалган тошхайкалларга ўхшайди-ку...”. У боя ўзига жуда ёқиб тушган ўша янги иборани қайта тилга олди:

– Мўъжиза!

Йигитнинг ёниқ нигоҳи энди овул бўйлаб кезина бошлади. Энатош пойига қадар чўзилган кенг йўлакнинг сўл томонида катта акаси – Абдуқаҳҳорнинг баланд тош иморати савлат тўққан, ўнгдаги ихчам қўрғон ўзиники. Кичик акаси Абдуназарнинг анчайин дидсизларча қурилган қўрғони дўнглик тепасида бўртиб турган бармоқ нусха тошбўртиқ – қоятош пойидан ўрин олган. Ундан хиёл қуйироқда қатор тушган тўрт қўрғон эса узоқ-яқин хешларига тегишли. Ўша қатор чеккасида Абдуқаҳҳор иккинчи ўғли – Рауфга атаб ташлаган янги иморат ўрни – чала-ярим пойдевор қорайиб турарди. Овулда фақат биргина Абдуқаҳҳорнинг қўрғони, бошқаларники каби белга етар-етмас тошқалама билан эмас, тепаси тунукаланган бўй баравар пишиқ-пухта тошдевор билан ўралган. Акасининг феъли шу – кимда нима кўрса, ўшандан улгу олишга уринади. Туман марказида кимнингдир данғиллама уйига ҳавас қилиб, ушбу иморатини бузиб, қайта солган. Бўлмалари ўнга яқин, бироқ келин туширган бўлишига қарамай, ҳалигача ярмидан кўпига биров бош сукмайди, қурилганидан бери чанг босиб ётибди. Бу йил эса Рауфнинг уйини янада баланд кўтармоқчи, агар имкон топса, бир эмас, қўшқаватли қилиб.

Нечун?

Бу каби саволлар уни ўйлатмайди.

Ҳозирча ягона орзуси шу – ўғлини бу атрофда танҳо бўлмиш қўшқаватли уй соҳибига айлантириш. Уй – ўғилга, обрўй эса – отага. Ахир, ўғил мулки – ота мулки, деган гап бор-ку. Бу ўладиган дунёда шу каби орзу-ҳаваслардан бўлак яна нима керак кишига! Айтадилар-ку, ё донғинг чиқсин, ё чангинг, деб! Отаси Ҳайдар чавандоз ушбу овулга тамал тошини қўйганидек, ўзидан ҳам бирор ёдгорлик, ҳечқурса бир-иккита қасрнома тошиморатлар қолсин-да! Бу ҳақда бировга чурқ этмаса-да, бироқ тутумидан шу нарса аён. Устига устак, ўлгудек ишчан, чорвасига бир эмас, тўрт чўпон ёллаган бўлишига қарамай, кети ер искамайди – йиллаб йиққанини йўқ ердаги орзу-ҳаваслар йўлида аямай совуришдан қайтмайди.

Бундан етти йилнинг нарисиди дорилфанодан дорилбақога рихлат қилган Ҳайдар чавандоз асос солган бу мўъжаз овул водийда


танҳодек туюлса-да, аслида якка-ёлғиз эмас, тепасида тошбўртиқ бўйланиб турган дўнглик ортидаги қуйи ялангликда жойлашган Ўрта-овулнинг узвий қисми – айро тушган бўлаги. Номи ҳам шунга яраша – “Айриовул”. Дарвоқе, уни асосий овулдан ажратиб турган тошбўртиқ – “Бошбармоқ”, водий эса – “Ялангкафт” деб аталади. Бу каби ғалати номланишлар бежизга эмас, эътибор билан қаралса, водий сатҳи чиндан-да бармоқлари яримдан кенгроқ ёзилган яланг кафтга, унинг шарқий-шимолий сарҳадида кўкка бўй чўзиб турган тўрт қоя – тўрт бармоққа, қибла томондаги тепа қисми чатнаган тошбўртиқ эса бошбармоққа ўхшайди. Ялангкафт замини тош, тошқафтни энлаган қалин тупроқ унумдор, водийнинг тоққа туташ қисмида тўрт булоқ жилдираб, яна иккиси овул биқинида қайнаб турибди, сув дегани мўл – хоҳлаганча деҳқончилик қилиш мумкин. Бироқ овул аҳли экин-тикиндан кўра чорвани хуш кўради. Бу кичик овулдан бир Тоғайгина четда – туман маркази биқинидаги корхонада ишлайди, қолганлар чорва этагидан маҳкам тутган, туёқ сонини кўпайтириш илинжида куйиб-пишиб юришади.

Тоғай оний лаҳзада жўн қоятошдан муқаддас тошга айланган Энатошга ўзгача эҳтиром ила қарай-қарай, қуйига энаркан, овул кўним топган бетга етганда туғишганларининг мотамсаро кўнглига ортиқча ғиди-биди сиғмаслигини назарда тутиб, ҳозирча туйғуларига эрк бермасликка, бугун айтилиши лозим бўлган гап-сўзларини сал кейинроққа қолдиришга аҳд қилди. Агар шу тобда биров, йўлига, “энам-ов” деса, қўшилиб йиғлашга ҳозир эди у.

Йигит шу андишада қуйидан бетга кўтарилар экан, тўсатдан аёл кишининг азадор муҳитга ёт қувноқ кулгусини эшитиб, таажжубга тушди. Бу пайтда у бўй баравар тошдевор ёқалаб бормоқда эди. Қувноқ кулгу бот такрорлангач, ҳайрати чўнглашиб, ўз эшиги қолиб, зумда оғасининг ланг очиқ ҳашамдор дарвозаси қарши-сида пайдо бўлди.

Қизик, кўнглига кулгу сиққан ким бўлди экан?

Кўзи кенг ҳовли ўртасида, тепаси ёпиқ оғоч сўрида ўтирган бир тўп қиз-жувонга тушди. Аксарияти азадор кийимда эса-да, худди гап-гаштакка йиғилгандай хушхол гурунглашганча, бири сабзи тўғраб, бири пиёз арчиб кечки таомга ҳозирлик кўришар, нарироқда янги сўйилган қўй нимталари осиглиқ турар, ойнаванд



пешайвондан эса эркакларнинг гангур-гунгури кулоққа чалинар, гўё яқиндагина бу овулдан ўлик чиқмагандай, Тоғай кутган ҳазин кайфиятдан асар ҳам йўқ эди. Ана, ўз аёли Хадича ҳам ийманибгина кулгуга жўр бўлмоқда.

Аёллар дарвозада туриб қолган Тоғайнинг қорасини илғашга улгурмай, ичкаридан акаси Абдуқаҳҳор, тиш кавлаганча, нотаниш йигитлар – ўтган кузда янги иморат пойдеворини чала-ярим қўйиб кетган усталар билан бошлашиб чиқиб келди. Демак, у қурилишни бошламоқчи.

Намунча ошиқмаса!

Қошига соядай сирғалиб келган йигитларнинг қайси бири билан сўрашди, қайси бири билан кўришди – Тоғай тузукроқ англай олмади, қоққан қозикдай, тураверди серрайиб. Авзойидан аёллар дарров сергак тортишган эса-да, аммо эркаклар унинг тунд афтига тарикча эътибор беришмади, ўзаро сўйлашганча Энатош томон юришди.

Тоғай ҳовлига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, сўридан сирғалиб тушганча ўзи томон жонсаракланиб келаётган аёлига қовоғини уюб қараб тураркан, тақ-тўқ овозни эшитиб, аста Энатош томон ўгирилди. Қарасаки, белбоғи-

га чоққина чўкич қистириғли, манглайи кенг, яноқлари бўртиқ, кўзлари қисик, мўйловдор устабоши қоятош пойида уюлиб ётган катта-кичик тошлардан бирини олиб, бирини қўйиб кўрмоқда. Қолганлар эса унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, жимгина туришибди.

Нима қилаяпти бу?

Тоғай эс-ҳушини йиғишга улгурмай, кулоғига шу гап чалинди.

– Пойдеворга бемалол етса керак...

– Камига-чи? – ўсмоқчилаб сўради Абдуқаҳҳор, деворни назарда тутиб.

– Агар ҳақи тўланса, – устабоши елка учириб, қитмирона илжайди-да, Энатошга ишора қилди, – манову томони серқатлам экан... бир ҳаракат қилсак, камигаям етказамиз-да, бой ота. Ё олис дарадан тош опкеб берасизми?

Акасининг тошиморати Энатош биқинидаги кичик қоятошни комига тортгани ёдига тушиб, Тоғай ҳушёр тортди.

– Пулсиз ҳатто йўталмайман денг? – деди акаси ачитиб.

– Пулсиз йўталиб бўларканми, бой ота, – устабоши мўйловини бураб, ёйилиб кулди. – Томоқ қирилиб кетади-ку...

У кишин-ёзин бошидан тушмайдиган яғир телпагини энсасига суриб, манглайини енгилгина қашлади-да, сўнг сўзлана-сўзлана, табиий тош зиналарни бир-бир босиб, Энатошнинг “тизза”ли қисмига кўтарилди, гўё тошнинг ойнадек силлиқлигига ҳаваси келгандай, сўл “тиззатош”нинг қизғиш сиртини кафти билан силаб-сийпалади. Кейин худди ўша ерга оёқ кўйиб, “тизза” устига чиқди. Қоятошдан намуна олиш ўйида белидаги чўкични кўлига тутди. У “уста” мақомига эга эса-да, тошларнинг хили ва созига кўпмак ақли етавермасди. Аммо ўрни келганда, ўзини кўрсатишга ғоятда моҳир эди. Ҳозир ҳам кўйида турганлар эътибори ўзига қаратилгани сабаб, ўта билағон киши сифатида қоятош бағрига, шунчаки йўлига, чўкич ўриб кўриш ниятида эди. Бироқ мароқ билан бошлаган “ўйин”ини адоқлай олмади – тўйқусдан кўпган гайритабиий бир ўкириқдан шўрликнинг эси тўнқарилиб, чўкичи кўлидан тушиб кетди.

– Қани, туш пастга! – дея қайта бор овозда хайқирди, унинг Энатош “тизза”сига, йўқ-йўқ, Энатош “тизза”сига эмас, энасининг табаррук тиззасига оёқ кўйганидан кутуриш даражасига етган Тоғай, мезбонлик таомилини паққос унутган ҳолда. – Эмасам, ҳозир чатоғингни чиқараман!

Устабоши базўр ўзини ўнглаб, “Ҳозир-ҳозир, мана, ҳозир”, дея зинғиллаганча пастга энаркан, инисининг бу қилиғидан бошқалар қатори ҳангманг туриб қолган Абдуқаҳҳорга нимаси бу, деган маънода кўзларини жавдиратиб қаради.

– Нима гап, ўзи? – деди бегоналар олдида қаттиқ хижолатда қолган Абдуқаҳҳор, ниҳоят ўзига келиб. – Англат... бундай!

– Агар яна тошга қотинар бўлсанг, нақ қаншарингдан отаман! – деди Тоғай таҳмон кунжагига бекитиб кўйилган кўшоғиз милтиғини назарда тутиб, важоҳат тўла оҳангда. – Ҳа, икки қошингни ўртасидан отаман!

– Ув-в, нималар деяпсан сен, ўзи? – Абдуқаҳҳор овозини бир парда кўтарди. – Жин чалгандай намунча бўкирасан, а?

– Жин мени эмас, сизни чалганга ўхшайди, ака! – деди Тоғай қаҳр тўла кўзларини устабошидан узиб, унга ўқдек қадаркан. – Иморатни деб энди бу тошнияг гумдон қилмоқчимисиз? Йўқ-қ, кечирибгина кўясиз! Бу тош сиз ўйлаганчалик оддий тош эмас! Энамнинг руҳи ва рухсори бу! Қаранг, бундай! Наҳотки бунда энамнинг киёфасини кўрмаётган бўлсангиз?! Қаранг,

яхшилаб қаранг! Менинг энам! Бу оқшом энам ўрнида эна бўп кутиб олган энажоним менинг бу!

Бу гап-сўзлардан ҳамма лол туриб қолди, сўнг барча, жумладан, аллақачон сўрини тарк этиб, можаро томошабинига айланган аёллар ҳам Энатош томон ўгирилишди. Бироқ у яқиндан кўпмак марҳумага ўхшамасди, унинг бутун сир-синоати кунчиқиш тарафдан туриб қарашга боғлиқ бўлиб, шунда ҳам хиёл олислаброқ боқиш лозим эди.

– Ҳа-а, энанг ўлиб, сен бечоранинг бутунлай эсинг оғиб қопти! – деди Абдуқаҳҳор ҳам ачитиб, ҳам ачиниб.

– Йўқ, энам ўлмаган! – деди Тоғай қайсарона бир оҳангда. – Мана, у киши тепамизда савлат тўкиб турибди!

Абдуқаҳҳор қизиқсиниб қоятошга қайта тикилди. Бироқ бир туки қилт этмади, қайтамга, ажабсинди: “Бунинг нимаси энамга ўхшаркан, а? Лачак ёпинган қандайдир алвасти-ку бу!”. Қоятошнинг энасига ўхшаш-ўхшамаслиги эмас, аксинча, унинг ўнг биқинидаги иморатга яроғли тошлар қатлами кўпмак қизиқтирмоқда эди уни. Ахир бурни тагида шунча тош захираси бўла туриб, нега энди чиқим қилиб, олис дарадан тош ташиб юриши керак? У шу ўйда Энатошга бошдан-оёқ разм соларкан, тўсатдан тош инисининг кўрғонидан кўра, ўзига яқинроқ ерда жойлашганини пайқаб қолди.

– Кўп бошни қотирма! – деди писанда оҳангда. – Қара, бу тош сендан кўра кўпмак менга товин...

– Қачондан бери эна кимгадир товин бўлиб қолди? – деди Тоғай унинг шаъмасини англаб.

– Ахир бу энанг эмас-ку, нодон!

– Йўқ, менга эна! – деди Тоғай қатъий йўсинда. – Бундан кейин ҳар оқшом ишдан қайтишимни илҳақ кутиб оладиган энам бу менинг! Ундан кўра тавоб қилинг! Эртан, йўқ, шу жумада пойига жонлиқ суяман! Теварагини тозалаб, обод қиламан!

– Элга кулгу бўласан...

– Энам учун кулгу бўсам-бўтман-да!

– Йўқ, буни сенга бермайман, ўзимга керак бу.

– Тириклиги малол келарди... – деди ачитиб Тоғай. – Энди тоши керак бўп қолдимиз сизга!

– Ҳаддингдан ошайпсан!

– Мен эмас, сиз ошайпсиз!

– Демак, бермайсан?

– Худди шундай.

– Ахир...

– Ахир-пахири йўқ!

Усталар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолган Абдуқаҳҳор, бир хаёли, қаҳр отига ирғиб миниб, укаси устига от сурмоқчи бўлди. Аммо агар жаҳлланса, унинг ҳеч нарсадан тап тортмаслигини билгани учун, шу хил қалтис пайтларда отаси қўллайдиган ибратли амаллардан бирини ишга солмоқни маъқул топди.

– Хай-й, бу масала ечимини сену мен эмас, – деди дарров юзига ниқоб тортиб, юрт кайваниларига хос салобатли оҳангда, – эл-улус ҳал қилади. Эл нима деса – шу! Қани, айтинглар-чи, бу тош чиндан-да мархума энамизга ўхшайдими, ё йўқми? Агар ўхшаса, тошга қотиниш йўқ, ўхшамаса... акси бўлади.

Даврага оғир сукунат чўқди.

Абдуқаҳҳор юзага келган бу сукунатни инкор маъносида қабул қилиб, ботинан ўзида йўқ севинганча, энди тантана қилмоқчи ҳам эдики, аёллар тўпидан Хадичанинг журъатсиз овози эшитилди:

– Ҳа-а, чинданам ўхшайди, боёға.

– Балким ўхшар... – Абдуқаҳҳор ичидан қиринди ўтса-да, сир бой бермасликка тиришиб, ўша виқор, ўша салобат билан ҳар бир сўзини чертиб-чертиб деди: – Бироқ бу йиғинди сенинг гапинг инобатга олинмайди, келин. Эл, эрининг тарафини олаяпти, деган ўйга бориши мумкин. Шунинг учун биз холис одамлар фикрини эшитамиз. Хўш, ким нима дейди?

– Мен гапирсам майлими? – деди кутилмаганда ўн уч ёшли катта қизи Ойсанам, худди муаллим қаршисида тургандай, беихтиёр қўлини кўтариб.

– Гапир, қизим, – Абдуқаҳҳор унга умидвор тикилди.

– Бу тош... чинданам момомга ўхшайди, – деди қиз. – Буни мен момомнинг ўзигаям айтганман. Ўлсам, мендан силарга ёдгорлик бўп қолади, дея кулган момом.

Худди шу эътирофни кутгандай, даврада гала-говур кўтарилди.

– Ҳа, ўхшайди.

– Унча ўхшамайди.

– Йўқ, ўхшайди.

– Ҳа, момонинг худди ўзи.

Абдуқаҳҳор, оббо, бу ёғи чатоқ бўлди-ку, деган маънода усталар томон ўгирилди. Қарасаки, улардан иккиси – устабоши ҳамда қуюқ қошли бир йигит олислаб қоятошга тикилиб туришибди.

– Қани, усталардан ҳам фикр эшитайлик-чи, – деди сўнгги илинж билан Абдуқаҳҳор.

– Ҳақиқатан ҳам, момога ўхшаркан, – деди “қуюқ қош” унинг гапига аҳамият бермай, ошқора хайрат билан.

– Ўхшайди-ўхшайди, – деди устабоши ҳам ўзи билмаган ҳолда унинг гапини маъқуллаб. – Бунақа тошни қайси бир кинода ҳам кўрганман.

Абдуқаҳҳор бугун усталарнинг келиши шарафига жонлиқ сўйганига қаттиқ пўшаймон еди: “Иззатни билмаган нокаслар! Буларни одам деса, ғирт хоин экан-ку!” деб ўйлади алам билан. Сўнг Тоғайга юзланиб, пичинг-ла деди:

– Ҳечқурса тагидаги тошларни йиғиб олишга рухсат берарсиз, а, хўжайин?!

– Бемалол, – деди Тоғай пичингга аҳамият бермай. – Шусиз ҳам теварагини тошлардан тозалаш ўйидаман.

Абдуқаҳҳор қоятошнинг энасига ўхшашлигидан ва бу нарса қизғинлик билан эътироф этилганидан, ўзи қолиб, инисининг тегирмони-га сув қўйган бефаҳм усталардан ўпкаланиб, мағлуб бўлганидан ўксиниб, секин даврани тарк этди.

Эртаси оқшомга яқин юмушдан қайтаётган Тоғай Чўнгтепа белига ҳарсиллаб-гурсиллаб кўтариларкан, бу сафар қаршисида маҳобат-ла юз очган манзарага эмас, биринчи галда Энатошга кўз ташлади. Қарасаки, Энатош, Энатош эмас, энаси – Адолат кампир, қачон келасан, ўғлим, дегандай хаёлчан термулиб турибди.

Тоғай бундан енгил тин олди.

Тоғай бундан суюнди.

Тоғай бундан кўзини ёшлади.

Бироқ Тоғайнинг бу қувончи узоққа чўзилмади.

Аввалига дўнгликнинг шимолий қисмида уймалашиб юрган қора-қура кўланкаларга эътибор бермади. Сўнг кўнгли қандайдир нохушликни ҳис қилиб, беихтиёр ўша томон кўз ташлади. Не кўз билан кўрсинки, усталардан иккиси катта замбилғалтакка тош юклашмоқда, аллақачон сўл панжасидан айрилган шўрлик Айиқтош эса бу не ҳол, дегандай овул тарафга тумшугини мунгли чўзиб турибди.

Тоғай қаттиқ сўкинганча қуйига отилди. У ўзи сезмаган ҳолда водийдаги ғаройиб “тошхайкал”ларнинг чин кўриқчисига айланиб улгурганди.



Гул сўқмоқлар

Тириклик чогида айтолганим сўз...
Мени ҳам минг йиллар қилар ҳикоя.

Ғафур ҒУЛОМ



Матлуба ДЕҲҚОН қизи

1948 йили туғилган.
Фарғона давлат
университетини
тамомлаган.

“Қорачиқ”, “Кўнгил уйи”,
“Соғинч”, “Кўнгил малҳами”
“Муҳаббат фасли”, “Ўша
кун” каби шеърӣй ва насрий
асарлари эълон қилинган.

Ижод – машаққат. Заҳматли йўл. Бироқ ижод бор жойда – зафар бор. Бир яхшилик бор. Кўнгилни ёритувчи нур бор.

Сўз – илоҳий неъмат. Ҳар бир яхши Сўзнинг ўз баракоти бор. Яхши сўзлар ҳаёт ғилдирагини яхши томонга, ёмон сўзлар эса ёмон томонга айлантиради.

“Сўз – тирик олам!” дейди билганлар. У кўнгилдан тўкилади. У худди обиҳаёт мисол меҳр чашмаларини зухур этади. Инсон оламини поклайди. Тафаккурга чорлайди. Яхшиликка, ёруғликка етаклайди.

Биз, қалам аҳли Яратганнинг ана шу улуғ мартабасига муяссар бўлдик. Қоғозларга дилимизни тўкиб, одамларга ҳадя этдик. Аслида бу йўл фақат заҳматдан, меҳнат ва машаққатдан иборат эди. Бироқ у қанчалар қийин бўлмасин, сўқмоқлари хур, сўзлар келаётган лаҳзалар ҳузур эди.

Талабалик йилларим рус ёзувчиси Константин Паустовскийнинг ижод заҳматларига бағишланган “Олтин гул” китобини ўқидим ва сўзлар туғилаётган ондаги “тўлғоқлар” тасвирига илк бор гувоҳ бўлдим. Кейинроқ Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” китобини ўқидим. Китоб номининг ўзи гўзал. Ижоддаги туғилишларни ёзувчи “Хаёл чечаклари” деб номлаган. Ҳақиқатан ҳам шундай... Шогирднинг ўз устози эшиги остонасидаги ички титроқларини шу китобда кўрдим. Бу титроқлар ичида қанча ихлос, муҳаббат, адабиётга фидойилик, сўзга эҳтиёж бор.

Бир куни Сергей Есениннинг “Мактублар” тўплами кўлимга тушди. Китобни рус тилида ўқидим. Унда шоирнинг холасига, синглисига, дўстига, севгилисига ёзган мактублари жамланганди... Билдимки, мактуб – муҳаббат экан. Инсон мактубларга муҳаббатини, соғинчини тўкади. Инсон соғинчидаги яхшиликларнинг поёни борми-я...

Йиллар ўтган сайин “Олтин гул” сингари китобларни ўқишга эҳтиёжим кучайди. Негаки, асарнинг туғилиши – ўзи бир асар. У ўша яратилган роман, қиссадан ҳам қизиқарлироқ бўлса, не ажаб.

Кўнглимда ҳамшиша “Ижод сўқмоқлари” деган китоб ёзиш иштиёқи ёлқинланиб турди. Бу масалага, аввало, ўзим қизиқаман. Масалан, Ойбек домла “Навоий” романини қандай ёзганини билгим ва сабоқ олгим келади. Қани, ёзувчининг кундаликлари бўлса-ю, ўзини унутиб, Навоий яшаган давр тарихи орасига кириб кетган, битта қалами билан қанча мураккаб шахслар оламида яшаган ёзувчининг азобларини айтиб берса. Балки бу кундаликлар инсонни майдалиқдан, енгил-елпи қараш, яшашлардан асраб қолармиди! Қани дейман, Радий Фиш қаламига мансуб “Жалолитдин Румий” романининг дунёга келиши ҳақида маълумотлар бўлса!

Ёзувчининг китоби чоп этилган кунлардаги қувончлари эмас, ният қилган-у, аммо ёзолмаган асарлари – армонлари кўпроққа ўхшайди. Ўша армонлар ичида ижодкорнинг одамларга етиб бормаган қанча изланишлари, уринишлари ҳам борлиги аниқ.

Жуда кўп адиблар кундалик туттади. Чунки у ижодкор учун энг яхши дастёр. Яшаётган кунимиздан бир гўзал туйғу топсак, кундаликка битамиз. Улар ойлаб, гоҳи йиллаб ғаладонларда ётса ҳам, бир куни асқатади. Гоҳо янги бир асарнинг туғилишига туртки бўлади.

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг бир нечта ёндафтарчалари бўлган экан. Адиб уларга нозик ибораларни, асар қаҳрамони феъл-атворини очадиган сўзларни ёзиб қўйган. Пайти келганда улардан фойдаланган.

Устоз Йўлдош Сулаймон айтардилар:

“Ёзаётган одам ўзини бемалол қўйиши керак. Сўзлар қуйилиб келяптими, ёзаверинг! Кейин уни қисқартириш, таҳрир қилиш осон”.

Ижод жараёнлари... Астойдил қарасангиз, жуда оғир. Ижодкор интилиб-интилиб, олдинга

қадам босмаса, қаламини қитирлатмаса, ҳеч нарсага эришолмайди.

Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода вафотидан икки йилча олдин Фарғонага келдилар. Вилоят газетаси таҳририятида у киши билан учрашув бўлди.

– Ёзаётганда тўхтамай ёзишга ҳаракат қилинг, – дедилар устоз. – Ёзиб бўлгач, ёзганларингизни ўн беш кун ғаладонга ташлаб қўйинг. Кейин олиб, уни ўқувчи кўзи билан ўқинг. Ёзганларингиз ўзингизга таъсир қилдими? Таъсир қилган бўлса, демак, яхши ижод бўлибди. Янги асар туғилибди! Агар у Сизни зериктирса, ўқингиз келмай ташлаб қўйсангиз, қаерларидир эзмаликка ўхшаса, демак, бу асар эмас. Ё ундан воз кечинг ёки устида қаттиқ ишланг, тер тўкинг!..

Бу ўғитлар бизга бир умрлик сабоқ бўлди.

Константин Паустовский ижодни олтин зарралардан яралган олтин гулга ўхшатади. “Бу олтин гул қайси хонадонда бўлса, оилага омад, бахт олиб келар эмиш...” деб таърифлайди. Ҳа, чиндан ҳам, ижод – олтин гул! У ижодкорнинг тилло туйғуларидан сачраган ҳислар, ҳаяжонлар, ҳайратлар, чўғлар, оловлар ҳосиласи бўлиб туғилади.

Шуниси қувончлики, одамлар ўз шоирига, ёзувчисига ишонади. Ҳамиша элига, юртига, одамларга, адолатга, ҳақиқатга қайишадиган, вақти келса, ҳимоя қиладиган, ижоди билан оғриқли дилларга малҳам қўядиган қалам аҳлига худди ўзига ишонгандек ишонади.

Ижодкор қалби аввало Меҳрга тўла бўлади. У – меҳрибон, илинчоқ, куюнчак... Унинг ана шу туйғулари кўнглидан тошганида, қоғозларга тўкиб, одамларга улашади.

*Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.*

Эркин ВОҲИДОВ

Бугун психиатр-терапевт ҳикоясини эшитиб, яна Сўзга қуллуқ қилдим. Бу тоифа шифокорлар ўз беморларини игна билан ёки аччиқ дорилар билан эмас, Сўз билан, Сўз сеҳри билан даволаётти экан.

“Психотерапия муолажаси ҳар куни ҳар бир беморга ярим соатдан олиб борилади, – дейди шифокор. – Бизнинг шифо қуролимиз ҳам Сўз! Беморнинг дағаллашган, тошдек қотиб, саҳрога айланиб қолган кўнглини Сўз билан юмшатамиз. Унда гул ундиришга, чечаклар очиришга уринамиз. Бир аёл бемор келди.

Беш кун муолажа олиб бордим. Суриштирсам, умуман китоб ўқимаган экан. Газета-журнал ҳақида бирор тасаввурга ҳам эга эмас. Шундай замонда! Оилада бирга яшайдиган ҳамхоналаридан бирортаси ҳақида ижобий фикри йўқ. Ҳатто ўз фарзандларидан ҳам норози...

Ахир, бу – дўзахда яшаш дегани эмасми? Беморимга вазифа бердим. Ахир ҳаётнинг ширинлигини, гўзаллигини ҳис этишингиз учун, аввало, ўз атрофингиздаги одамларнинг яхши фазилатларини кўра билишингиз керак. Уларни излаб топинг. Ахтаринг. Биринчи, қайнонанинг яхши томонларини, кейин турмуш ўртоғингиздаги ижобий хислатларни топиб, ёзиб келинг. Биргаллашиб ўқиймиз, – дедим.

– Вой, улар шунақаям ёмон... – беморим қайсарлик билан терс жавоб бераётган эди, тўхтатдим:

– Ахир, Сиз улар билан бирга яшаяпсиз, бир дастурхонда ўтирибсиз. Битта қозондан овқат еяпсиз. Ахир, эрингиз топиб-тутиб келаётгандир?

– Топиб келади. Чор хунари бор уста. Фақат қилдан қийиқ ахтаради, тажанг.

– Негаки, Сиз ўша эрингизга фақат ёмон кўз билан қараяпсиз. Сиз уни ҳурматлаб, иззатини жойига қўйиб, муомала қилмаяпсиз. Қайнонанингизга ҳам шундай муносабатда бўлсангиз керак.

Беморим индамади. Орадан кунлар ўтди. Ҳузуримга бемор аёл келганда, ростки, ҳафсалам анча пир бўлди. Эмишки, улардан бирорта ҳам яхши фазилат тополмабди.

Мен ўша аёл қалбида гул ундирмоқчи эдим. Кўнглида гул очилиб турган одам атрофидагиларга ҳам гулдай ифорини сочиб қарайди. Рўпарасидаги тажанг, газаби қайнаб турган одамни ҳам мулойимроқ бўлишга чақиргандай табассум улашади. Шундай эмасми?

*Бирор нарса қоралаётганда,
олдидан сюжетни ўйламас
эканман. Нимадир туртки
бўлади. Кўнглимда нимадир
ялт этади. Зимистон оламим
ёришади. Ёзишга ўтираман.
Ҳикоя охирига этади. Кейин
ўрнимдан тураман.*

...2007 йил 15 июнь. Шом ва хуфтон орасида умр йўлдошим, шоир Абдували Ортиқов Водил йўлидаги юрак хасталиклари шиғохонасида омонатини топширди. Инсон Аллоҳ йўлига ҳозирлик кўриб, ҳаммиша шай туриши керак экан. Ўлим қош билан қовоқнинг ўртасида дейишса-да, одамзот яшагиси келади. Дўхтирлар умр йўлдошимнинг аҳволини “Оғир, анча оғир!” дейишса-да, умидларим катта эди. Негаки, унинг шоир кўзлари сўнги дақиқагача чақнаб турди. Ранглари ҳам, ҳатто овози ҳам бинойидек эди. Эркинжон ўғлимизга:

– Эртага қалам, дафтарларимни олиб келгин, мен энди шеърлар ёзаман, – деб тайинлаган одам икки соат ўтмай, ёруғ дунёни тарк этди. Юрак иши шунақа тез экан...

Ўша воқеадан кейин узоқ вақт бетоб одамга ўхшаб юрдим. Кўнглим сўраб Андижоннинг Марҳаматидан курсдош дугонам Маҳбуба келди. У мени юпатиб:

– Абдували ўтиб қолди, деб йиғлаб ўтиравермагин, – деди малҳам бўлувчи ва ҳушёрликка чорловчи товуш билан. – Ўзимиз ҳам нечага чиқдик? Ўйлаб кўр! Қайғуга берилгандан кўра Абдували улгурмаган ишларни сен қилгин. Нимагадир улгуриш керак... – деди.

Бу сўзлар хиёл ўзимга келтирди. Умр йўлдошим дафтарларида қолган шеърларни топиб, компьютерга кўчиришга киришдим. Бу иш тез бўлмади. Жуда секинлик билан борди. Бироқ қимирлаган жон, ростдан ҳам, қир ошар экан. Китобни тайёрладим, унга Ўзбекистон халқ шоири, қадрли устозимиз Ойдин Ҳожиёва сўзбоши ёзиб бердилар...

Болалигимизда Файзиободда кун қайтгандан сўнг уч-тўрт қиз далага ўт юлгани борардик. Ўшанда, ҳамма кўпроқ ўт юлишга уринса, мен қизариб ётоғига йўл олган қуёшни томоша қилардим. Қуёш ботгач, шом кириши олдидан уфқда қолган чўғлар кўзларимни ловуллатарди. Уларга тўймай тикилардим.

Болаликдаги хотиралар бир умр йўлдош бўлар экан, онг-шуурда ўчмас из қолдирар экан. Улар қанчалар гўзал, ширин бўлса, инсон умри давомида улардан куч-қувват, юксак руҳ олади. Шу сабаб ҳам болалигимизни тез-тез соғинамиз, эслаймиз. Гоҳи жуда-жуда хумори тутади. Унга интиламиз. Унга суюнамиз. Ўз умримизни ўша хотиралар билан безашга тинмай уринамиз.

Аксинча бўлса-чи... Туғилган гўдак то эсини таниб, ота-онасининг жанжал-тўполонларини

кўп кўрса, турткилашларга гирифтор бўлса, эркаланмаса, руҳий юксакликларга етакланмаса, бу туйғуни ҳис этмаса... қўрқоқ ё жанжалкаш-жангари, тафаккури қолоқ, ҳеч кимга нафи тегмайдиган худбин бўлиб ўсиши тайин.

Мен ёшларга тез-тез айтаман:

– Таржима асарларни ҳам ҳеч иккиланмай ўқинг! Бу китоблардан албатта нимадир топасиз. Агар ўша асар таржимон кўнглини тебратмаганида, завқ-шавқ бағишламаганида, у бу китобни кийналиб, бошқа тилга ўгирармиди!

Таржимонлик, назаримда, ёзувчиликдан ҳам кийинроқ юмуш. Ёзувчи кўнглидан оқиб келаётганини ёзади. Таржимон эса ҳар бир сўз устида, муаллиф услубини сақлаш йўлида заҳмат чекади, гўёки у яшаган ҳаётда яшайди. Икки тил ўртасида заҳмат чекади.

Юқорида айтганимдай, Сергей Есенин мактубларини ўқиб, инсоннинг инсонга чексиз меҳрини янада теранроқ туйдим. Ана ўша мактубларда битилган, инсон қалбидаги гўзал соғинч туйғулари менинг кўнглимда ҳам бисёрлигини англаб етишимга астойдил кўмаклашди. Кейин мактублар ёзишга киришиб кетдим.

Сергей Есенин мактубларини ўқиш ижодимда янги сўқмоқ очди. Бу сўқмоқда мен ўз қалбимни кўрдим. “Устозга мактублар”ни ёзаётганимда кўнглимнинг чўққиларида, Меҳр деган дунёнинг чаманларида яшадим. Кўнглим қоғозга тўкилган сари кўра бошладим.

Аёл ижодкорга осон эмас. Ҳали ёшликда илҳом келган лаҳзаларни яхши “таний” олмадик. Илҳом келганда... сўзлар куйилиб келади. Устозлар айтишади:

– Ижодкор кўп юриши, кўглаб воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриши, уларни таҳлил этиши, қалб чиғиригидан ўтказиши, турфа хил одамларнинг минг бир қиёфа ва ҳолатлари, кайфиятлари, ниятлари, уларнинг фалсафаларини тинмай ўрганиши зарур...

Шунақа, ижод – фарқ пишиб турган олма эмас экан-да. Битта саватча олиб бориб, узиб-узиб олсангиз. Устоз Йўлдош Сулаймон айтдилар:

– Каттароқ насрий асар ёзаётганда, илҳомни “тутиб” олсанг яхши. Мабодо қўлдан учиб кетса, тасом, яна узоқ вақт асар воқеалари ичига киролмай, қаҳрамонлар руҳини тополмай, бир сўз ёзолмай юраверасан. Шунинг учун “Субҳидам”, “Вафо”,



“Армон” асарларимни ёзаётганимда, кўчага чиқиб кетмаслик учун атай соқол олмасдим. Битта тўкин дастурхонни олдимга тузаб кўярдим. Кўнглим нимани тусаса, озгина-озгина тотиниб, ишлайверардим. Гоҳо ҳовлидан қочиб, “дом”да ишлардим. Гоҳо бошқа шаҳарларнинг меҳмонхоналарига жойлашиб олардим. Токи мени ҳеч ким тополмасин...

Ўйлаб қоламан. Ижодга бу қадар фидойилик, бу қадар заҳмат... Бу ишлар ақл буйруғи эмас, кўнгли амри билан бажарилади!

Кеча Шукур Холмирзаевнинг эсселар китобини мириқиб ўқидим. Эл таниган буюк одамлар ҳақида ёзиб кўйибди-да. Ўзим орзу қилган китобни топгандекман. Битта ёзувчининг шаклланиши...

Шукур аканинг китобидан кўчириб оладиган жойлари, дарс олиб, амал қиладиган саҳифалари кўп экан. Ҳар бир ёш ижодкор бу китобни албатта ўқиши керак. Шукур аканинг китобларини қачон ўқисам, бу улуг ёзувчимизни илк бор учратганим ёдимга тушади. Ўшанда Эркинтой ўғлим олтинчи синфда ўқирди. Тахминан 1986 йил эди. Дўрмондаги ижод уйининг иккинчи қаватидан тушаётсам, Шукур ака шляпасини астойдил бостириб, тепага чиқиб бораётган экан. Суратларини матбуотларда кўргандим. Ҳикояларини мириқиб ўқигандим. Бир кун учрашишни орзу қилгандим, албатта.

– Ассалому алайкум, Шукур ака! – дедим қувониб.

Ўғлим ҳам ортимдан тушаётган эди. Шукур ака зина устида тўхтаб, бош ирғаб алик олди ва бизларга синчков қаради.

– Ҳикояларингизни севиб ўқийман. Сиз билан учрашишни орзу қилардим, – дедим шоша-пиша ҳаяжонланиб.

– Яхши. Қани, юринглар бўлмаса... – ўзлари олдинга қадам ташладилар. Биз у кишига эргашдик.

Рости, оёқларим қалтираётган эди. Ҳозир шундай катта ёзувчи билан рўбарў бўламан, нима дейман?

Ичкарига кирдик. Мен ўзим ҳавас қилган ёзувчи билан дилдан суҳбатлашишни истаб турардим. Асарлари ҳақида, назаримда, узук-юлук сўзлар айтдим. Ўзимнинг у-бу нарсаларим нашр этилганидан гапиргандай бўлдим. Шукур ака кўнглим учун бўлса керак:

– Кўрганман, кўзим тушган, – дегандай бош қимирлатдилар.

Бу дақиқалар шундай эдики... Ҳам ўзинг орзу қилгансан, ҳам ҳавасли, ҳам ҳадикли, ҳам игна устида тик тургандай...

– Шу... ҳикоячиликда Сиздан маслаҳатлар олмоқчи эдим, – дедим.

– Яхши. Ёзмоқчи бўлган бирорта ҳикоянинг сюжетини айт-чи... Унга қараб, кейин бир маслаҳат берарман, – деди Шукур ака.

Каловландим. Ажабоки, ўша дақиқада миямга бирорта сюжет тугул, тиникроқ фикр келмасди. Нималардир деб ўзимни оқлашга уриндим.

Бирор нарса қоралаётганда, олдиндан сюжетни ўйламас эканман. Нимадир туртки бўлади. Кўнглимда нимадир ялт этади. Зимистон ола-мим ёришади. Ёзишга ўтираман. Ҳикоя охирига этади. Кейин ўрнимдан тураман.

– Албатта олдин сюжетни пишитиш керак. Ёзилаётган асарни бошидан охиригача хаёлда “қуриб”, кейин ёзиш керак. Ёзиш давомида асар яна у ёқ-бу ёғи ўзгариб, тўлиб-тошиб боради, – деди Шукур ака.

Шукур акадан яна нималардир сўрадим. Ҳали-ҳали афсус қиламан. Биз кўп тортинчоқ эканмиз. Хижолат чекибмиз. Бу устоздан ижоднинг кўп сир-асрорини ўрганиш мумкин эди. Илм бобида Шукур Холмирзаевга тенг келиб бўлмасди. Тарихни, айниқса, ўзбек халқи тарихини зўр биларди. Бир гапиришга тушса... Миллат, халқ оғриқларини инграб туриб сўзлаётганга ўхшарди. Адибнинг эсселар китобида ўша оғриқларни янада чуқурроқ ҳис қилдим.

Шукур ака ёзганлари ёқмай қолса, гоҳи йиртиб ташлаганини айтганди. Шундай улуғ ёзувчи-я... Эсселарида ўша ҳолатларини, ўз қалбига маъқул келмаган “мулк”лардан воз кечган дамларини кенгроқ ёзганида эди... Нимаси ёқмади? Нимасидан кўнгли тўлмади?..

Шукур Холмирзаев ижодига ҳавасим келади. Ёзганлари табиий... Рост... Инсон туйғуларини минг бир тарозида таҳлил ва тадқиқ этиб, кейин уни қоғозга туширадиган ижодкорлар ҳамиша бор бўлсин. Ўшалар-да, бизни табиийлик ва

ростликка ўргатадиганлар. Ўшалар-да, туйғуларимизни тарбияладиганлар.

“Китоб дунёси” газетасида Лев Толстойнинг кундаликларидан парчалар ўқидим. Уларда фақат адабиёт ҳақида фикр юритилган. Ўйлайман, улуғлар ҳамиша улуғ бўлган ва юксакда турган. Тургеневни Толстой ниҳоятда қадрлаган. Уларнинг кўнгли меҳнати, машаққати, изтироби, тогган-тутгани ижод, адабиёт бўлган.

“... Ҳаяжонсиз ёзувчилик ишларимиз олға силжимамайди”, деб ёзади Лев Толстой. Бу фикрга қўшиламан. Улкан ақлни тебратувчи, ишга солгувчи бу – ўша ҳаяжон, бу – ўша туйғулардир. Ҳаяжонсиз ёзиш, яшаш, дийдорлашиш менга умуман ёқмайди. Ўшандай лаҳзалардан қочиб кетгим келади.

Шу кунларда ҳазрат Навоийнинг “Садди Искандарий” достони насрий баёнини такрор-такрор ўқияпман. Ўқиган сайин кўнглим сув ичяпти. Алишер Навоий ушбу асарининг сўнгги саҳифаларида руҳий ҳолатлари ҳақида батафсил ёзганлар. Бу мавзу ижод аҳли учун ҳам, мухлислар учун ҳам қизиқарли, албатта:

“Сўз ҳам киши таъбидан яратилган бир фарзанд кабидир, фарзанд эса кишининг жони билан боғланган. Фарзанд деган нарса бировларга қанчалар ёқимсиз бўлса ҳам кишининг ўзига жуда азиздир. Бойқуш боласи қанчалар хунук ва жирканч бўлмасин, барибир ўз олдида товус боласи сингари жилвагардир. Каноп дарахтининг шохи хас-хашакча бўлмаса ҳам, ундан тўн қилиб қиядиган қаландарларга у тик сарв дарахтидек барно кўринади”, дейдилар Навоий ва яна ёзадилар:

“Шу сингари ўзингга жуда ҳам ёқимли кўринган бу дostonларинг халққа ҳам маъқул бўлармикин ёки бўлмасмикин? Ҳар бир нарсани кашф этувчи устоз Жомий буни кўриб, мени асл ҳолдан хабардор қилсалар яхши бўлмасмикин? Аввал шундай дostonларни ёзган (ҳозир юзларига ажал ниқоби ёпилган) одамлар руҳларига бу қандай таъсир этар экан? Буни кўриб, уларнинг руҳлари шодланар ёки ранжирми экан? Бу аҳволлардан дили равшан пир ўзини хабир (хабар берувчи) ва мени хабардор қилса экан. Кўнглимда мана шу каби хаёллар ва чуқур мулоҳазалар билан қадам ташлаб борар эдим”.

Навоий бобомизнинг бу ҳолатларини ўқиб, шундай улуғ зот ҳам ўз асарлари ҳақида бир оғиз ҳақ ва рост сўзга илҳақ бўлганини англаймиз. Ижод аҳлининг ўз ёзганидан қониқиш ҳосил қил-

май, олға интилиши уни юксакларга кўтарса, ажаб эмас. “Садди Искандарий”нинг охирги бобини тугатарканман, Навоий асарларини ҳам жисман, ҳам руҳан покланиб ўқиш зарурлигини англадим.

Орадан неча асрлар ўтди. “Хамса” қатидаги дур-гавҳарлар ҳамон сарфланмоқда. Қалам аҳли учун тақво, покизалик биринчи ўринда экани бу асарда алоҳида таъкидланади. Ўшанда қаламлардан тўкилаётган Сўзларнинг қуввати кучли, элга нафи зиёда бўлиши аниқ. Биз ижодкорлар бу дostonни қайта-қайта ўқиб, ундан ибрат дарси олишимиз керак.

Раҳматли устоз Йўлдош Сулайман қачон Тошкент билан кўнғироқлашсалар, ўринларидан туриб олардилар. Бир куни ажабланганча шундай дедим:

– Йўлдош ака, Сизнинг тик туриб гапираётганингизни улар кўрмайди-ку!

*Шукур Холмирзаев ижодига
ҳавасим келади. Ёзганлари
табиий.. Рост.. Инсон
туйғуларини минг бир тарозидан
тахлил ва тадқиқ этиб, кейин
уни қозоғга туширадиган
ижодкорлар ҳамини бор бўлсин.
Ўшалар-да, бизни табиийлик
ва ростликка ўргатадиганлар.
Ўшалар-да туйғуларимизни
тарбиялайдиганлар.*

– Ўтириб гаплашолмайман... Ахир, бизни одам қилган (яъни, ёзувчи қилган, элга танитган) шу Тошкент, шу бағрикенг устозлар-ку! – деб жавоб бердилар.

Йўлдош ака Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Носир Фозилов ва бошқа устозлар билан шундай гаплашардилар. Устозларнинг маслаҳатлари, марҳаматлари ҳақида тўлқинланиб гапирардилар.

Агар вилоятда яшайдиган ижодкорга Тошкентдан бир кўнғироқ бўлиб қолса ҳам, гўё илҳом дарчаларини, бошқача айтганда, ирмоқларини очиб

юборади. Нега? Негаки, ишонч инсонни дадиллантиради, қанотлантиради. Бир куни худди шундай бўлган. Уйимизга Тошкентдан кўнғироқ бўлди.

– Опа, Сизга бир илтимос билан...

Ажабландим.

– Илтимос...

– Агар кўлимдан келса, минг марта...

– Уч кун ичида кўқонлик муаллима, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурахон Мадалиева ҳақида очерк ёзиб беришингиз керак...

– Уч кун ичида? Вақт жуда қисқа-ку, – ўйла-ниб қолдим.

– Нима энди... роман ёзган одамга битта очерк ёзиш...

Шу бир оғизгина эътирофми, билмадим, менга куч бағишлади. Пойтахтдан олисда яшайдиган ижодкорга бўлган ҳурмат, балки мени қанотлантирди. Мен ўша ишни уддаладим. Очерк “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” китобига киритилди. Бу очеркимга кўп яхши акс садолар келди.

Кувонарлиси, ўша илиқ кўнғироқ мени яна-яна астойдил ишлашга ундади. Кўнғироқ эгаси китоб муҳаррири Абдуқодиржон Ниёзов эди.

Ҳозиргина эшитдим. Қишлоқда бир куёв ҳомиладор хотинини уй ичига қамаб қўйибди. Келин жиноят қилгани йўқ. Фақат бетоблигини ёнидагиларга айтолмай, ўз онасига айтгани, онасига кўнғироқ қилгани учун, холос. Ахир, ўша жоҳил эр фарзанд дунёга келаётган вужуддаги оғриқларни ўзи сезмаган бўлса... Оиладаги темир интизомдан бешиб, онасига ёрилган-да. Ҳатто шуни ҳам тушуна олмабди-ку!

Қани энди, шунақа жоҳилларнинг ўзини ҳам қамаб қўядиган мардлар топилса! Негаки, у инсонни ҳис этишдек нозик туйғуларни танимади. У яшашни фақат моддий бойлик, шоҳона уй-жой, машиналар деб билади. Улар китоб ўқимади. Мактабдаги адабиёт дарсларида ҳам ҳеч нарсани ўқмаган.

Фарзандининг эсон-омон, соғ туғилиши ҳақида ўйламаган, фикрламаган одам бировнинг дилбанди бўлган хотинининг қадрига етармиди!..

Яқинда Наманган вилоятдаги сойлари шарқираб турган қишлоқнинг “Онанинг кўзёшлари” деган зиёратгоҳида бўлдик. Худди, худди... онанинг кўзёшлари тўхтамай, сизиб-сизиб оқаётганга ўхшайди. Йил – ўн икки ой, кечасию кундузи оқади. Айтишларича, фарзандидан жудо бўлган Онанинг жолалари эмиш... бу томчилар. Томчилар оқиб, пойидаги булоққа тўкилади. Балки... бу булоқ ўша кўзёшлардан бино бўлгандир.

Ўша Чодакда меҳмондўст укамиз Обиджоннинг хонадонидида бир пиёла чой ичдик. Оддий одамлар... Бироқ улар кўзларидан тошаётган, бизга – умрида биринчи марта кўриб турган одамларга бўлган меҳрларини кўрсангиз, шошиб қоласиз. Гўё дарё тўлқинларига рўбарў бўлгандай, гўё бу дарёлар ўз-ўзингизникидай яқинликни топиб оласиз. Обиджоннинг онаси Шодмон хола менинг китобимни қўлига олиб:

– Ўзинг ёздингми? Китоб ёзасанми? – дегандай ҳайратланиб-ҳайратланиб, кўзларимга қаради. Кейин... кутилмаганда, бирдан шундай йиғлаб юбордики... Кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Менга ўтиниб қаради. Гўё илтижолар қилиб қаради.

– Мени ёз, менинг юрагимни ёз, – дея кўкрагини кўрсатди.

– Йигирма беш ёшли ўғлидан, навқирон укамиздан автоҳалокат туфайли бевақт айрилиб қолган. Шундан буён кўзёшлари тўхтамайди, – деди онасига маҳзун термулиб Обиджон.

Ҳозиргина “Онанинг кўзёшлари” қошидан келган эдик. Мана, яна битта айрилиқ, алам доғлари. Нақадар ўхшаш...

Шодмон холани ёза оламанми ёки йўқми? Қаламнинг кучи етадимми? Булар ҳаммаси менинг армонларимдир.

2010 йил қишида битта сўз ҳам ёзолмадим. Ўзимни бетоб, бемор ҳис этдим. Ўқишга-да рағбатим бўлмади. Ҳатто кичик-кичик қатралар ҳам мени йўқламади. Ҳатто қатра ёзиш осон эмас экан. Унга ҳам халқдан олган бирор ҳикматни жо айлаш керак. Унга ҳам нуқра туйғулар керак.

Ёзолмаслик – ижодкор учун ўлим билан тенг. Ниҳоятда азоб. Худди бўм-бўш идишга, суви қуриган анҳорга ўхшайсан. Одамлар орасида ўзингни эркин сезмайсан. Гўё оламини, яшашни, умрни идрок этолмаётгандай. Воқеа-ҳодисаларга муносабатсиз, бепарво, ҳиссиз ҳаёт кечираётгандай... Сени юксакларга кўтаргувчи руҳинг танангдан чиқиб кетгандай...

Ёзаётганда ёнаётган ўчоққа ўхшайман. Ёзиб бўлгач эса... Кўптинча ёзганларим узоқ вақт, баъзан йиллаб дафтарларда қолиб кетади.

Устоз Йўлдош Сулаймон бир куни:

– Шоирлар даврасига кирсам: “Мен асосан насрда ёзаман, майли, битта шеър ўқий”, деб шеъримни бошлайман, деган эдилар.

Демак, устознинг ўзларидан, ўз ижодидан кўнглилари тўлмаган. Бироқ ҳеч қачон шеърдан кўнглигил узолмаган ва ҳатто:

– Мен кексайганда, олтмишдан ошганда, юраги ёнаётган, юраги куяётган шоирга айландим, – дегандилар.

Яна устоз айтардилар:

– Ижоднинг чегараси йўқ. У инсонни тебратса, таъсирлантурса, эзгу йўлга етакласа, юракда орзуга, яшашга, яратишга рағбат уйғотса – ўша ижод, – дер эдилар.

Ижодкор шунақа. Бир умр изланади, илинади, бир умр интилади. У қаерга интилади? Аввало, ўз кўнглига... Гоҳи кўнглидаги ранго-ранг чечаклардан тортиб, атрофидаги инсонлар кўнглидаги оғриқлар билан чирмашиб кетади...

Муҳаббат инсонни поклайди, деймиз. Гоҳи бир аёл муҳаббатга дучор бўлиб, оловларда ёнса, одамлар уни “телба” дея маломат айлайдилар. Муҳаббатга рўбарў бўлган инсон, бир кун албатта кўнгли оламидаги гулзорига, яъни юксалиб, илоҳий ишққа етиб боради. Назаримда, ўзбек адабиётида мусулмон аёлининг минг қаватга ўралган пинҳоний муҳаббати, унинг изтироблари, ҳаётга ҳадя айлаган қудратлари ҳақидаги китоблар жуда кам. Биз гўёки Кўнглини эмас, атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотларини ёзаётганга ўхшаймиз.

Майли, ёзганингиз қандай асар бўлса ҳам, инсон кўнглини ёритсин, туйғуларни юксакликка чорласин. Устоз Пириқул Қодиров бир суҳбатда муҳокама этилаётган насрий асардаги қаҳрамон ҳақида гапириб:

– Бекорга ўлиб кетмасин бу қаҳрамон. Агар изсиз ўлиб кетса, китоб ичида қаҳрамон бўлишига нима бор? – деган эди астойдил жон койитиб.

Бу суҳбат мен учун устоз очган катта йўл бўлди. Китоб – офтоб, деймиз. Демак, унинг саҳифасига ҳамма ҳам кира олмайди. У китобхонга йўл кўрсатсин, фикрини чароғон этсин. Фақат эзгулик улашсин.

Кимдир кимнидир севиб қолса... Нафратланиш, ёмон кўриш, ғийбат қилишдан кўра севиш – минг маротаба афзал! Севги кўнглигил ичинда гул очади. Бу дегани уни дарров кимгадир тутқазिश дегани эмас-ку! Қайсидир китобда ўқиган эдим. “Муҳаббат бор жойда фаҳш йўқ”, дейилган эди. Бу фикрга тўла қўшиламан. Қаердаки, энгилтаклик, давру даврон суриб қолиш қабилидаги ҳолатларга рўпара бўлсак, бегуноҳ норасидаларнинг кутилмаган туғилишлари ҳақида гапирилаётган экан... билингки, чиндан

хам, у манзилларда муҳаббат содир бўлмаган. Демакки, инсоннинг нозик туйғуларини тарбиялайдиган, севги титроқларидан роз айтадиган, хаёлчан ғунчалар каби ибо, ҳаё ва ифбат ҳақидаги асарларга муҳтож эканимизни ҳис этаман.

Қўқон шаҳрида устоз муаллима, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзурахон Мадалиева яшайди. У ўз изланишлари билан чинакам қаҳрамон бўлган инсон. У ўз фани – математикани шундай севдики... Математикага бағишлаб китоб яратди. Гўё математика билан адабиётни чатиштирган, гўё ақл билан кўнглини бир-бирига боғлаган. Китобининг номи “Саҳнада математика” деб аталади. Ўқувчилар қийин фан деб ҳисобланган математикани аввал шеър қилиб ўқийдилар. “Биз параллел чизиқлармиз”, дея шеърый кайфият билан бошланган дарс кейин юксак руҳ билан мураккаб масалаларни ечишга киришиб кетади. Қийин ишлар ҳам осондай бўлиб, математика оламига кириб, уни астойдил севиб қоладилар. Бир сўз билан айтганда, Манзурахон ўз умр ёғдусини топишга эришган ва уни ҳаётга, одамларга ҳада айлаган. Бу ёғду – ижод маҳсулидир.

Ҳар бир инсон ўз кашфиётини – излаган олтинини топса, албатта, жамият гуллаб-яшнайдди. Маънавиятимиз чинорга айланади. Одамлар ёлғон сўзлашдан уялади. Эшикларга қулфлар осилмайди. Бир-биримизга ишонамиз. Негаки, изланиш оламида кезинаётган одам атрофга ростлик билан қарайди. Билмадим, кейинги авлод қандай бўлар экан? Мен башоратчи эмасман. Бироқ келажакдан умидларим катта. Ҳозир ёзаётганларим ҳам шунга ишора эмасми?

Иймонли инсонлар, Аллоҳни таниганлар, ундан кўрқадиган бандалар ҳеч қачон бировни алдамайди. Кимдир кимнидир алдаётган экан, билингики, у ҳали ўз Худосини танигани, топгани йўқ. Маънавият – асли тил ва дилнинг битталиги. Ҳалоллик – маънавият. Тўғрилиқ, тамалардан қочиш, бировнинг ҳақиға назар солмаслик, ғийбат қилмаслик, бировга чоҳ қазимаслик, ўз манфаати деб, бошқаларни оёқости қилмаслик... Уларнинг ҳаммаси – маънавият, комиллик йўллари.

Биз ҳар бир ишдан ҳикмат излаб, қадам ташласак, кўп улуғликлар содир бўлади, дея умид қиламан.

Гоҳ-гоҳ “Ҳа, у одамга ишонса бўлади”, деган гап қулоққа чалинади. Нақадар хушбахт сўзлар: – Ишонса бўлади!



Дунёда битта ишончли одамнинг борлиги – катта, поёнсиз пок олам. Бу одамга энг катта омонатингизни тутқазсангиз ҳам, у заррасига-да хиёнат қилмайди. Ўйлайманки, дунёнинг шодлиги ана шундай кишилар туфайлидир.

Қарангки, адабиёт – ўзи туйғулар хазинаси. Туйғулар тошмаса, ким ёзади? Китоблар қатига жо бўлган ўша туйғулар худди шабнам мисоли китобхон дилини поклайди, яшнатади, янги-янги орзулар куртакларини ёздирди. Бироқ кимдир: “Китобингизни мазза қилиб ўқидим”, деса, ана шу – энг катта мукофот! Шу бир оғиз сўз ҳаммиша ёзишга ундайди.

Кўнгли чопяпти, кўнгли ёзаяпти.

Катта асарлар, романлар ёзиш учун ёзувчиға катта материаллар керак. Асар бош қаҳрамони физик олим бўлса, физика фани сир-асрорини билмаган одам уни қандай ёзади? Демак, ёзувчи ўзи ёзаётган қаҳрамонининг касб-корисирларини аниқ билиши керак. Ўша касб эгаларининг руҳиятини билиши шарт. Бўлмаса, китобхон ишонадиган асар ёзилмайди.

Ҳамиша кўплаб романлар ёзган ёзувчилар ҳаётиға қизиққанман, ҳавас қилганман. Шулардан бири америкалик ёзувчи Уильям Фолкнердир. У “Мағлубиятға учрасам ҳам майли”, деган аҳд ила астойдил ижод қилган ва ўттиздан ортиқ романлар яратган. 1949 йили Нобель мукофотиға сазовор бўлган.

Мағлубиятлардан чўчимай ижод қила билиш ҳам катта жасорат эканиға амин бўламан. Бироқ бу қадар жасур қаламкашнинг катта билими, ҳаёт тажрибаси бўлиши, шу билан бирға, унинг юрагиға китобларға киришға, шу асарлар қаҳрамонлари бўлишға арзиғулик инсонлар – қаҳрамонлар яшаши керак.

*Бу суҳбат мен учун устоз
очган катта йўл бўлди. Китоб
– офтоб, деймиз. Демак, унинг
саҳифасига ҳамма ҳам кира
олмайди. У китобхонга йўл
кўрсатсин, фикрини чарогон
этсин. Фақат эзгулик улашсин.*

Ушбу битикларим ичра гоҳ шод, гоҳ маҳзун қадам ташлар эканман, инсон умри ҳақида узоқ-узоқ хаёлларга толаман. Уй пойдеворсиз, устунсиз бўлмагани каби умрнинг ҳам ўз таянчлари бор. Илк устозларим – отам Деҳқонбой Отажонбой ўғли, онам – Пўлатхон Нишонбой қизидир.

Дадамнинг отаси Отажонбой бувам 1933 йилда мулкдор бўлгани учун Тожикистонга сургун қилинган. Бувам поезд вағони ойнасидан бошини чиқариб хайрлашаётганида, кўзидаги шашқатор ёшлари оппоқ, чиройли юзларини ювиб, нигоҳлари умидсиз, ниҳоятда илтижоли бўлган.

– Аҳмаджон, мен сизга ишонаман, шу ёлғизгина боламини эҳтиёт қилинг. Уни сизга омонат ташлаб кетяпман. Мендан зурриёд қолсин, жон Аҳмаджон. Биздан зурриёд қолсин... – дея зорланган.

Дадамнинг тоғаси – Аҳмаджон Отажонбойга содиқ бўлиб қолди. Умрининг охиригача оталик қилди. Қулоқлар боласини шўро мактабига олишмади. Ўшанда тўққиз ёшли Деҳқонбой жиянини ўз номига олиб, унга Аҳмедов деб фамилия берди.

Отажонбой бувамизнинг ниятлари ижобат бўлганки, отамиз Деҳқонбой Аҳмедов 1941–1943 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, чап қўлидан, ўнг кўзидан яраланиб, эсон-омон қайтди. Уйланиб, саккиз фарзанд кўрди. Не бахтки, Отажонбойнинг зурриёдлари энди Файзиобод оша Фарғонада, Тошкентнинг турли манзилларида яшаб, умргузаронлик қилмоқдалар.

Отажонбой бувамизни кўрмаган бўлсам-да, ҳар лаҳза меҳрини ҳис этиб тураман. Битта жиянимизнинг исмини Отажон қўйишган. Шу жиянимиз 2011 йили ижарага олма боғи олиб, парваришлади. Бу боғ шундай мева бердики...

Қип-қизил беш юлдуз нақшин олмалар шохларини кўтаролмай, ерларга эгилди. Териб, сотиб, улгуриб бўлмасди. Отажон тез-тез қариндошларга қопларда олма тарқатарди. Гўё Отажонбой бувамиз бизларга олма улашиб юрганга ўхшарди. Бувамизни билган кексаларнинг айтишича, мулкдор Отажонбой ўз топган-тутгани билан кўп ночорларни боққан экан.


Одам эллик ёшга етганда, бир ортига қарайди. Ўшанда ҳам дунёни у қадар англамайди. Ўшанда ҳам ернинг елкасида атрофни томоша қилиб тургандай, ҳа, ҳали вақт бор, деётгандай бўламиз. Гўё юз ёшга етамиз-у, ҳали ярим умр бизни кутиб тургандай. Одамлар бекорга “Пайғамбар ёши” дейишмас экан. Пайғамбар ёши, яъни олтмишдан ўтгандан сўнг, одам кун сайин ерга яқинлашиб боради. Ўтган умрига тез-тез назар ташлайди. Кўнгли тўлади ё тўлмайди. Бу фикр қошида тўхтаб қоламан. Умримдан кўнглим тўлдими? Оҳистагина “ҳа”, дегим келади. Нега? Негаки, беш фарзанд, ўн беш набирам бўлса, уларга фақат яхшилиқни ўргатдим. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмадим...

Гул сўқмоқларнинг хотимасини негадир насрий назмда битгим келди. Яъни... кўнглим мамлакатада Малика бўлдим бугун. Чор тарафда сайроқи қушлар наво қилади. Райҳон, жамбил бўйлари тутиб кетар ҳавони. Пойимдир майсалар, гиёҳи, неъматлари. Гўё улар дардларга тутар мингта шифони. Осмонда куёш шохдир, ҳадялари адоқсиз. Чучмомалар, ялпизлар, атрофларим – гул, чаман. Дилимда сайрар бир қуш, тирикликдан айтар сўз...

Хаёлларим гул бўлган, дилим ичида булбул. Билингки, азизларим, дилга келибди баҳор!

Ҳислар қилар тўполон. Ёзиб-чизиб кун ўтар. Қаламни маҳкам ушлаб шошаман, тошаман, кейин... Нималар ёздим, дея термуламан уларга. Улар – кўнглим мулкидир. Улар бамисли кўзёшимдай тўкилди. Демак, улар – ростларим, яшашга ҳавасларим. Топганим-тутганларим, ҳайратим, ғайратларим. Ёмонми ё яхшими? Кўзёш тиниқ-ку ахир, ишонаман уларга.

Азизлар, жонкашларим, бу рангли сўқмоқларда, яшил, гулгун, нопармон, оппоқ, қизил, сиёҳранг... Улар ичра мен борман. Фақат, фақат, Сиз мени шу сўқмоқлардан изланг. Гул сўқмоқлардан изланг...



Муваффақиятнинг асосий шарти

Ёшлик... Куч-қувватга, шижоатга тўла бу даврни ҳаяжонланмай, энтикмай эслайдиган ким бор? Уни умр баҳорига қиёслашгани бежиз эмас. Зеро, у баҳор селларидай тошқинлари, момогулдирақдай чақинлари, кўклам қуёшидай тафти билан инсон ҳаётини безайди, гулла-тиб-яшнатади.

Бироқ... Ана шу бетимсол давр қандай замонда кечиши ҳам эътиборга молик экан. Шу маънода бугунги авлодга ҳавасим келади. Мустақиллик берган имконият боис улар чин маънода баркамол бўлиб ўсаётир. Фан олимпиадаларида, спортда, санъатда дунёдаги ҳеч бир мамлакат ёшларидан кам эмасликларини, ҳеч қачон кам

бўлмасликларини исботламоқда. Навқирон ижодкорларга кўрсатилаётган эътиборни айтмайсизми! Уларнинг шеърий ва насрий асарлари "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан катта ададда нашр этилиб, ўқув юртларида тарқатилаётганига, очиғи, ҳавасим келади.

Болагимдан шеъриятга, бадий ижодга муҳаббатим баланд бўлган.

Минглаб мисра шеърни ёд билардим. Мактаб давридаёқ шеърлар машқ қилганман. Бир воқеани айтсам, бугунги ёшлар учун ғалати туюлиши мумкин. Таҳририятга шеър кўтариб бордим. Шеърим ҳазин руҳда бўлиб, худди туғилиш каби ўлим ҳам ҳақ экани изҳор этилган эди. Мана, баъзи мисралари:

Билдим, шафақ уфққа
дўнгайдир,

Тонг ҳам ўрин алмашар
тун-ла.

Инсон шу қисматга
кўнгайдир,

Юзлашгайдир ҳаёт ҳазон-ла.

Кўзойнакни бурнига қўндирган ғазабнок муҳаррирнинг таҳдиди ҳамон эсимда: “Совет кишиси ҳам ҳам чекиши мумкинми? “Тонг тун билан ўрин алмашар” деганда нимани назарда тутяпсан? “Ҳаёт хазон-ла юзлашар” эмиш... Қайси мактабда ўқийсан, ўзи? Ким тарбия беряпти сенга? Сен, яхшиси, коммунистик партия туфайли эришган бахтинг ҳақида куйла, шодлик тўғрисида ёз!”. Ҳозир эсласам, ҳам кулгим келади, ҳам ачинаман. Бироқ ўша кезде роса қўрққанман... Гўё устимга осмон қулаб кетадигандек сезганман ўзимни... Мен сабабли мактабдаги устозларим бошига маломат ёғишидан қаттиқ хавотирланганман.

Ҳозирги ёшлар учун имконият эшиклари ланг очик. Яқинда матбуотда ўқидим, мамлакатимизда сўнгги беш йилда 278 та болалар музика ва санъат мактаби фойдаланишга топширилган. 523 та спорт иншооти ҳамда 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилган. Бугун уларда икки миллиондан ортиқ ёшлар, жумладан, 840 минг нафардан зиёд қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келади.

Ёшларимиз яратилган шароитдан самарали фойдаланаётгани одамни қувонтиради. Ўтган йили дўстларим билан дийдорлашиш ниятида Сирдарёнинг Пахтабод туманига бордим. Дўстларим Даврон Мажидов деган йигитчани таништириб, унинг келажагидан умидлари катта эканини айтишди. Айтишларича, Даврон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида ўқиб юрган кезларидаёқ бизнес-режалар тузишга алоҳида қизиққан. Коллежни битиргач, автомобилларга ва қишлоқ хўжалиги транспортларига сервис хизмати кўрсатиш устахонасини очган. Ўша кунлари у “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” кўрик-танлови республика босқичининг совриндори бўлган экан.

– Кўрик-танлов совриндори бўлиш баробарида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни ҳам қўлга киритдим, – деди у биз билан

суҳбатда. – Ана шу молиявий кўмак ҳисобидан устахонани кенгайтириш, замонавий ускуналар сотиб олиш ҳамда эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи дўкон очиш режам бор.

Ҳавасим келди. Ёшлиқданоқ янги-янги режалар, орзулар билан яшаш одамнинг ҳаётига мазмун бағишлайди. Муттасил равишда ўсишига, камолотига сабаб бўлади. Бу ҳол мустақиллик даври ёшларининг етакчи фазилатига айланаётгани эса бизнинг бахтимиз.

Бу каби ютуқлар, шубҳасиз, ёшларимиз келажагига катта умидлар билан қараш

*Барча
иллатларни
муолажа
этишининг
ягона чораси
– билим.
Билимли
ёшларгина
мустақил
фикрга,
мустаҳкам
дунёқарашга
эга бўлади.*

мумкинлигини кўрсатади. Бироқ, афсуслар бўлсинки, уларнинг барчаси ҳам илмга, маърифатга бирдай интиляпти, дея олмаймиз. Китоб мутолаасидан анча йироқ, кийинишда ҳам, юриш-туришда ҳам Фарбга тақлид қилувчи, ҳаттоки ўз тақдирига лоқайд ёшлар ҳам, таассуфки, учраб туради. Дунёнинг исталган бурчагидаги ахборотни оний лаҳзада бошқа бурчагига етказиш имконига эга, ўзида дунё адабиётининг нодир намуналарини жамлаган интернетни умрни беҳуда совуриш манбаига айлантираётган ёшларимиз йўқми? Ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолаётганлари-чи? Бундайларни кўрганимда ич-ичимдан ачинаман. Шундай эркин ва обод Ватанда яшаб, камолотга эришиш имкониятини бой бериш афсусланарли ҳолдир.

Хўш, бундай иллатлардан йироқ бўлиш учун ёшлар нималарга эътибор бериши керак? Биз катталар тарбия масаласида яна қандай чоралар кўришимиз зарур? Менимча, биринчи навбатда, китоб мутолаасига, билим олишга муҳаббат уйғотишимиз лозим. Барча иллатларни муолажа этишининг ягона чораси – билим. Билимли ёшларгина мустақил фикрга, мустаҳкам дунёқарашга эга бўлади.

Яқинда бир йигитча билан суҳбатлашиб қолдим. Бу суҳбат Худо ярлақган бола маърифатдан йироқроқ оилада туғилган бўлса ҳам, кўп нарсага эришиши мумкинлигига ишонч уйғотди менда. Мана, унинг эътирофи:

– Мен бозор яқинидаги маҳаллада олди-сотдидан ўзгани билмайдиган, ҳаётнинг мазмунини пул топишдангина

Аслида ҳам, инсон ўзининг ва ўзидан аввалгиларнинг хатоларини такрорламаслиги керак. Хатолардан тўғри хулоса чиқариш – муваффақиятнинг асосий шарти. Иккинчи шарт – инсоннинг ўз олдига йирик мақсадларни қўя билиши. Учинчиси – ана шу мақсад йўлидан заррача оғишмаслик, қийинчиликлар олдидан довдираб қолмасликдир.

иборат деб тасаввур этадиган оилада туғилиб ўсдим. Ўз оиласини ёмонлапти, деб ўйламанг, дунёга келишимга сабабчи бўлган ота-онамни Худо раҳмат қилсин, улар олдидан бир умр қарздорман. Лекин мен озгина эсимни танишим билан бозорга чиқиб кетганман. Мактабдаги устозларим: “Ҳой, фалончи, сенда яхшигина қобилият бор. Ўқисанг, катта одам бўлишинг мумкин. Бозорга дарсдан

бўш вақтларингда чиқ, дарсларингни қолдирма”, дейишларига қарамай, отамнинг қистови билан пул топишга берилиб кетдим... Кунлардан бирида телевизорда бир тенгдошимнинг кураш бўйича халқаро мусобақада голибликни қўлга киритгани, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилишига сабаб бўлгани ҳақида лавҳа бериб қолишди. Жудаям ҳавасим келди. Уйдагилардан яшириб, излаб топиб, кураш тўғрагига ёзилдим. Мунтазам қатнашдим. Тинимсиз шуғулландим. Жисмоний тарбия ва спорт институтини ҳам битириб олдим. Халқаро мусобақаларда голиб бўлдим. Ҳозир эса бўш вақтларимдаги энг севимли машғулотим – китоб мутолааси. Фарзандларимнинг ўқиб билим олишига алоҳида эътибор беряпман. Худо хоҳласа, улар Ватанимиз равнақи йўлида муносиб хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етади. Бунга ишонаман...

Бахтиёржоннинг эътирофи нақадар самимий... Аслида ҳам, инсон ўзининг ва ўзидан аввалгиларнинг хатоларини такрорламаслиги керак. Хатолардан тўғри хулоса чиқариш – муваффақиятнинг асосий шарти. Иккинчи шарт – инсоннинг ўз олдига йирик мақсадларни қўя билиши. Учинчиси – ана шу мақсад йўлидан заррача оғишмаслик, қийинчиликлар олдидан довдираб қолмасликдир. Агар ана шу қоидани ҳаётга татбиқ эта олса, одамзод кўнглида армонга ўрин жуда кам қоларди.

Буюк аждодларимиз умрнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билишга чақирганлар. Улар фикрича, ёшликнинг бирор дами беҳуда ўтмаслиги, ҳар бир лаҳза инсоннинг камолига хизмат қилиши зарур. Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб бундай дейди: “Мен ёшлигимни кўмсайман, ўқиниб афсусланаман, лекин энди ўқинишларимдан заррача фойда йўқ”. “Қутадғу билиг”дай нодир асар муаллифики шундай сўзларни ёзса, бошқалар нима дейиши мумкин?! Аслида, у зот вақтни ҳаммадан кўп қадрлагани аён. Буюк адиб бу ҳикматни келажак авлодларга сабоқ ўлароқ битган бўлса ажаб эмас.

Буюк адибнинг мана бу сўзлари ҳам алоҳида эътиборга молик: “Ёшлик ва йигитлик йиллари менга нималарни йиғиб берган бўлса, қариллик келиб уларнинг барини қайтариб олди, у сенга ҳам келади”. Бу сўзлар мутафаккир яшаган даврда қанчалик долзарб бўлган бўлса, бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Яна бир бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарийнинг қуйидаги фикрлари бу ҳақиқатни янада теранроқ англашимизга ёрдам беради: “Ким вақтни зое қилса, бас, бу вақт унинг душманидир”.

Дарҳақиқат, ёшлик – умрнинг энг масъулиятли даври. Бу давр эртанги кун учун, истиқбол учун захира тўплаш имкони борлиги билан ҳам алоҳида қимматга эга. Ёшликда маърифат зиёсидан баҳра олган киши авлодлар қалбига нур улашади, улар маънавиятининг юксалишига ҳисса қўшади. Болаликдан гўзал ахлоқ билан зийнатланган одам кексайганда комил хулқ эгаларини тарбиялаш орқали жамият равнақиға хизмат қилади. Бунинг учун эса ёшликнинг ҳар дамини қадрлаш зарур.

Абдуғани СУЛАЙМОН



**Муҳиддин
АБДУСАМАД**

1982 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика
факультетида таҳсил
олган. “Онажон”, “У” номли
шеърий тўпламлари нашр
этилган.

Кўзларингдан тошган меҳрингни туйсам

Кутуш

Йўллар узилмади қадаминг тегиб,
Кўзим деразага қоришиб кетди.
Сохта йўловчилар кириб кўзимга,
Зулмат чўмган дилим ёришиб кетди.

Сендан висолингни қилмайман талаб,
Сендан дийдорингни қилмайман тама.
Аммо шуни фақат тушунтириб кет,
Сенинг қиёфангга кирганми ҳамма?

* * *

Кўзинг дарёсининг суви беором,
Кўзинг дарёсида балиқлар минг-минг.
Кипригингдан қармоқ ясабон, дилбар,
Кўзларингга балиқ овига келдинг.

Кўзингда беҳадик сузмоқда эдим,
Севгинга илиниб, бўғзим тилинди.
Энди қармогингни торт, эй балиқчи,
Лаққа илинди.

* * *

ва яна тиллосин йўқотиб осмон
ва яна шаррослаб йиғласа ёмғир
ва яна муҳаббат бўлиб саргардон
ва яна жизиллаб тинмаса бағир

ва яна намиққан жиққа тушларим
ва яна ивиган кўзнинг сурати
ва яна илкингни илкис ушладим
ва яна ўпмоққа етмас журъатим

ва яна...

* * *

О, Мўъжизам,
сенинг пойингга чўкиб,
Кўзларингдан тошган
меҳрингни туйсам.
Чаими зилолингни кўзимга тикиб,
«Йўқолинг...»
дейсан.
Шодликдан баргларин тўқар юрагим,

Лаҳзада улгургум
тирилиб,
ўлиб...
Сўзларинг туюлар тасаввуримда
«Йўқ... қолинг»
бўлиб...

* * *

Бу қандай суқунат,
бу қандай бўшлиқ,
нечун шамс кундан-у, ой тундан айро?!
Танимни титратиб тўкилар қўшиқ,
Вовайло, вовайло, вовайло...

Қанча бўлди сенга бўйламагандим,
менинг таширифимга интиқ гор –
юрагим...
Истигфор, истигфор, истигфор...

Бу қандайин фасл –
баҳорда қузак –
борлигим,
вужудим ям-яшил ҳазон.
Бир насим елмоқда – қўнғилга безак,
Руҳафзо, руҳафзо, руҳафзо...

* * *

Санингсиз маң, билмам кимман,
Юрагимда турди оғриқ,
Кафтларимда тўлиб уммон,
Тилагимда турди оғриқ,

Тўрт тарафим кенг нимарса,
Саробларга тенг нимарса...
Қўлим чўзиб енг шимарсам,
Билагимда турди оғриқ,

Юрак тепар қобиргамни,
Ўпар, ўпар, ўпар гамни.
Жон дегани соб бўлганми,
Суягимда турди оғриқ,

Бир йўлингни дайр билсам,
Шул йўлингда сайр қилсам,
Адашсам-у, сал қайрилсам,
Курагимда турди оғриқ,

Санингсиз маң, билмам кимман,
Юрагимда турди оғриқ,
Кафтларимда тошиб уммон,
Тилагимда турди оғриқ,

* * *

Маним кўзим ёмон. Ичим фош этар,
Сани кўп соғиниб жисмим ёш этар.
Ўзинг бир таълим бер жисму жонима,
Висолинг руҳимни хўп ювош этар.

* * *

Кўзингни кўзимда кўрсам, нетай мен,
Сўзингни сўзимда кўрсам, нетай мен.
Сен бунча ўзингни севарсан, дема,
Ўзингни ўзимда кўрсам, нетай мен.

* * *

Юрагим энг сўнгги япроқдек гағриб,
Тириклик шамидай милтирар ҳавас.
«Севасанми?» дея нафас чиқариб,
«Севаман!» деганча оляпман нафас...

* * *

Сотиб олмоқчи бўламан дунёни
Чўнтагимдан тўкилиб борар
Ой – чақа...
Чойчақа...
Бола-чақа...

* * *

қовушган киприклар овози
бузар
жимликни

* * *

кўзларим – чашма
кел
қуриб қолмасдан

* * *

тегди меъдага
бир хил таомдай
ҳижроннинг таъми

* * *

сенинг кўзларингга қарамоқ ўлим
менинг эса тинмай аксига олиб
ўйнашигим келади шу ўлим билан

* * *

юрагим кўзларинг қаролигича
орамиз икки кўз аролигича
қачон учратамиз бир-биримизни


* * *

Эртақдаги калава мисол
менга йўл кўрсатиб борар йўл.
Кетаяпман йўлнинг измида.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

1946 йилда туғилган.
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультетини тугаллаган.
“Бир заминда яшаймиз”,
“Умидли дунё”, “Ёлғиз яшаб
бўлмайди”, “Хуштакни
ким чалади?”, “Умр учар
юлдуз”, “Торнинг чўмичдан
фарқи” каби публицистик
тўпламлари чоп этилган.



Шоир, тутгил одил йўлни...

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев дилбар қўшиқлари, халқона самимий сатрлари, бетакрор, мўлжалга нақд бориб етадиган таъсирчан иборалари билан мухлислари орасида машҳур эди. Маҳмуд Сатторов уларни “айтимлар” деб атаб, қизиқарли тадқиқот мақола ёзди, Наримон Ҳотамов шоир ҳақидаги туркум хотираларга муаллифлик қилди.

Нормурод аканинг ошна-оғайниси, таниш-билиши, мухлислари ҳаддан зиёда эди. Тўй-томошаларда танишу нотанишлар уни ўраб олар, давраларига чорлар, бирга суратга тушишар, шоир эса улар билан худди минг йиллик қадрдонлардай самимий мулоқот қилар, “Сизни кўрган кўзларимдан ўргилай”, дея кўнгилларини кўтарарди. Таниш, аммо ўзи билан ўзи бўлиб кетганларга: “Шоир керакми, ўзи?” дея беозор танбеҳ берса, танимаганларга: “Нормурод Нарзуллаев мен бўламан, билиб қўйинг – шоир кўп, Нарзий битта”, дея лутф қиларди. Баъзан мутлақо нотаниш кишилар Нормурод аканинг олдига келиб, тўйга ёки учрашувга таклиф қилишса, соғлиғи кўтармаса ҳам, йўқ демасди, бундай қилаётганига ажабланиб қараётганларга: “Маили, бу ҳам бир шоирчилик-да”, деярди-қўярди.

Нормурод ака дўст-қадрдон танлашда одамларнинг мартабасига қарамасди – тўйларда рестораннинг димоғдор мудирини билан ҳам, шу ерда хизмат қилиб юрган оддий ходим билан ҳам танишиб, “Набираларнинг тўйини, худо хоҳласа, ўзим ўтказиб бераман”, деб ваъда берар ва, албатта, сўзининг устидан чиқарди. Дастурхонга тансиқроқ таом олиб келган официант йигитга: “Шоирнинг ҳурмати бор-да, яшанг, албатта ўсасиз”, деб қўярди. Эрта баҳордан то кеч кузгача ёнида бир даста таклиф қоғозлари бўлар, бирортасини ҳам эътиборсиз қолдирмас, бориб, келин-куёвга атаб ёзган шеърини ҳаяжон билан ўқиб берарди. Учрашувларга борганимизда оддий касб эгалари – деҳқонлар, чўпон-чўлиқлар, йўл ёқасидаги қўлбола дўконларнинг шу чоққача “тирик шоир”ни кўрмаган ёш сотувчилари билан астойдил танишар, уларга янги китобини совға қилар, шеър ўқиб берарди. Одамларнинг кўнглини кўтаришдан чарчамасди.

Шоирни байрам тадбирларига, турли танловларга, маҳалла ёки ўқув юртларидаги учрашувларга тинимсиз таклиф этишарди. Йўқ дейишни билмасди. “Шоир бўлганингдан кейин мухлисларинг билан учрашувга бормасанг бўлмайди-да”, дерди. Буни Жуманиёз Жабборов тўйхат шеърида жуда аниқ ифодалаган: “Ҳам гўзаллар хуснига шайдо бўлар, Қайга борса бир яхшилик пайдо бўлар. Гарчи Назрий, аслида Нарзийдир ул, Ҳар нечук ҳурматга ҳам арзийдир ул...”.



Шоир умрининг сўнги кунларигача эл орасида, мухлислари даврасида бўлди. Шеърларидан бирида: “Мен келганман яхшилик деб дунёга, азизларим, яхшилик деб яшайман...” деганидай, бу одатини сўнги нафасигача тарк этмади. Нормурод аканинг бундай одати баъзиларга ёқмасди. “Кап-катта шоир, бу нима юриш”, дегувчилар ҳам учраб турарди. Нормурод ака бу гапларга парво қилмас, ўша машҳур “шоирчилик” деган айтимини яна бир такрорлаб қўярди, холос. Унинг яна бир одати – ҳеч кимни ғийбат қилмасди, бирор киши тўғрисида ёмон гап гапирмасди. Кимдир суҳбат мавзусини ғийбат кўчасига бура бошласа, ўрнидан даст туриб, “Ака, эшитинг, сизга бир шеър ўқиб берай”, дерди-да, давра ҳавосини янгилаб юборарди.

Кўп тадбирларга бирга борардик. Шеърлари менга ёд бўлиб кетганди. Янги-янги танишлар даврасида, гоҳо ҳаяжон босиб, баъзи сатрлар ёдига келмай қолса, мен эслатиб юборардим. Бир куни шоир Эркин Неъматни туғилган куни билан табриклашга бордик. Қўлимизда чиройли гулдаста. Янги тураржой массивларидан бирига яқинлашдик. Нормурод ака тўрт қаватли уй олдида тўхтаб: “Мана топдик, янглишмасам, учинчи подъезд, биринчи қават”, деди-да, гулни қўлимдан олиб, йўл бошлади. Йўлакка кириб, чап томондаги эшик кўнғироғини босдик. Ҳушрўйгина бир жувон, эшикни очиб, салом берди.

– Ассалом алайкум...

– Э, алайкум ассалом, яхшимисиз, келин, шоир керакми ўзи сизларга, – Нормурод ака жувоннинг қўлига гулдастани тутқазди. Кейин менга ўгирилиб:

– Кираверинг, шоирнинг уйига шунақа бостириб кирилади, – деди.

– Ие, адашибмизми, йўғ-е, адашмадик, сиздек ажойиб синглимизга гул совға қилмасдан ўтиб кетолмадик-да. Майли, уйингиз ҳамиша гулга тўлсин, ҳозир мен сизга бир шеър ўқиб бераман, кейин шоирни бирга табриклаймиз...

– Киринглар, кириглар, – жувон юзидаги нимкулгию ажабланишни билдирмасликка ҳаракат қилаётганини сезиш қийин эмасди. Чоққина коридорчага кириб, туфлиларимизни ечаётганимизда, Нормурод ака аёлдан сўради:

– Шоир қаерда? Кўринмаяптиларми?

– Эркин акани сўраяпсиз, шекилли, улар нариги подъездда туришади, – деди жувон кулимсираб.

Нормурод ака гапни тўғрилаб юборди:

– Ие, адашибмизми, йўғ-е, адашмадик, сиздек ажойиб синглимизга гул совға қилмасдан ўтиб кетолмадик-да. Майли, уйингиз ҳамиша гулга тўлсин, ҳозир мен сизга бир шеър ўқиб бераман, кейин шоирни бирга табриклаймиз...

Бир гал Андижон сафаридан Нормурод ака, мен, Муродилла Абдуллаев қайтаётганимизда Қамчиқ доводнида қизиқ воқеа юз берган. “Танга топди” деган жойга келганимизда, йўл ёқасидаги қўлбола бозорчага тўхтаб, туршак, асал, қурут олмоқчи бўлдик. Нормурод ака сотувчи қизларга: “Мени танийсизларми, шоир Нормурод Нарзуллаев бўламан”, дейиши билан, сотувчилар акани ўраб олишди. Шеърхонлик бошланиб кетди. Ёши элликлардан ошган бир опахон шоирнинг “Сўроқлар” номли машҳур кўшиғидан бир-икки сатрни ўқиб берувди, Нормурод аканинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, яйраб кетди. Опа билан кучоқлашиб кўришиб, у кишига ҳам бир неча шеър бағишлаб юборди. Мен эса бу ҳолатни дарҳол қоғозга туширдим:

*“Бу қишлоқнинг номи эрур Танга топди,
Шу қишлоқда шоир Нарзий янга топди.
Тангасини билмадим-у, янгаси кўп –
Шоир акам ўзигаю манга топди...”*

Қиз-келинчаклар билан ҳазил-мутойиба қилиб, туршак, қурут, олма харид қилиб, хурсанд ҳолда йўлга тушдик. Оҳангарондан ўтганимиздан кейин маълум бўлдики, тангатопдилик қақажонлар харидларимизнинг пулини учовимиздан ҳам олишган экан...

“Шоирчилик”да бундай кулгили, аммо самимий воқеалар кўп бўлган.

Нормурод ака халқ ичидан чиққан, халқ ичида юрадиган шоир эди. Бировдан ўтқаланмоқчи бўлса: “Туноҳи не эрди бу тилла бошнинг?” дерди. Ҳамма иш рисоладагидек бораётган бўлса: “Кадрлар жой-жойига қўйилган”, “Халқим, сен билан қалбим”, дерди. Радиода кўшиқ бошланиб қолса, мажлисми, жиддий бир муҳокамами, “Кетди, бизнинг кўшиқ кетди”, деб юборар, ўзи ёзган кўшиқни ўзи биринчи марта эшитаётгандай, завқ билан тингларди. Ёзган кўшиқлари, бир қарасангиз, жуда жўн туюларди: “Ёғочсиз ўтин бўлмас, оловсиз тутун бўлмас”, “Эговлашиб умрини, бошларини едилар. Ўлдиришиб ахийри, ошларини едилар”, “Ўнг кўзингиз қайси, чап кўзингиз қайси? Излаб бориб тополмадим, адресингиз қайси?”. Аммо бу сатрлар кўшиққа айланганида тингласангиз эди... Нормурод аканинг шеърлари бастакорларнинг кўлига, ҳофизларнинг тилига тушиши билан уларга жон кирарди, мисралар қанот боғлаб, завқ-шавққа тўлиб, тингловчи қалбини забт этишга ошиқарди. Биргина “Сўроқлар” кўшиғи ёки “Ялла” ансамбли учун ёзилган тарона, мана, ўттиз йилдирки, тингловчиларни ром этиб



ЭЛ ХАЗИНАСИДАН



келади. Бу кўшиқни Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг илтимосига биноан ёзиб берганига ўзим гувоҳман.

Нормурод ака “Янги аср авлоди” нашриётида ишлар экан, кўглаб ёш шоирларнинг пешонасини силаб, устозлик қилди, биринчи китобларини нашрга тайёрлашдан чарчамади. У бағрикенг ноширларимиздан эди.

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда радиодан “Сўроқлар” янграб қолди:

*“Шоир тутгил одил йўлни,
йўлдан адашма,
Гар адашсанг бир кун сени
виждон сўроқлар...”*

Шоир билан сўнгги мулоқотимиз дала ҳовлимизда бўлди. Кейинги икки-уч йилда оғир дард азобини тортаётган, шу дард боис ўнғайсиз бир аҳволга тушиб қолган бўлса-да, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмас, тўй-томошаларда, шеърхонлик кечаларида аввалгидай ҳайқириб, ўзи завқланиб, бошқаларни ҳам завқлантириб шеър ўқирди, ўзини содиқ дўстлари, мухлислари даврасига урарди. Ўша кун Нормурод ака мени бағрига босиб: “Энди беш мучал бўлибсиз, ҳали ҳаммаси олдинда”, дея самимий табриклади. Кейин эса, бироз чарчаганини айтиб, узр сўради...

Вафотидан уч-тўрт йил ўтгач, тахририятга келган бир шоир кутилмаганда... Нормурод аканинг соғлиғини сўраб қолди. “У дунёда ҳам шеър ўқиб, ҳаммани хурсанд қилиб юрган бўлсалар керак”, деган эдим, беихтиёр “оҳ”лаб юборди:

– Шундай қувноқ одам-а?

Бундай ҳайратни ҳали-ҳануз эшитиб тураман...

Завда

– Яккабоғ туманидаги Дўнғқишлоқ аҳолиси шевасида қуришиб, эзиб, қиш учун сақлаб қўйилган турли хил овқатга ишлатиладиган гиёҳларни ифодалаш учун қўлланилади. Масалан: “Бу йил эртароқ завда йиғиб қўйишимиз керак”.

Кўгал

– Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани аҳолиси шевасида мева-чева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва зираворларни англатади. Масалан: “Одамларнинг ҳу-ув кўгалга етгунича тинкаси қурийди...”

Жувай

– Хоразм вилоятининг қатор туманлари шевасида “жуфти”, “шериги” каби маъноларни ифодалаш учун фойдаланилади. Масалан: “Кеча қўлқопимнинг жувайини йўқотиб қўйдим”.

Туймач

– Жиззах шевасида учрайди. Туюр-туюр қилиб тўғраб, ёғга қовуриб, бидонда – ёғ ичида сақланадиган гўштни ифодалаш учун ишлатилади. Масалан: “Меҳмон ўтириб, нафас ростламасидан дастурхонга бир товоқ туймач келтириб қўйди”.

Харзум

– Навоий вилоятининг Лангар қишлоғи шевасида “инжиқ”, “қайсар” деган маънони англатади. Масалан: “Йўлчининг кенжаси харзум чикди”.

Хутум

– Чортоқ тумани шевасида “Шумлик қиладиган”, “тўполон кўтарадиган”, “шўх” деган маъноларда ишлатилади. Масалан: “Мақсудбой анча хутум бола экан”.

Ҳаддили

– Деҳқонобод шевасида жисман бақувват, кучли, зўр, деган маъноларни беради. Масалан: “Баҳром – ҳаддили полвон”.

Жасур ЖАМИРОВ тайёрлади.



Хулио КОРТАСАР
(1914-1984)

“Имтиҳон”, “Ютуқ” романлари, “Таъқибчи”, “Мануэлнинг китоби” қиссалари, “Бошқа бир осмон”, “Жанубий шоссе”, “Автобус”, “Иблис сўлаги”, “Истило қилинган уй” каби ҳикоялари жаҳон адабиёти хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилган.



Биз Глендани шундай яхши кўрардик

Бунақа бўлишини олдиндан ким ўйлабди, дейсиз. Кимдир биров киногами ёки театрдами кетаётганда, ўзига ўхшаб ўша ерга бораётган одамлар ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди: кийиниб бўлгач, фильм қачон бошланишини, жойи қаерда эканини сўраб яна бир карра кўнғироқ қилади, ё ўн биринчи ё еттинчи қатор, нимқоронғилик ва мусиқа, ҳеч кимга, айти пайтда ҳаммага тегишли маскан, ҳамма – бир хилда тамошабин, эркаклару аёллар, ғуж-ғуж одам, лекин ҳеч ким йўқдек, ора-сира кеч қолиб безовта қилаётгани учун узрхонлик, норози оҳангдаги шивирлашлар, ким кимга эътироз билдирыпти – номаълум, доимий осойишталик, нигоҳлар саҳнага ёки экранга қадалган, ён-верида ким ўтирибди-ю, нималар бўлаяпти – ҳеч ким қизиқмайди, ҳолбуки, зал тўла

одам... Худди шунга ўхшаб, рекламалару кинотеатр олдидаги узундан-узоқ навбатларни кўриб, газета-журналларда тинимсиз эълон қилаётган тақриз ва мақолаларни ўқиб ҳам, Гленданинг мухлислари бунчалар кўп эканини билмас эканмиз.

Уч йил, нарисидан тўрт йил бўлди шу воқеаларнинг бошланганига, ҳозир бу фикрнинг биринчи бўлиб кимдан чиққанини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди, қисқаси, вақт ўтиб биз асосий гуруҳ, ёшлар эса клуб, дея ном қўйган ўша қандайдир бирлашма ташкил этиш ғояси қачон – кинони кўриб чиққач, бир қадаҳдан мусаллас ичиб ўтиргандами, суҳбат қизиганида ёки жимгина хаёл сураётганимизда вужудга келдимиз, тавба, Урасуста билан Диана Риверонинг ҳам аллақачон эсидан чиқиб кетган бўлса керак.

Аслида бу ҳеч қанақа клуб-плуб эмасди, оддийгина Гленда Гарсенни яхши кўрадиганлар давраси эди, ваҳоланки, унинг истеъдоди билан ижодига юксак баҳо беришдан нарига ўтмайдиган мухлислардан ажралиб туришимизга шунинг ўзи ҳам кифоя қилар эди. Зотан, Гленда ёрқин истеъдоди билан бизни ҳам маҳлиё этиб, чинакам санъатга ошно қилган эди, шунингдек Анук, Мерилин, Анни, Сильвана ҳамда – бўлмасам-чи – Марчелло, Ив, Витторио ва Дирк сингари актёрлар ҳам юрагимиздан ўрин олганди, лекин биз фақат Глендани чинакамига яхши кўрар эдик, айнан шунинг учун, мана шунинг шарофати билан гуруҳимиз ташкил топди ва шаклланди ҳамда қаттиян ўз мақомини белгилаб олди; бу сабабларни ёлғиз ўзимиз билардик – буни ҳеч кимга айтмасдик, кейин-кейин, бир мунча вақт ўтиб, битта-яримта Гленданинг мухлислари билан танишиб қолиб, улар билан борди-келди қилиб юриб, узоқ давом этган суҳбатлардан сўнг кимки Глендани чин дилдан яхши кўришига ўзи ишониб қолмай, бизларни ҳам ишонтира олса, дилимизда бу туйғуларни ўшанга инониб айтардик.

Диана билан Ирасуста ташкил этган уюшма секин-аста кенгайиб борарди. “Қор узра ёлқин” фильми экранларга чиққан йили биз нари борса олти ёки етти киши бўлсак, “Зеболик тухфаси” ишланганда уюшма аъзоларининг сони ҳаддан ташқари кўпайиб, оқибатда айримлар ўзларини аллаким билиб, унча-мунча нарсани менсимайдиган бўлиб бораётганларини сезиб қолдик. Биз – Ирасуста, Диана ва яна икки уч киши ўзаро

фикрлашиб талабчанликни ошириш, синамасдан ва вискихўрлик пайтида ўзини доно ҳамда фидойи қилиб кўрсатишни яхши кўрадиганларни имтиҳон қилмасдан (О, Буэнос-Айрес, Лондон ва Мехикога хос бу тунги имтиҳонлар) олмасликка қарор қилдик. “Омонат бахт” премьераси кунни Глендани яхши кўрадиганлар биз ўйлагандан ҳийла кўпроқ эканига таассуф ила иқрор бўлдик. Кинотеатрда тез-тез учрашиб қолишлар, фильм тугагандан кейин кўз уриштиришлар, саросимага тушган аёлларнинг паришон чехралари ва аламини ичига ютган эркакларнинг сукут сақлаши – аллақандай нишонлару шартлашган сўзлардан кўра бизни очик равшанроқ ажратиб турарди. Бир-биримизни сўзсиз, бехато топиб олардик, қисқаси.

Ақл бовар қилмайдиган баҳонаю сабаблар изми ихтиёрида беихтиёр ҳаммамиз шаҳар марказидаги битта қаҳвахонага бориб қолардик. Алоҳида-алоҳида турган столлар бирпасда бирлаштириллар ва ҳамма келишиб олгандек бир хил коктейл чақирар, ана шундан сўнг керак-но керак гумон ва иккиланишларни йиғиштириб қўйиб, бир-биримизнинг энг сўнгги фильмнинг энг сўнгги саҳнасида охирги кадрдаги Гленданинг ҳали ўчиб улгурмаган сиймоси акс этиб турган кўзларимизга тикилиб қарашга ботинардик.

Ким билади, йигирмата эдикми ё ўттизтами – қисқаси, неча киши келганимизни барибир билолмасдик. Чунки Гленда иштирок этган фильмлар баъзан битта кинотеатрда ойлаб намойиш этилар, баъзида эса бир вақтнинг ўзида иккита ёки тўртта кинотеатрда кўйиларди. Бир сафар – кутилмаган ҳодиса – у ҳатто саҳнада, “Қуюшқондан чиққанлар” спектаклидаги ёшгина қотил қиз родини ижро этди ва қанчадан қанча янги мухлислар орттирди, эл-юрт олқишига сазовор бўлди, биз эса буни жиддий қабул қилмадик. Ўша пайтда биз жуда иноқлашиб кетдик, ўзаро борди-келди қиладиган бўлдик, тўғриси айтганда асосан Гленда ҳақида гурунглашиб ўтиргани бир-биримизникига меҳмонга борардик. Аввал бошданоқ Ирасуста бир овоздан уюшма раҳбари сифатида тан олинганди, ҳолбуки, бунга у ҳеч қачон даъво қилмаган, Диана Риверо эса гўё унинг ишончли вакили – ўринбосари эди, у асосан бизга қўшилиш ниятида бўлган номзодларни “элакдан ўтказар”, улар билан суҳбатлашар – сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, бизни бетайин ва олғир мухлислардан асрар эди.

Дастлаб мустақил ассоциация сифатида дунёга келган нарса энди жамоатчилик асосидаги ташкилотга айлана бошлади ва дастлабки пайтлардаги, енгил-елпти савол-жавоблар ўрнини аниқ мақсадга қаратилган суҳбатлар, конкрет муаммолар эгаллади. “Зеболик тухфаси”даги хатога йўл қўйилган эпизод, “Қор узра ёлқин” фильмининг интиҳосидаги сўнгги иддаолар, “Омонат бахтдаги” шарму ҳаёсиз лавҳа ҳақида саволлар бериладиган бўлди. Глендага нисбатан кўнглимиздаги меҳр-муҳаббат шунчалар кучлилигидан ҳаммаслак бўлмаган мухлислар, шарм-ҳаёсиз қиз-жувонлар, аравани қуруқ олиб қочадиган маҳмадонлар билан мутлоқо муро-са қилгимиз келмасди. Ҳатто шу сабабдан бўлса керак, бир одат жорий этилди (қаердан, ким томонидан – тагига етолмадик барибир): Гленда иштирок этган фильм марказда қўйилса, жума кунлари, чекка туманда такроран намойиш этилаётганда эса ҳамма кўришга улгуриши учун бир ҳафта кутар эдик, яъни кейинги учрашув муддати суриларди; барча вазифалар қатъийан белгилаб қўйилган бўлиб, сўзсиз итоат этиларди, акс ҳолда, жазо тариқасида Ирасустанинг нафрат ва истехзо тўла кулгиси ёки Диананинг ўта кўнгилсиз, ўт чақнаган нигоҳига дучор бўлишарди.

Ўша кезларда бизнинг учрашувларимиз бошдан-оёқ Глендага бағишланарди, бу йиғин-

*Кутилмаганда фильмларда
йўл қўйилган камчилик ва
нуқсонлар ёмон таъсир қила
бошлади: биз “Ҳеч қачон
сабабини билолмайсан”
фильмининг бу тарзда
тугашини истамасдик*

лар очикдан очик “Гленда” деб атарларди – зеро, Гленда ҳар биримизнинг қалбимизда баайни яшар ва шу ваздан орамизда тафриқа йўқ ва бирлигимизга ҳеч қандай гумон ва шубҳалар раҳна сололмас эди. Вақти келиб айримлар ботиниб, аста-секин, аввалига истиҳола ҳамда эҳтиётлик билан, бўш чиққан эпизодлардан

хайрон қолиб ёки ҳафсалалари пир бўлиб, сийқа фикр ёки тақлидларни очикдан-очик танқид қилишга ўтдилар.

Биз “Олифта” фильмининг таъсир кучини сусайтирган баъзи ерлардаги камчиликлар ёки “Сабабини ҳеч қачон билолмайсан”нинг якуни учун Гленда айбдор эмаслигини билардик. Ўша режиссёрларнинг бошқа асарларини ҳам кўрган-миз, сюжетлари қайдан пайдо бўлди-ю, сценарийсини ким ёзган – ҳаммасидан хабардор эдик, уларга шафқат қилмасдик, шу сабабли жуда яхши тушунардикки, бизнинг муносабатимиз актри-сага ҳавас билан қарашдан фарқ қилади, фақат бошқаларнинг айби туфайли юзага келган хом-хатала номукамал асарлар Гленда шаънига доғ туширмаслиги учун куйинардик. Бизнинг юксак вазифамиз, эҳтимол, бурчимиз ҳақида биринчи бўлиб Диана гапирди, у асл ниятини очик айтиб ўтирмай одатдагича, ўзига хос тарзда – киноя аралаш шама қилиб ўтди, очиги, у бизни очикдан-очик хайрихоҳлик билдиришмайди деб ўйлаган, шекилли, унинг ҳар битта гапига қўшилиб, ҳар бир фикрини маъқуллашимиздан боши осмонга етди, биз ҳам кинозалларни тўлдириб ўтиришлар, қаҳвахонада дийдорлашмоқ энди талабимизга жавоб бера олмайди, ҳатто Глендани бунақа яхши кўриб юриш ҳам кам эканига иқрор бўлдик.

Бироқ ўшанда ҳам очик айтилмагани ичимиздаги асосий гаплар – балки унда эҳтиёж йўқ эдимиз?! Глендани қалбимизда асраш бахти ҳамма нарсадан муҳимроқ ва бу бахт камолотга эришгандагина тўлиқ бўлиши мумкин эди. Кутилмаганда фильмларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ёмон таъсир қила бошлади: биз “Ҳеч қачон сабабини билолмайсан” фильмининг бу тарзда тугашини истамасдик ёки “Қор юзидаги ёлқин”да покер ўйини чоғидаги бетайин эпизод ўзини оқламаган деб ҳисоблардик (Гленда у ерда бўлмаса-да, қай йўл биландир уни ҳам иснодга қўярди). Ҳар доимгидек бизни истиқболда кутаётган вазифаларни Ирасуста аниқ белгилаб берди ва ўша оқшом биз зиммамиздаги масъулият юки остида эзилганча ҳамда истиқболда кутаётган саодат ҳақида ўйлаб, яъни нуқсон ва хиёнатлар Гленданинг мунаввар сиймосига заррача гард юқтирмаслигига ишонч бахш этган саодат умидида уй-уйимизга тарқалдик.

Биз тўгаракка бошқа ҳеч кимни қабул қилмай қўйдик, бурчимизни бажариш учун одамларимиз етарли эди. Қолаверса, муҳмал ҳур фикрлилик мақсадимизни амалга оширишга тўғоноқ бўларди. Ирасуста Ресиде-де Лобасда-

ги боғли кошонасида қурилган тажрибахона ҳақида бутунлай битгандан кейингина оғиз очди. Шундан кейин ҳамма иш келишиб олинди ва биринчи топшириқ “Омонат бахт” фильмининг ҳамма нусхаларини топиб, йиғиб келишга масъул гуруҳ тузилди ва уюшма аъзолари ўртасида тенг тақсимланди, бу фильмдан бошлаганимизнинг боиси, муваффақиятсиз чиққан ўринлари нисбатан камроқ эди. Масаланинг молиявий томони ҳақида биров ғинг демади, Ирасуста Пичинчеда кўрғошин кони очган Говард Хьюз билан шериклик қиларди, пул бўлса чангалда шўрва – барча ишлари: самолётлар, ҳамкорлик қилувчилар, пора бериш учун пул масаласи осонгина ҳал қилинди. Бизнинг идорамиз, идорага қарашли корхонамиз ҳам йўқ эди, “Хейгар Лосс” компаниясининг компютери олдимиздаги вазифалар ва уларнинг бажарилиш босқичлари тартибини программалаштириб берди. Диана Риверонинг ҳаммамизни бирдан ҳаракатга келтирган гапларидан икки ой ўтгач, тажрибахона иш бошлашга тайёр бўлди; “Омонат бахт”даги қушлар билан боғлиқ бўш эпизод бошқаси билан, Гленда ижросига муносиб меъёр ва драматик ҳолат ҳаққоний акс эттирилган бошқа бир лавҳа билан сезилмайдиган тарзда ўзгартирилди, баъзиларнинг зикрича, тўғриланди. Фильм экранларга бир неча йил муқаддам чиққан бўлиб, унинг қайта жаҳон экранларида намойиш этилиши ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади: томошабинлар ва мухлисларнинг хотираси четдан қараганда ғалати таассурот қолдирар экан, биз илгари кўрган, лекин вақтики келиб ўзгариш киритилган ёки қисман ўзгартирилган нарсаларни хотирамизнинг унутиши ёки ўзгариши орқали қабул қиламиз, шу нуқтаи назардан олганда Гленданинг ўзи ҳам фильмининг ўша эпизодларида рўй берган ўзгаришларни сезмаган бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, унинг матбуот конференциясида айтган гаплари шу фикрни юз жоиз тасдиқларди.

Биз тиним нималигини эсдан чиқариб юбордик; тажрибахонада амалга оширилган ишнинг самарасини амалда кўргач, пайсалга солмасдан “Қор юзидаги ёлқин” билан “Жоду” нусхаларини йиғиштириб олдик; сўнг қайта ишлаб, тузатиш учун бошқа фильмлар келтирилди, “Хейгар Лосс”нинг компютерчилари билан тажрибахона ходимлари бир меъёрда қизгин иш олиб боришарди. Фақат “Зеболик туҳфаси” бироз қийнади: араб амирликларидаги нефть компанияларининг магнатлари фильм нусхаларини

бутунлай сотиб олиб уйларида сақлашар экан, уни ўғирлаб чиқиб, (бошқа сўз ишлатишнинг ҳожати борми) ўрнига бошқасини қўйиб қўйиш учун турли ҳийла-найранг ишлатишга ва одам ёллашга тўғри келди, Тажрибахона панд бермай бир текис ва юқори даражада ишларди, бошида бунақа пухта иш олиб боришига асло ишонмаган эдик, (табиийки Ирасустага кўнгимиздаги иштибоҳни айтишга ботинолмагандик), тааажуб, ҳаммадан кўра Диана кўпроқ ишонқирамаганди, лекин Ирасуста “Сабабини ҳеч қачон билолмайсан”ни кўрсатганда ва биз фильм якунида Гленданинг Романолар хонадонига қайтиб келмай машинасида қоятош сари шамолдек елиб кетгани ва ўз тийнатига содиқ қолган ҳолда тошқин дарёга фарқ бўлганини кўриб, ҳақиқий якун мана шундай бўлиши кераклигини ҳис қилгандик, зеро кўнглимизда бу дунёда ҳам бенуқсон камолотга эришиш мумкинлигига ишонч уйғонган ва Гленда биз учун ана шундай баркамол бўлиб қолади, деб хаёл қилганмиз.

Албатта, энг қийини нимани ўзгартириш лозим, қаерини кесиб ташлаш керак, монтаж жараёнида нималарга эътибор бериш, бачкана, тугуруқсиз ерларини қандай ҳал қилиш эди. Ҳар биримиз Глендани турлича тасаввур қилар эдик, қалбларимизга жо қилганимиз билан бу Глендалар ўртасида тафовут мавжуд эди, – ана шу нарса ихтилофга сабаб бўларди, баҳс-мунозаралар асабларини қақшатаётганлар, узоқ ва атрофлича таҳлил қилиб тушунтирганимиздан кейин ўзаро битимга келишар, айрим пайтларда масала кўпчилик фикрига таяниб ҳал қиларди. Афсуски, фикри инobatга олинмаганлар қабул қилинган янги вариантга ичлари ачишиб қарашар ҳамда бизнинг ўйлаганларимизга тўла-тўқис жавоб бермайди, деб ҳисоблашар эди-ю, лекин ишончим комилки қилинган ишлардан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмай қолган, биз Глендани шунчалар яхши кўрардикки, натижа ҳамиша ўзини оқлаш тугул, кўпинча аввал бошдан кўзлаганимиздан афзалроқ бўлиб чиқар эди. Баъзи кўнгилсизликлар ҳам рўй бериб қоларди: “Таймс” газетасида бир газетхоннинг хати босилиб чиқди, у “Қор юзидаги ёлқин” фильмида учта воқеа, илгари бу тартибда келарди, ҳозир бутунлай ўзгарган, дея ҳайрон бўлса, “Опиньон”да санъатшуноснинг мақоласи босилиб чиқди, у очикдан очик “Жоду”даги бир саҳна бутунлай қирқиб ташланганига норозилик билдирарди, унинг тахминича, бу риекор амалдорлар сиёсатидан бошқа нарса эмас.



Барча ҳолатларда газак олиб кетмаслиги учун шошилиш чоралар кўрилади; бунинг ҳеч қийинери йўқ эди, негаки оммага калтабин тоифа – у бирпасда ҳамма нарсани унутиб юборади ёки нимани тақдим этса, янгидек қабул қилиб кетаверади ёки ўзи бир янгилик ахтаришга берилади, қисқаси, у янгиликка ўч – янгиликпараст, кино олами сиёсат дунёси каби беқарор, буқаламунга ўхшайди, ҳаммаси ўзгаришдан бир лаҳза тўхтамайди, бу фақатгина бизга – Глендани жонидан ортиқ кўрувчиларга тааллуқли эмас, аслида бидъат ва ихтилофларнинг дояси бўлмиш уюшмада тўсатдан бошланиб қоладиган баҳс-мунозаралар бўлиб, улар ниҳоятда хавфли эди. Гарчи биз ўзимизни ҳар доимгидан кўра яқдил, бурчимиз тақозосига кўра ўзимизни ҳамжиҳат сезсак-да, иттифоқо бир куни кечки пайт сиёсий сафсатабозлик иллатидан тамомила қутулмаган “аҳли до-нишлар”нинг муборак овозлари янграб қолди, иш авжи қизиган пайтда ҳаммамизнинг олдимизга ахлоқий муаммоларни рўқач қилиб кўйишмоқчи бўлишди, улар ўзимизга маҳлиё

бўлиб кетиб, фил суягига ёки гуруч донасига жимжимадор нақш чизишдек ҳеч кимга кераги йўқ фаолият билан шуғулланмаяпмизми, дея савол беришди. Бундай ишбузарлардан шартта юз ўгириш осон эмасди, агар шундай қилинса, жамоанинг тартиб билан бир меъёردа олиб бораётган фаолиятига путур етар, чунки бизлар бамисли ҳавога кўтарилган самолётнинг барча мурватлари бир пайтда барабар ишлаган учун ҳавода парвоз қилаётгани каби яхлит ва уйғун организмга айланган эдик, мабодо битта мурват бузилса ёки олиб ташланса, умумий ҳаракат бутунлай тўхтаб қолиши аниқ. Бу танқидий мулоҳазаларни, бизни куч-қувватини, ғайрат-шижоатини беҳуда нарсаларга исроф қилишдек нодонликда айблаларини чидаб эшитишнинг ҳам ўзи бўлмасди. Шунга қарамасдан энди-энди ниш ура бошлаган шаккоклик куртакларини ҳозирок – вақтида юлиб ташлашга зарурат йўқ эди, чунки ҳатто шу исёнкорлар ҳам бизга ўхшаб Глендани ҳаддан зиёд яхши кўришарди, шу боис ҳар қандай ахлоқий қарашлар ёки нуқтаи назарлардаги ихтилофлардан қатъи назар, Гленданинг камолоти бизларни ҳам, қолаверса, дунёни ҳам баркамол қилажагига ишонч ҳисси бизни бир умрга бирлаштирган эди. Ҳолбуки, биз ортиғи билан ажру мукофотга сазовор бўлган эдик, зеро, бир файласуф дўстимиз беҳуда иккиланишлар даврида қийинчиликларни бартараф этиб, аввалги ҳамжиҳатликни сақлаб қола билди; унинг оғзидан, ҳар қандай хусусий фаолият тарихий аҳамият касб этиши мумкин, инсоният тарихида китобнинг кашф этилишидек муҳим кашфиёт йигит кишининг бир аёл номини тинимсиз тақрорлаш орқали абадийлаштириш истагининг шарофати билан воқе бўлган, деган нақлни эшитдик.

Хуллас, биз Гленданинг сиймоси ҳар қандай нуқсон ва қусурлардан холи эканига ишонадиган кунларга ҳам етиб келдик; унинг сиймоси жаҳон экранлари орқали ўзи орзу қилган – биз бунга амин эдик – даражада нур сочмоқда эди, эҳтимол, шунинг учундир матбуотда унинг кино оламини тарк этиши ҳақидаги интервьюси босилиб чиққанида унчалик ҳаяжонланмадик ҳам, фикримизча, Гленданинг ғайриихтиёрий равишда фаолиятимизга, ҳаётимизнинг мазмунини бойитишга қўшган бебаҳо ҳиссаси каромат ҳам эмас, тасодиф ҳам эмасди, бу ўзига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизни ғойибона ҳис

қилган қалбнинг жавоби эди гўё, ёки бўлма-са, унинг бу аҳду қарори юрагининг тубида туғён қилган миннатдорлик туйғуларининг инъикоси сифатида юзага қалқиб чиққанди; ваҳоланки, кино санъатига мансуб турли-туман шунос-шунослар унинг таҳсинга лойиқ бу қарорини – ажойиб актрисанинг кутилмаганда санъатни тарк этишини қадрдон гўшасини бевақт ташлаб кетган қушлар қисматида қиёслаган бўлсалар, биз эса, аксинча, абадият сарҳадларидаги маконларига қайтган қушларнинг ибратомуз аҳду қарори сифатида қабул қилдик. Бизнинг қувончимиз чегара билмасди: оғир кечинмаларга тўла ҳаловатсиз кунлар, уйқусиз тунлар ортда қолди, зеро, биз чеккан заҳматларимиз эвазига бахшида этилган неъматлардан баҳраманд бўлмоқлик шарафига ноил ва муносиб эдик. Энди ўзимиз яратган бу олам ичра хотиржам яшасак бўлади, чунки эртага яна бирор кор-ҳол рўй бермаслигига ишонар ҳамда Гленда иштирок этган ҳар қандай фильмни бемалол, бежавотир томоша қила олардик; биз хоҳлаган пайтимизда дилимизга ҳадик ва хавотир ораламасдан, бамисли хавф-хатардан холи боғларда чақчақ уриб сайраган қушлар каби яйраб-яйраб вақтимизни ўтказар эдик.

Афсуски, бу қувончимиз узоқ давом этмади. Гленда яшаётган мана шу оламда яшаб ўтган бир шоир қачонлардир: абадият замон беқарорлигига мафтундир, деб ёзган экан, бир йил ўтар-ўтмас Диана кўнгилсиз гап тоғиб келди. Гленда яна кино оламига қайтармиш, бу ҳақда ўз оғзи билан матбуот конференциясида айтибди, сабаби тушунарли – ижод унинг ҳаёт-мамоти, киносиз, театрсииз яшолмас экан, тавсия қилинаётган фильмлар сценарийси маҳсус унинг учун ёзилган ва яқин кунлар ичида суратга олиш ишлари бошланиб кетар эмиш ҳоказо ва ҳоказо. Ўша кезлари шаҳар марказидаги кинотеатрларда “Зеболик сирлари” намоёйиш этилаётган эди. Фильмни кўргач, ўзимиз ўрганган ўша қадрдон қаҳвахонада йиғилишиб ўтирган оқшом ҳеч биримизнинг эсимиздан чиқмаса керак.

Ирасуста дилидагини очиқ айтиши шарт эмасди, чунки ҳаммамиз бундай адолатсизлик ва хиёнат аламидан юрак-бағримиз қон бўлиб ўтирардик. Биз Глендани шунчалик яхши кўрар эдикки, азбаройи худо, айблашга тилимиз бормасди, рост-да, машҳур актриса бўлгани учун, боз устига, истеъдодли ва ҳусн-латофатда тенгсиз-

лиги учун гуноҳқорми?! Ҳамма бало Гленда қайтиб келаётган кино оламининг ҳаром-хариш, фирромлардан иборат эканида! Мол-дунё, обрў-эътибор, томошабинлар олқиши, Оскар каби балою офатлар биз шунча машаққатлар эвазига бино қилган эҳромларни кўз очиб-юмгунча бемалол яксон қилиб юбориши мумкинлигида! Диана Ирасустанинг кафтларига кафтини кўйиб: “Ўзга чораси йўқ”, деганда у ҳаммамизнинг номимиздан гапираётганини биларди. Уюшма ҳеч қачон бунчалик қудрат касб этмаган ва шу кучни амалга ошириш учун мақсадини бунчалик аниқ ва лўнда ифода этмаган эди. Биз ичимизда фақат бир кишигина олдиндан биладиган куни рўй бериши муқаррар ҳодисадан ҳозирданоқ таъсирланиб руҳсиз, шалвираганча уй-уйимизга тарқалдик. Биз энди қаҳвахонада бошқа учрашмаслигимизни билардик, бундан буён ҳар битта одам ўзи яратган салтанатда ёлғиз яшашга маҳкум эканини ҳам чуқур бир армон билан ҳис қиларди. Ирасустага ўхшаган бир сўзли одам учун бу ишни амалга ошириш хамирдан қил суғиргандек гап – буни ҳамма тушуниб турарди. Бизлар худди эрта-индин “Омонат бахт” ёки “Жоду” дан кейин барибир кўришамиз-у, деган хаёлда одатдагидек ҳайрлашмадик ҳам, баъзилар шошилиб, бир нималар деганча, баъзилар кеч бўлиб қолибди, уйга бориш керак энди, деб гудранганча тезроқ кетишга ошиқарди, қаҳвахонадан ҳамма битта-битта чиқди, аҳвол шундай эдики, иложини топган одам то ўша аҳд бажарилмагунга қадар унуттишни, мутлақо эсламасликни хоҳлаган бўларди, афсуски, бунинг сира иложи йўқлиги ва кунларнинг бирида эрталаб газеталардан биридаги ҳиссиз ёзилган таъзияномани ўқишга тўғри келиши муқаррар экани ҳаммага равшан эди. Бу ҳақда ҳеч ким, ҳатто ҳаммаслак дўстларимиз билан ҳам сирлашмаймиз, кинодами, кўчадами учрашиб қолсак, минг истиҳола билан, бир-биримизни кўрмаганга солиб ўтиб кетамиз; фақат шундай қилсаккина, уюшма Глендага бўлган садоқатини сақлаб қолади ва амалга оширган ишидан ҳеч ким бохабар бўлмайди. Биз Глендани шундай яхши кўрар эдикки, унга боқий камолот бахш этдик. Уни эришиб бўлмайдиган юксакликка олиб чиқдикми, бас, кулаб тушишдан ўзимиз асраймиз; унинг садоқатли мухлислари бундан буён ҳам бемалол, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай унга таъзим қилаверсалар бўлади, чунки хочдан тирик тушиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган.

Олим ОТАХОН таржимаси



Режиссёр танлаш услуби

Америкалик машхур ёзувчи Стивен Кинг бошловчи режиссёрлар ва талабаларга асарларини рамзий 1 доллар ҳақ эвазига экранлаштириш имконини берган. Бироқ фильмларни тарқатиш ҳуқуқи тўлалигича адибда қолади, улардан тижорий мақсадларда фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Ана шундай бошловчи режиссёрлардан бири Френк Дарабонт эди. У йигирма ёшида “Палатадаги аёл” асари асосида қисқа метражли фильм суратга олади. Ёндашув Стивен Кингга маъқул тушади ва бунинг натижасида “Шоушенкдан қочиш”, “Яшил миля” ва “Туман” асарлари айнан шу режиссёр талқинида экран юзини кўради.

Номдаги хатолик

Атоқли фантаст ёзувчи Рэй Брэдбери янги романига “Фаренгейт бўйича 451 даража” деган ном қўяди. Асар мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб шундай ном танланганди. Чунки шу ҳароратда қоғоз ўз-ўзидан ёниб кетади. Бироқ қоғоз фаренгейт эмас, цельсий бўйича 450 даражадан сал ошиқроқ ҳароратда оловланади. Адиб ном қўйишда ўт ўчириш хизмати ходими билан маслаҳатлашган ва у ҳарорат кўрсаткичларини чалкаштиргани учун ёзувчи ҳам хатога йўл қўйган.



Пушкин ва “Ревизор”

Машхур рус ёзувчиси Гоголнинг “Ревизор” пьесасига асос бўлган воқеа Россиянинг Новгород губерниясидаги Устюжна шаҳрида бўлиб ўтган. Бу ҳақда муаллифга Пушкин айтиб берган ва асар ёзилишига сабабчи бўлган. Гогол “Ревизор”ни

ташлаб қўйган пайтларда ҳам айнан Пушкин тугаллашга ундаган.



Ижодда ҳам хизматкорлар бўлар экан-да!

Александр Дюма асар ёзишда ёрдамчилардан унумли фойдаланган. Улар орасида Огюст Маке анча машхур эди. Дюманинг таниқли биографи, ёзувчи Клод Шопп гувоҳлик беришича, айнан Огюст Маке “Граф Монте Кристо” асари сюжетини ўйлаб топган ва “Уч мушкетёр” асари шаклланишига катта ҳисса қўшган. Аммо Дюманинг иқтидорини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Гарчи баъзи асарлари ёрдамчиларининг қўлғамаларидан ўсиб чиққан бўлса-да, ёрқин деталлар ва ҳаётий диалоглар ёзувчи истеъдодининг маҳсули эди.

Шерлок Холмс ҳақидаги асарлар

Бу машхур изқувар ҳақидаги ҳикояларнинг муаллифи Артур Конан Дойл эканини билмайдиган одам кам топилади. Шерлок Холмс образи жуда кўп ёзувчиларга таъсир кўрсатган. Натижада у ҳақида бошқа муаллифлар ҳам асарлар ёзган. Бундай муаллифлар ичида ёзувчининг ўғли Адриан Конан Дойл, Марк Твен, Стивен Кинг, Айзек Азимов, Нил Гейман сингари таниқли адиблар ҳам бор.

